

Иброҳим МУҲАММАД

БРИЛЛИАНТ

УЗУК

СИРИ

Ҳикоя ва қиссалар



ТОШКЕНТ
"DAVR PRESS" НМУ
2016

Ўзбек китобхонлари ҳам Эдгар По, Артур Конан Дойл, Агата Кристининг детектив асарларини севиб ўқишади. Миллий адабиётимизда ҳам Шуҳрат, Ўлмас Умарбеков, Тоҳир Малик каби ёзувчиларимиз ўқувчилар эътиборини қозонган ажойиб детектив асарлар яратишган.

Айни пайтда ҳам кўплаб ижодкорларимиз бу жанрда қалам тебратишяпти. Бу тинчлигимиз посбонлари хизматларини эътироф этиш билан бирга китобхонларни синчковликка, ҳар бир ўтган осойишта куннинг қадрига етишга ундайди.

Иброҳим Муҳаммад шу жанрда ижод қилаётган ёзувчиларимиздан бири. Унинг жиноятни очишдаги ўзига хос ечимлари ҳикоя ва қиссаларининг ўқишли бўлишига хизмат қилади. Ўйлаймизки, қўлингиздаги китоб сизга ҳам манзур бўлади.

Барча ҳуқуқлар амалдаги қонуларга асосан ҳимояланган.

“DAVR PRESS” нашриёт-матбаа уйининг ёзма рухсатисиз ушбу нашрни қисман ёки тўлиқ ҳолда бошқа оммавий ахборот воситаларида электрон ёки механик кўринишда кўчириб босиш, магнит ташувчи воситаларда тарқатиш қатъий тақиқланади.

ISBN 978-9943-4611-0-9

© Иброҳим МУҲАММАД, 2016
© “DAVR PRESS” НМУ, 2016

АНТИҚА ҚОТИЛЛИК

Милиция академиясининг тўртинчи курс талабаси Сардор Маҳмудовни амалиёт ўташ учун туман Ички ишлар бўлимига юборишди. Омадни қарангки, бу ерда у ўзи жуда ҳам орзу қилгани — Жиноят қидирув бўлимига тушиб қолса бўладими?! Бўлим бошлиғи майор Адҳам Қаҳҳоров уни яхши қарши олиб, Сардорнинг нималарга қизиқишини суриштирди. Сардор ҳеч бир тортинмай ўғирлигу қотилликларни тергов қилишга қизиқишини айтганди, майор мийиғида кулиб ҳаҳ, романтик ёшлар-а, деб қўйди.

— Демак, сизга кўпроқ изқуварлик ёқаркан-да, — деди майор енгил хўрсиниб. — Ҳм, бизда шу кунларда айни сиз боп бир иш бор-да. Эртага энг зўр ходимимиз Комил Умаров отпускадан қайтади. Шу қотиллик ишини унга топшироқчимиз. У жудаям таланти изқувар. Ундан кўп нарсалари ўрганиш мумкин. Бугунча эса мана бу альбомларни кўздан кечириб, суратдаги афт-башараларни яхшилаб эслаб қолишга ҳаракат қилинг. Аввал ўғирлигу қотиллик қилиб қамалиб чиққанлар суратлари йигилган тўртта альбомни майор унинг олдига қўйди. Сардор енгилгина уҳ тортганча суратларга диққат билан тикила бошлади. Эртасига Сардор кеча чала қолган тўртинчи альбомни варақлаб ўтирганида, майорнинг хонасига ёши ўттиз бешларга борган узун бўйли, елкалари кенг, кўринишидан бақувватгина, фуқаролик кийимидаги истарали бир киши мумкинми, дея кириб келди. Майор уни кўриши биланоқ ўрнидан туриб, жилмайганча қучоқ-

лаб кўришди. Таътил қандай ўтганини суриштиргач, Сардорга юзланиб:

— Кеча сизга айтган энг иқтидорли ходимимиз капитан Комил Умаров шу киши бўладилар, — деди. — Бу йнгитча бизга амалиёт ўташга келибдилар. Изқуварликка иштиёқлари жуда баланд экан. Ўзингга шогирд қилиб оласан энди. Комил Умар Сардорга мамнун боққанча майли, майли дегандай бошини сарак-сарак қилиб қўйди. Адҳам Қаҳҳоров капитанга ўтган куни содир этилган қотиллик жиноятини тергов қилишни топшириб, кўрсатмалар берди. Кейин улар капитаннинг хонасига чиқишди. Комил Умар майор берган делони қалин қошларини чимирганча кўздан кечираркан, мушти билан чуқурчали иягини қашиб-қашиб қўярди. Бу кекса бир хизматкорнинг ўз хўжайинининг бошига ўткир темир билан уриб ўлдириб қўйгани ҳақидаги жинойи иш эди. Ярим соатлардан кейин Комил Умар Сардорни қотиллик содир этилган ўша уйга олиб борди. Эшикни ёши эликлардан ўтган шу хонадон хизматкори София опа очди. Улар жиноят содир этилган хонага киришди. Хона ўртасида, полда марҳум йиқилган жой милиция ходимлари томонидан бўр билан белгилаб қўйилган экан. Изқувар ошхонани синчковлик билан кузатиб чиқди-да, бир муддат ўйланиб олгач енгил хўрсинди:

— София опа, қани, ўтган куни берган кўрсатмангизни тақрорланг-чи? — деди делодаги қоғозларга кўз югуртирар экан.

— Мен ташқарига юмуш билан чиққандим, — дея гап бошлади аёл. — Чолим ошхонада картошка арчиб турганди. Овқат кеч қолса, баъзида менга қарашиб турарди у. Ярим соатлар бурун кўчадан кайфи тарақ

бўлиб келган хўжайин ошхонага кириб, тагин ичмоқчи бўлиб чолим билан тортишиб қолган эди! Чолим бечора, бўлди кўп ичманг энди, шу етарли, деб арақ бермаган бўлса керак. Хўжайин тушмагур ичгандан кейин ўзини йўқотиб қўярди-да! Кўрган одами билан жанжаллашиб, ҳаммани безор қилиб ташларди, раҳматли! Собир ака хўжайинни бир амаллаб ичкарига обкириб, ётқизмасам бўлмайди, деб ошхонага кириб кетди.

— Шошманг, Собир ака деганингиз ким ўзи? — ошпазнинг гапини бўлди Комил Умар.

— Электрик, монтёр-да! Икки кун бурун шамолда узилиб кетган симларни улаб, эски патрону резиткаларни алмаштириб юрган бир уста.

— Хўш, Собир ака ошхонага кириб кетди, кейинчи?

— Орадан бир дақиқа ўтди ё ўтмади, бир пайт ичкаридан хўжайиннинг “А-а-а, бошим!” деган аянчли бақириқ овози эшитилиб ўтакам ёрилиб кетаёзди. Ваҳима билан чолиб ошхонага кирдим-у, ёқамни ушлаб қолдим. Не кўз билан кўрайки, хўжайин полга чўккалаб қолган, бошининг нақ ўртасидан қоп-қора қон булоқдай оқиб ётарди. Чолим бечора эса кўрққанидан рангида ранг қолмаган, қалт-қалт титраганича қўлида қандайдир темирни ушлаб турарди.

— Мен, мен уни урганим йўқ, — дерди ҳаяжон билан тутилиб. — Кўрмай қолдим, манави темир қандай бошига келиб тушганини, ўлай агар! Мен уни бошидан суғуриб олдим, холос.

Чўккалаб турган хўжайин сал ўтмай гуп этиб ёнбошга ағдарилиб тушди. Икки-уч марта қаттиқ қалтироқ тутиб, кейин жим бўлиб қолди.

— Эҳ, Эрмат ака, шу зорманда арақни берсангиз бўлмасмиди? — деди ҳовлиқиб Собир ака афсус билан бош чайқар экан чолимга. — Қариган чоғингизда одам ўлдириб қўйдингиз-ку, ахир! Сизга нима, ичиб-сасиб ётавермайдими?! Энди милицияга хабар бермасак бўлмайди, — деб ташқарига чиқиб кетди. Ун беш дақиқалардан кейин ҳовлини милиция босди. Собир ака бўлган ишни уларга гапириб берувди, ўша заҳотиёқ чолимнинг қўлларига кишан солиб олиб кетишди. Чолим шўрлик, мен урганим йўқ деб шунча тушунтирса ҳам гапига қулоқ солишмади.

Комил Умар ҳаммаси тушунарли дегандай лабларини маҳкам қимтиб бош ирғабқўйди.

— Ҳалиги, Собир ака деган электорик ҳозир қаерда экан? Мабодо, телефони ё уй манзилени билмайсиэми?

— Қаерда бўларди, оёғини гипслатиб, уйдан чиқмай ётгандир-да! — истар-истамай жавоб берди София опа.

— Оёғини гипслатганини сиз қаёқдан биласиз? — ажаблани изқувар.

— Мелисалар хўжайиннинг мурдаси билан чолимни олиб кетишгандан кейин у эски ёғоч нарвонни деворга тираб, ошхона чордоғига чиқаётганди, бир маҳал тўртинчими-бешинчими пояси синиб кетиб, ерга ёмон йиқилиб тушганди-да. Бечора чўлоқланганча уйига аранг кетувди.

— Чордоқда нима бор экан унга?

— Боя айтдим-ку, узилган симларни улаб юривди деб. Чордоқдаги симлар ҳам эскириб кетган экан, ўшаларни алмаштириб чиқаётганди-да.

Комил Умар саволига жавоб олгач, мурда ўрни белгиланган жойда туриб, бошини кўтариб, шифтни яхшилаб кўздан кечирди:

— София опа, анави тешик олдидаги ҳалқага аввал бирор нарса илинганмиди? — деб сўради.

— А, унгами, беш лампали, темирдан ясалган оғир қандил илинганди. Бир куни симларидан ўз-ўзидан учқун чиқиб, чироқлар куйиб қолди. Собир монтерга айтгандим, қандилни тепадан ечиб олиб, текшириб кўрди. “Ўххў, ҳамма симлари куйиб кетган экан, янгисига алмаштириб, кейин жойига иламан”, — деб қўйганди.

Сардор ҳам фанерли шифтга назар ташлади. Темир ҳалқанинг шундоқ ёнгинасида беш-олти диаметр ҳажмидаги тешик бор эди. Бундан электр сими ўтган бўлса керак деб тахмин қилди Сардор.


— Яхшилаб эслаб кўринг-чи, София опа, хўжайиннинг ўлимига сабабчи бўлган ўша темир ошхонага қандай қилиб келиб қолди экан? Ё аввал ҳам шу ерда бормиди ўзи?

София опа кўрсаткич бармоги билан иягини қашлаб, озгина хаёлга толди-да, кейин бир нима эсига тушгандек қошларини кўтарди:

— Ўша темирми? Хув-в, анови ҳалқанинг ёнидаги тешикда турганди, — дея жавоб қилди.

— Демак, аввал ҳам бор экан-да? — диққати ошиб сўради изқувар.

— Қаёқдан бўлсин, — ошпаз қизиқ экансиз-ку дегандай гапирди. — Қандилни олган куннинг эртасига Собир ака шу тешик кўзимга ёмон кўриняпти, тагин тепадан сичқон-пичқон тушиб кетмасин деб, шу жойга тиқиб қўйганди. Эшик ёнида, деворда чироқ



ёқиб-ўчиргичлардан иккита включатель ўрнатилган экан. Изқувар уларнинг чап тарафдагисини чирқ этиб босганди, идиш-товоқлар турадиган шкаф тепасидаги чироқ ёнди.

— Буниси қандилники бўлса керак, — деб тахмин қилди Сардор сукут сақлаш жонига теккач.

— Шунақа, шекилли, — деб бош иргаб қўйди изқувар.

Сардор қандил илинган жойга қаради. Ўша темир ҳалқа негадир фанерга ёпишиб турарди. Комил Умар ҳам бу галати ҳодисага ҳайрон бўлиб, икки-уч сония шифтга термилиб турди-да, ёқиб-ўчиргични пастга босганди, ҳалқа “шилқ” этиб аввалги ҳолатига қайтди. Изқувар қизиқсиниб тагин уч-тўрт бор бу ишни такрорлаганди, ҳалқа ўз-ўзидан шифтга ёпишиб қолаверди.

Изқувар:

— Ие, бу ёғи қизиқ-ку? — деб шартта ташқарига чиқди-да, тўртинчи пояси синган нарвондан тезгина чордоққа кўтарилди. Икки-уч дақиқадан сўнг қайтиб тушгач, Сардор нима гап деб сўраганди:

— Бу Собир ака деганлари кучли физикка ўхшаяпти, назаримда, — деб қўйди ўйчанлик билан.

— Очiqроқ гапиринг, ҳеч нарсага тушунмадим, — дея бошини қашлади Сардор.

— Жаноб ёш изқувар, — жилмайди капитан. — Ичингизни сал кенгроқ қилинг, тажанглашманг. Бизнинг ишимизда бесабр бўлиш ярамайди. Вақти-соати етганда ҳаммасини билиб оласиз.

Комил Умар нарвонни кўтариб, ҳовли адогидаги омборхонага киргизиб қўйди.

— Мабодо, Собир ака келиб нарвонни сўраса, уни қўшнилар олиб кетганди дейсиз, — дея тайинлади София опага изқувар. — Мана, бу менинг телефон рақамим. У пайдо бўлиши биланоқ менга қўнғироқ қилиб, етиб келмагунимча кеткизмай турасиз, хўпми?

Бўлимга қайтиб келишгач, Комил Умар Адҳам Қаҳҳоровдан қотиллик воситаси бўлмиш оғирлиги нақ уч килоча келадиган ўша конуссимон учи ўткир темирни олиб, яхшилаб кўздан кечирди. Кейин Эрмаат акани терговга чақиртирди. Ёши етмишларга бориб қолган, пешанасини тарам-тарам ажин босган, сочлари оқариб кетган қариядан дастлабки терговдагидан бошқа айтарли янги кўрсатма олишолмади. У қаттиқ ҳаяжонланганча қўллари асабий титраб, тутилиб-тутилиб, нуқул мен ўлдирмадим, мен ўлдирмадим, дея бир гапни такрорлагани такрорлаган эди. Бундан айтарли янги гап ололмаслигини фаҳмлаган капитан навбатчини чақириб, чолни камерага жўнатиб юборди. Дикқатпазликни тарқатиш учун сигарет тутатаркан:

— Жаббор Жамоловни бу одам ўлдирмаган, — деди қандайдир ишонч билан.

Сардор бу бўлмаса ким ахир, деб сўрамоқчи бўлди-ю, аммо боя изқуварнинг сабрлироқ бўлинг деганини эслаб индамай қўя қолди. Сардор уйга келгач, қора муқовали қалин дафтарга бугун кўрган-кечирганларини бирма-бир ёзиб қўйди. У детектив асарларни кўп ўқир, келажакда милицияда ишлаб, тажриба орттириб, кўрган-кечирганларини китоб қилиб ёзиш ниятида эди. Шу кеча уйқуга кетгунича шифтга ёпишиб қолган темир ҳалқа Сардорнинг кўз ўнгидан сира кетмади. Қизиқ, нега чироқни ёқса, ҳалқа шифтга ёпишиб қолди экан-а? Бунда қандайдир нозик сир



борга ўхшайди. Капитан чордоққа чиқиб-тушгандан кейин нимага асосланиб Собир акани кучли физикка ўхшайди, деди? Нега у нарвонни омборга яшириб, уни кўшнилар олиб кетган деб айтасиз, деди? Чордоқда нимадир борга ўхшайди. Мана сизга бошни қотирадиган сирли жумбоқ! Эртасига соат ўнларда Комил Умар Сардорни машинасига миндириб, бир жойга бориб келамиз деб олиб кетди. У машинани “Теракзор” мавзедаги тўққиз қаватли биноларнинг бири олдида тўхтатди. Машинасидан тушгани ҳамано ўша ерда ўриндиқда газета ўқиб ўтирган солиқчилар формасидаги бир йигит келиб, улар билан кўришди. Изқувар уни Ботиржон деб таништирди. Қаршиларидаги 47-уйнинг биринчи йўлаги томон юрдилар.

— Қаёққа боряпмиз, ўзи? — деб сўради ажабланиб Сардор лифтга чиқаётганларида.

— Электр магнит майдонини аниқлашга! — кулиб жавоб қилди изқувар.

Сардор бу гапдан ҳеч нима англамаган бўлса-да, солиқчининг олдида эзмаланиб қайта сўрагиси келмади. Бешинчи қаватга етгач лифтдан чиқишди. Комил Умар 30-хонадон қўнгироғини босди. Сал ўтмай ичкаридан бировнинг бўғиқ товушда “ким керак?” деган овози эшитилди.

— Биз солиқ инспекциясиданмиз, — деб олдинга ўтди Ботиржон. — Тўлов квитанцияларини текшириб юрувдик.

— Ҳозир олиб чиқаман, — деди уй эгаси йўталиб олиб. Икки дақиқалардан сўнг ташқи темир эшик шақиллаб очилди ва остонада ёши олтмишлардан ошган, сийрак сочли, тор пешанали, ўсиқ қошли, қўй кўзлари чуқур ботган, қирра бурунли, қорамтир юзида толи-

қиш ва нимадандир норозилик аломати билиниб турган зангори спорт кийимидаги қотма қария кўринди. Солиқчи унга хизмат гувоҳномасини кўрсатди. Қария унга бир қур кўз ташлади-да, квитанцияларни узатди.

— Яхши-яхши, демак, биринчи квартал учун солиқлар тўланган, — деди Комил Умар қоғозларга бир назар ташлаб гуё ўзини солиқчилардек тутиб. — Иккинчи квартал учун ҳам тўланган экан. Айтган-ча, ўтган йилдан қарзларингиз йўқмиди, ишқилиб?


— Йўқ, қарзимиз қолмаган, — деди қария қатъийлик билан.

— Агар малол келмаса, ўша квитанцияларни ҳам бир кўрсатсангиз, Собир ака. Дафтаримизга белгилаб қўйсак ёмон бўлмасди.

— Ҳозир бир қидириб кўрай-чи, — дея уй эгаси ўнг оёғини чўлоқланиб босиб ичкарига кирди. Кейин қўлида қоғоз билан эшикка яқинлашганда, изқувар гуё уй эгасига эътиборсиздек, солиқчи билан шунчаки суҳбатлаша бошлаганди:

— Ўтган куни маҳалламиздаги Жаббор Жамолов деган тадбиркорни Эрмат ака деган богбони бошига темир билан уриб ўлдириб қўйибди. Одамнинг ҳеч ишонгиси келмайди, қўйдек ювош кишининг бундай иш қилишига...

Комил Умар солиқчига гапирса-да, негадир нигоҳини уй эгасидан олмасди. Сардор ҳам бир гап бор шекилли, деб остонада турган чолга аста разм ташлади. Изқуварнинг хабаридан чолнинг ранги ўзгариб кетган эди. Лабларининг чети асабдан пириллаб, саросималанган кўзларини улардан олиб қочди. Томирлари бўртиб чиққан озгин қўллари қалтираганча телефон тоқчасидан сигарет олиб тутатди.



— Дуруст, ҳаммаси тўланган экан. Сизни безовта қилганимиз учун узр, амаки, — деб қвитанцияларни эгасига қайтарди Ботиржон.

Комил Умар солиқчи билан хайрлашиб, машинага ўтирар экан:

— Жамоловнинг уйида узилган симларни улаган уста шу одам бўлади. Бир пайтлар кучли физика ўқитувчиси бўлган экан, — деб қўйди.

— Қизиқ, унда қандай қилиб устаман, деб у ерга борган? — ажабланиб сўради Сардор.

— Ўғли Тўлқиннинг ўрнига борган. Ўғли ростданам ТЭСда ишларкан. Ўғлига чақирувлар кўпайиб қолганда, кўмаклашиб тураркан, — дея аниқлик киритди изқувар.

— Энди нима қиламиз? — ним табассум ила сўради Сардор.

— София опанинг олдига борамиз, — деди изқувар машинани ўт олдириб.

— Нима учун?

— Нима, академияда ўқитишмаганми ёш дўстим, ҳар қандай жиноят ҳам бирор-бир мақсадни кўзлаб қилинади. Тасодифийлари бундан мустасно, албатта. Бу борада опанинг кўрсатмалари бизга асқатиши мумкин. София опа уларни кўзида ёш билан қарши олди. Эрини кўргани борган экан, ҳали тергов тугагани йўқ, деб олдига киритишмабди.

— Эрингизнинг айбсизлигини сезиб турибман, опа, — деди Комил Умар ишонтирувчи оҳангда. — Эрмат аканинг озодликка чиқариш учун айбсизлигини исботлаш керак. Бу ишда сизнинг ёрдамингиз жуда ҳам зарур.

— Кўлимдан келса, ҳар қандай ёрдамга тайёрман, — жавоб берди София опа енги билан тезгина кўз ёшларини артиб.

— Уша Собир ака деган электик уйингизда ишлаган кунларда, яхшилаб эслаб кўринг-чи, тагин қандай гайритабиий ишлар диққатингизни ўзига тортганди?

София опа изқуварнинг саволига жавоб изларкан, пастки лабини тишлаб ўйланиб қолди. Кейин нимадир эсига тушди шекилли, чеҳраси сал ёришиб, бир оз ҳаяжон билан гапирди:

— Келган куни уста ичкари уйларнинг ҳам чироқларини бирма-бир кўздан кечириб чиққанди. Хоналарга уни мен олиб киргандим. Раҳматли бекамизнинг ётоқхоналарига кирганимда, уста Динора опанинг деворга илинган ёшликдаги суратларига узоқ термилиб қолди. Шу тобда унинг кўзларига ёш келганини кўриб қолдим. Бекамизни танийсизми, деб сўрагандим у йўқ дегандай бош иргаб қўйди.

— Бу қизиқ-ку, а? Етти ёт бегона аёлнинг суратига қараб йиглаган бўлса? — дея таажжубланди изқувар.

— Мен ҳам шунга ҳайрон қолдим-да, ўргилай, — деди София опа.

— Ҳозиргина қизиқчилик қилиб, мени кулдириб турган одам бекамизнинг суратига бир қаради-ю, кейин кун бўйи қовоғини очмай, сигарет тутатгани-тутатган бўлди.

— Балки суратдаги аёлни дунёдан ўтиб кетган бирор-бир қадрдонига ўхшатган бўлиши мумкин, — дея гапга аралашди Сардор.

— Бўлиши мумкин, — дея унга эътироз билдирмади Комил Умар. — Бекангиздан қолган эски суратлар қаерда сақланади?

— Сервантдаги альбомларда, яна битта дипломат бор ўшанда, — деди София опа.

— Қани, ўша суратларни бизга бир кўрсатинг-чи!

София опа альбом ва қора дипломатни уларнинг олдиларига қўйиб, чой дамлагани ташқарига чиқди. Комил Умар дипломатни, Сардор эса альбомни титкилай кетишди. Изқувар мактаб битирувчиларининг саргайиб кетган “венетка” сини диққат билан кўздан кечирарди. — Мана шу уйнинг бекаси, — деб биринчи қатордаги чапдан иккинчи турган қизнинг суратини кўрсатди у. Динора опа ёшлигида жудаям сулув қиз бўлган экан. Тўртинчи қаторнинг охирида турган қуюқ ўсиқ қошли, кўзлари ичига ботган йигитча диққатларини ўзига тортганди. Сурат остига С.Турдиев деб битилган эди. Комил Умар учинчи қатордаги тагин битта йигитчанинг суратига тикилиб қолди. Уни таниди шекилли, чеҳраси бир оз ёришиб кулумсираб қўйди. М. Усмонов деб ёзилганди сурат пастида.

— Танидингизми? — қизиқсинди Сардор.

— Бўлмасам-чи, бу киши синф раҳбарим бўлганлар, — деди изқувар мамнунлик билан. — Динора опа қандай касалликдан вафот этгандилар? — деб суради изқувар София опа чой олиб киргач.

— Орқасидан гапиряпман, Ўзи кечирсин гуноҳларимизни, — дея оғир хўрсинди опа. — Шу хўжайинимиз раҳматли Жаббор ака сал зиқнароқ, ҳар ишда айб ахтараверадиган, тажанглашиб жанжал қилаверадиған одам эди. Ўгли Марат билан қаттиқ тортишиб, уни уйдан ҳайдагандан кейин бекамизнинг мазалари қочди. Ўзи эса ичкиликка ружу қўйди.

— Нима сабабдан ўглини ҳайдади? — изқувардан олдин савол берди Сардор. Комил Умар унга маъқул дегандай бош ирғаб қўйди.

— Бунга икки йилча бўлди. Уларнинг арагу вино билан савдо қиладиган каттагина фирмалари бор эди. Фирма хўжайиннинг номида бўлса-да, уни Марат бошқарар эди. Нима жин уриб, бир куни шу фирманинг анча-мунча пулларини Марат қиморга бой бериб қўйибди. Шундан кейин фирманинг ишлари орқага кета бошлади. Ота-бола ўртасида катта жанжал бўлди. Хўжайин ўглини уйдан ҳайдади. Марат ортиқ бу ерда туролмай, Россияга жўнаворди. Бечора бекамиз бундан жудаям сиқилиб кетдилар. Ўқтин-ўқтин қон босимлари кўтарилиб турарди. Бир куни Россиядан — Маратдан келган хатни суюниб ўқиб ўтиргандилар, хўжайин сал кайф билан келиб, хатни бурда-бурда қилиб ташладилар. Эр-хотин тагин жанжаллашиб қолишди. Шу кўнгилсизликдан кейин бекамизнинг бошларига қон қуйилиб, фалаж бўлиб қолдилар. Бир ҳафта гап-сўзсиз шифтга тикила-тикила жимгина жон таслим қилдилар, шўрлик. Шу воқеаларнинг бўлганига ҳам бир йилдан ошиб қолди.

— Уларнинг бошқа болалари ҳам борми? — ўйчанлик билан сўради изқувар.

— Яна икки ўғил, бир қизлари бор.

— Отасининг вафот қилганига икки кун бўлса ҳам бирортаси кўринмаяпти-ку?!

— Иккинчи ўғли Дамир ҳарбий — денгизчи, Владивостокда ўқиб, ўша жойда қолиб кетган. Суюн эса Германияда ўқияпти. Салима шу — ўзимизнинг шаҳарда яшайди. Бир ҳафта бурун эри билан Дубайга саёҳатга кетувди.

— Неча йилдан бери буларникида хизматдасиз? — деб сўради изқувар бўшаган пиёлага чой қуяркан.

— Ун икки йилча бўлиб қолди, — сўлгинлик билан жавоб қилди София опа.

— Кексайган ҳолингизда буларнинг хизматини қилиш сизга малол келмайдими? Невараларнинг олдида қарилик гаштини суриб ўтирсаларинг бўлмайдими, хола? — деди Сардор ошпаз аёлга раҳми келиб.

Бундай саволни кутмаганмиди, София опа бирдан маҳзун тортиб, ўйланиб қолди.

— Қарилик гаштини суришни биз ҳам орзу қилардик, болам. Бу бири кам дунёда бола-чақасиз, эр-хотин ёлғиз бўлганингдан кейин кексалик гашти татирмиди?

Комил Умар ўйламай гапириб юбордингиз дегандай бош чайқаб қўйди. Сардор София опанинг дил ярасини тирнаб юборганидан қаттиқ хижолат бўлди.

— Энди биз борайлик, ҳали қиладиган бир-иккита ишларимиз бор, — деб ўрнидан турди Комил Умар. Орадан йигирма дақиқалар ўтиб, Комил Умарнинг синф раҳбари бўлган кекса педагог Муҳиддин Усмоновнинг шаҳар четидаги хонадонига етиб боришди. Домла сал бетоб бўлса-да, уларни илиқ кутиб олди. Комил домладан синфдошлари Собир Турдиев ва Динора Раҳмонованинг ёшликдаги муносабатлари тўғрисида суриштирганди, кекса муаллим тўкилиб сийраклашиб қолган кўкимтир сочларини орқага силаб, ўйга толиб қолди. Кейин кабинетига кириб кетди-да, улар боягина кўриб келган “венетка”нинг нусхасини олиб чиқди. Маълум бўлишича, Собир билан Динора мактаб давридаёқ бир-бирига кўнгили қўйишган экан. Ўқишни битиришгач, Собир

педагогика институтининг физика, Динора рус тили ва адабиёти, Муҳиддин Усмонов эса тарих факультетига ўқишга киришган. Институтда Динорага Жаббор Жамолов деган аспирант ошиқ бўлиб қолади ва ўзига турмушга чиқишни таклиф қилади. Динора бунга рози бўлмайди. Аспирант ўз мақсадига етишиш учун қабих йўлни танлайди. Кузда пахта терими даврида, Динора қизлар ётоғида навбатчи бўлиб қолган куни аспирант ўзини касалликка солиб, далага чиқмай, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олади. Бундан беҳабар Динора домлалар хонасини йиғиштиргани киради ва Жабборнинг тузогига тушиб қолади... Кейин иложсиз қолган қиз унга эрга тегишга мажбур бўлади. Бундан хабар топган Собир аспирантни ўлдирмоқчи бўлади. Аммо Динора уни бу йўлидан қайтариб, менинг шарманда бўлишимни истасангиз, шу ишни қиласиз, истамасангиз йўқ, дейди. Бари бир уни ўлдираман, дея шаштидан тушмайди Собир.


— Энди у менинг эрим, — дейди Динора. — Фақат мен ўлганимдан кейингина уни ўлдиршингиз мумкин!

Усмонов домланинг бу гаплардан воқифлигининг боиси Собир Турдиев билан ётоқхонада беш йил бирга туришган экан.

Собир:

— Ўша аблаҳни ўлдирмасдан бу дунёдан кетмайман! — дея онт ичган экан.

— Эртага асл жинойтчини қўлга оламиз, — деди ишонч билан Комил Умар домла билан хайрлашиб кўчага чиқишгач. Сардор ҳеч нарсага тушунмаяпман дегандай қараш қилганди, изқувар жилмайиб бир оз сабр қилинг, эртага ҳаммаси кундек равшан бўлади, деб қўйди.



Улар темир йўл ёқасидаги темир-терсақлар йигилган жойдан ўтаётганларида, Комил Умар машинасини йўл четида тўхтатиб, темирларни бўш вагонга солаётган магнитли кранга бир зум ўйчан тикилиб турди-да, сўнг Сардорга қайрилиб:

— Анави темир-терсақлар нима сабабдан краннинг учига ёпишиб қолар экан-а? — деб сўради.

— Ким билади, балки ўша жойда магнит ўрнатилгандир, — дея мужмал жавоб қилди Сардор.

— Агар сиз айтганчалик ўша ерда чиндан ҳам ҳақиқий магнит ўрнатилган бўлса, унда темирлар пастга тушиб кетмаслиги керак-ку, — дея эътироз билдирди изқувар.

— Ҳақиқий магнит бўлмаса унда нима? — ҳайрон бўлди Сардор.

— Мактабда физикани яхши ўқимаган экансиз-да, — дея ҳазиллашиб кулди изқувар.

— Ҳозир физика эсда қоптими?! — дея хўрсинди Сардор.

— Бу жойда сунъий магнит майдони ҳосил қилинган, — деди изқувар. — Аниқроғи, электр магнит майдони ҳосил қилинган. Токни ўчириш биланоқ магнитланиш йўқолиб, темир-терсақлар пастга тушиб кетяпти.

Комил Умар ҳали ҳам ҳеч нарсага тушунмадингиз-а, дегандай кулиб машинани юргизди. Изқувар Сардорни метро бекати ёнида машинадан тушириб қолдирар экан, эртага бўлимга бормаёй, тўққиз яримларда ўша жиноят содир қилинган уйга боришини тайинлади. Шу оқшом Сардор бугун изқувар билан қаёққа боргани, нималарни кўрганларини яна дафтарга тушириб қўяркан, ҳалиги магнит майдони ҳақи-

даги гапларни нима мақсадда айтилганлигини ўйлаб, ўйига етолмади. Эртасига келишилган вақтда Жаббор Жамоловникига борганида, Комил Умар майор Адҳам Қаҳҳоровга нималарнидир тушунтираётган экан.

— София опага айтиб телефон қилдирдик, — деди изқувар. — Ҳали замон Собир Турдиев келиб қолади.

Майор ним табассум билан Сардорга боқаркан, қалай малака ошаяптими, деб қўйди. Сардор худди шундай, деб иргаб қўйди. Улар ошхонага киришди. Шифтдаги қандил иладиган ҳалқача ёнидаги тешикка қотиллик воситаси бўлган конуссимон ўша темир жойлаштириб қўйилган экан. Оғирлиги уч килоча келадиган учи ўткир темирнинг фанерли шифтга қандай қилиб ёпишиб турганига Сардорнинг ҳали ҳам ақли бовар қилмас эди. Ниҳоят, ўн беш дақиқалардан кейин дарвоза қўнғироғи жиринглади. Изқувар пардани секин суриб, ташқарига разм солди.

— София опа, ана Собир амаки келди шекилли, — деди ошпаз аёлга юзланиб.

— Боринг-чи, агар ўша бўлса, уни бу ерга бошлаб келинг. Бизнинг шу ерда эканимизни сездириб қўйманг, хўпми?

Қизиқиш устун келиб, Сардор ҳам деразадан аста мўраллади. Ҳа, худди ўша кимса! София опанинг ортидан ўша кунгидек чўлоқланиб келарди.

— Идиш-товоқ шкафи устидаги “лампочка” куйиб қолди. Энди ўша қандилни созлаб ўрнига қўйиб бермасангиз, қоронғи тушса, ошхонада бир иш қилиб бўлмайди, — дерди София опа қулоғи кар кишига гапиргандай шангиллаб. Опанинг ортидан ошхонага кирган Собир Турдиевнинг бу ердагиларга нигоҳи ту-

пиши билан ранг-кути ўчиб жойидан қимирлолмайд қолди.

— Қани бу ёққа келинг-чи! — буйруқ оҳангида уни хона ўртасига чорлади майор Қаҳҳоров. — Мана шу ерда туринг, қимирламанг!

Дами ичига тушиб кетган Собир амаки эски қандил илинган жойнинг шундоққина тагида серрайиб туриб қолди.

— Мана бу қандилни ёқиш учун ўрнатилган бўлса керак-а? — дея эшик ёнидаги чироқни ўчириб-ёқувчи мосламага қўл узатди изқувар. Собир амакидан садо чиқмагач, майор: — Энди тепага яхшилаб қаранг! — деди ўша амрона оҳангда.

Собир амаки бир тепадаги учи ўткир темирга, бир изқуварнинг чироқ ёққичига узатилган қўлига саросималаниб қарарди. Изқувар ёққични “шиқ” этиб босгани ҳамон Собир Турдиев оёғи чулоқланса-да, ўзини эпчиллик билан четга олишга улгурди. Шу асно шифтдаги учи ўткир темир шиддат билан пастга учиб тушиб, қарсиллаганча полга қадалиб қолди. Комил Умар ташқарига чиқиб кетиб, беш дақиқалардан сўнг қандайдир қўлбола мосламани кўтариб кирди. Бу икки чеккасига яхшилаб сим ғалтак ўрнатилган, ўртаси темир пластинкали электромагнит ҳосил қилувчи мосламанинг худди ўзгинаси эди. Сардор қотиллик воситаси бўлган ўша конуссимон темирнинг шифтга қай тарзда ёпишиб турганини энди тушунди. Кеча Комил Умар электромагнит ҳақида бежизга сўрамаганини энди фаҳмлади у.

— Хуш, жиноятингизни бўйнингизга оласизми энди? — сўради майор қовоғини уйиб.

Иложсиз қолган қария секин бундан ирғаб қўйди.

— Оёгим оғрияпти, ўтирсам майлими? — дея рухсат сўради у шамоллаган кишиникидек бўғиқ овозда. Қаҳҳоров рухсат, дегандай имо қилган эди, у курсига чўкиб, чуқур хўрсинди-да, буруқситиб сигарета тутатди.

— Мен анови аблаҳдан Динорам учун ўч олдим! — деди кейин ютиниб. — Аммо бу қасосим жуда узоққа чўзилиб кетди-да.

...Сардор кўкиш тутун орасидан унинг мижжаларида изтироб ёшлари қалқиганини кўрди.

2004 йил

ҚОРА МУШУК

Сардор Комил Умардан дастлабки фош қилган жинойтлари ҳақида сўрагани, изқувар қайсинисини айтсам экан дегандай ўйланиб қолди. Шу маҳал полковникнинг котибаси катта лейтенант Замира Қодирова майор Қаҳҳоровни йўқлаб келиб қолди. Замиранинг қўлида қора мушук сурати туширилган елим халта бор эди.

— Менинг дастлабки ишларимдан бири қора мушук билан боғлиқ бўлган, — деди у котибанинг елим халтасидан кўз узмай. *

— Бу чигаллашиб кетган жумбоқмиди ё дарров ечимини топган оддий ишмиди? — дея сўради Сардор. Комил Умар муштини иягига тираганча, ўтган воқеаларни аниқ-тиниқ эсламоқчидай бир зум кўзларини юмиб ўйга толиб қолди.

— Бу жиний иш ўн беш йилча бурун қиш кунларининг бирида куппа-кундузи, у пайтларда мен жиноят қидирув бўлимида оддий ходим эдим, 24-мактабга

борадиган тор кўчалардан бирида содир бўлганди, — дея ҳикоясини бошлади у. — Мен ўша мактабда юз берган ўғирлик ишини текшириб келаётгандим. Ўша кеча мактабдан бир эски телевизорни ўғирлаб кетишган экан. Ёнма-ён жойлашган Турон, Тинчлик ва Зарқайнар кўчаларидан 24-мактабга тўғри чиқиб келса бўлар эди. Тинчлик кўчасига кириб беш-олти қадам босарканман, ўттиз-ўттиз беш одимлар нарида гаплашиб турган икки жувонга кўзим тушди. Айни пайтда кўчада улардан бошқа ҳеч ким кўринмасди. Яқинроқ борсам, аёллардан бири ранг-қути ўчганча, асабийлашганидан қўллари қалтираб йиғлаб турган экан. Ёнидаги кўҳликкина дугонаси уни юпатиб турарди. Ёнгил машина аранг сиғадиган тор кўчада музда бехосдан сирпаниб кетиб, ёмон йиқилган бўлса керак бечора дея хаёл қилдим.

— Эҳ, опажон, бундай яхмалакда қадамни қаттиқроқ босмасангиз бўлмайди-да. Нима, ёмон йиқилдиларми? — дедим аёлга раҳмим келиб.

— Йиқилганлари йўқ! — дея қошларини алам билан чимириб жавоб берди жувоннинг дугонаси. — Ҳозиргина қўлларини кучук қошиб олди! Одамларга ҳам ҳайронман: шундай қопагон кучукни боғлаб боқишса бўлмайдимми ахир?!

Жувоннинг гапига ҳайрон бўлиб, тезда кўчанинг бошидан адогигача кўз югуртиб олдим. Афсуски дайдиб юрган бирорта итга кўзим тушмади.

— Қаранг, бу ерда ит зоти йўғ-у, — дедим ажабланиб.

— Унда қўлларини мен тишлаб, анави сеткалариниям мен ғажиб ташлабман-да, а? — дея жаврай кетди аёл аччиқ киноя билан.

Назар солсам, оёқ остида қора мушук расми туширилган қизил елим халта йиртилиб ётар, ундан тушган конфет-у печеньелар сочилиб кетган эди.

— Ана, ортингиздаги дарвозадан ўша кўпак чиқиб, Салимахонга шундай важоҳат билан ташландики, кўрққанимиздан ўтакамиз ёрилиб кетаёзди. Агар эгаси ортидан чопиб чиқиб, бўйнидан судраб опкетмаганида, мениям қошиб олармиди ҳаром ўлгур?!

Кўрқуви босилиб, сал ўзига келиб олган Салимахон ниманидир излагандек оёқ остига диққат билан кўз югуртираркан, қаттиқ ҳаяжон ила энтикиб:

— Вой пул, пул солинган сеткам қани, Хуршида?! — дея дугонасига юзланди. — Боя сен билан кўришганимда, манави дарвозага суяб қўювдим-ку! Ичида ўқитувчиларнинг аванслари — 500 минг сўм бор эди! Энди ўқитувчиларга нима дейман, дугонажон? Уйим куйибди-ку, ахир! — деди йиғламсираб.

Суриштирсам, бу аёл 24-мактабнинг хазиначиси экан. Соат ўнда “Савдогар” банкдан пул олиб келётган экан. Ҳали излар совимасдан, таваккал дея ўзимча текширув — терговни бошлаб юбордим. Хизмат гувоҳномамни кўрсатиб, ўзимни таништиргандим, ҳиқиллаб турган Салимахон дарҳол йиғидан тўхтаб, ранг-рўйи оқариб, лаблари гезарганча жойида қотдиқолди. Дугонаси Хуршида гап-сўзга чечан, тетиккина жувон экан.

— Кўрқманг ўргилай, ўзингизни қўлга олинг, — дея дарҳол дугонасига далда беришга шошилди у. — Бу


укамиз милисада ишларканлар. Шу тобда Худонинг ўзи етказганини қара-я. Кўрасан, ҳадемай ўғрини тутиб, пулингни қўлингга олиб берадилар. Шундайми, укажон?

— Ўғри, муттаҳамларни ушлаш бизнинг вазифомизку-я опажон, бироқ пулнинг йўқолишида ўзингизнинг ҳам айбингиз бор-да, ахир! Нима учун шунча катта пулни бирон-бир ҳамроҳсиз, машинада эмас, тагин пойи пиёда банкдан олиб келяпсиз? — дея танбех берган бўлдим.

— Нима, энди мени қамайсизларми? — дея яна пикиллаётди Салимахон.

— Сизни қамайман деб кимнинг кўзи учиб турибди ҳозир? Шу кўз ёшни бас қиласизми, йўқми? — дедим сал аччиқланиб. — Нима, қамаган билан пул топилиб қолармиди, опа? Ундан кўра бир бошдан, батафсил, ётиги билан нима ҳодиса юз берганини гапириб, калаванинг учини топишимда менга бир оз ёрдам берсангиз-чи, ахир!

Опанинг оқизмай-томизмай айтишига кўра, пулни олгач, банкдан чиқибоқ маршрут таксига ўтириб, тўппа-тўғри Тинчлик кўчасининг бошигача келган. Шу ердаги дўкондан ярим кило печенье билан конфет олиб, харидини қора мушук расмни елим халтага солган. Ўнг қўлида пул солинган кўк елим халта ва ўзининг малла ранг чарм сумкаси бўлган. Кўча ўртасига етганида анчадан бери кўришмаган курсдош дугонаси Хуршидахон билан учрашиб қолишган. Кўпдан бери кўришмаганлари боис бир-бирлари билан қучоқлашиб, ўпишиб кўришиш учун ўнг қўлидаги пул солинган елим халтани ва сумкасини икки табақали



тахта дарвозага суяб қўйган. Орадан икки-уч дақиқа ўтгач чап қўлдаги темир дарвоза секин очилиб, ичкаридан қопагон сариқ ит чопиб чиқиб, Салимахоннинг қўлидаги қора мушук расми туширилган елим халтага тармашган. Тишлари жувоннинг қўлини сал тирнаб юборган. Салимахон кўрққанидан йиртилган халтани ташлаганча додлаган. Шу пайт ичкаридан бир йигитча югуриб чиқиб, итнинг бўйнидан тортиб, уйига олиб кириб кетган.

— Ит чиқмасдан бурун ёки ундан кейин ён-атрофларингиздан бирон киши ўтмаганмиди? — дедим ўйланиб.

Аёллар бош чайқаганча йўқ дея жавоб қилишди.


— Банкдан чиққанингизда, ортингиздан бирор кишининг кузатиб келганини сезмадингизми? — дея иккинчи саволни бердим.

Салимахон чиройли иягини ишқалаганча:

— Эътибор берганим йўқ, тагин билмадим, — деб қўйди хўрсиниб.

— Яхшилаб эсланглар-чи, ҳалиги сизлар айтган ит дарвоза очилган заҳоти кўчага югуриб чиқдимми ё сал вақт ўтгач чиқдимми? — дея учинчи саволни бердим. Хуршидахон лабларини маҳкам қимгиганча ерга қараб бир оз ўйланиб олди-да, кейин бошини қимирлатиб:

— Дарров чиққани йўқ, Комилжон ука. Чамамда шу икки-уч дақиқалар ўтганда кўчага отилиб чиқди-ёв, — деди. Салимахон тўғри-тўғри дея унинг гапини тасдиқлаган бўлди. Жувонлар қор устида сочилиб, намиқиб қолган печенье ва конфетларни териб, бошқа халтачага солдилар. Мен ҳалиги пул солинган елим халта суяб қўйилган қаршимиздаги кўк рангли тахта



дарвозани тиқиллата бошлагандим ортимдан бир болакай:

— Бекорга овора бўляпсиз, амаки. Бу эшик доимо берк туради. Қўшнилар у кўчадаги эшикдан кириб-чиқишади, — дея хабар берди. Негадир унинг гапига ишонқирамай, шунақа дегин дея дарвозанинг пастки қисмини текширишга тушдим. Дарвозанинг очиладиган табақаси намгарчиликда сал тоб ташлаган бўлиб, у яқиндагина очилиб-ёпилганидан янги ёққан қорни ёйсимон ариқча қилиб суриб ташлаган эди.

— Комилжон ука, — дея шу пайт яқин келиб сирли шивирлади Хуршида опа. — Энди эсимга тушди: боя ҳалиги кучук Салимахонга ташланганда мана шу эшик бир очилиб-ёпилиб, қора телпакли бир одам ундан мўралагандек бўлувди-я.

26

Хуршида опанинг бу кичик хабари тугуннинг учини топишда беқиёс кўмак берганди ўшанда. Дарҳол хаёлимга ёпиқ дарвоза ортида кимдир пойлаб турган бўлса керак, деган фикр келди. Итнинг Хуршидага эмас, қора мушук суратли елим халта тутган Салимахонга ташлангани ҳам ғалати жумбоқ бўлиб турарди. Ўша ҳовлига кириб, ҳалиги итни бир кўздан кечириш кўнглимдан ўтди шу тобда. Прокурордан рухсатномам йўқлиги боис у уйда тинтув ўтказишга ҳаддим сигмади. Қаерда ишлашимни айтиб, ҳужжатимни кўрсатсам, уйдагиларни чўчитиб юбораманми деб иккиландим. Ҳозирча улар менинг кимлигимни билмаганлари маъқул эди.

Энди нима қилсам экан деб бошим қотиб турганди, шу маҳал кўчадан “Ёнгинга қарши кураш бўлими” да шулайдиган, хизмат формаси ўзига ярашиб турган

катта лейтенант Ҳикматжон Самиев ўтиб қолди. Биз бир-биримизни яхши танир эдик. У:

— Комилжон ака, тинчликми, бу ерда бундай ташвишманд турибсиз? — деган эди уни секин четга тортиб:

— Бир жиноий ишни очишда озгина ёрдамингиз зарур бўлиб қолди, — деб вазиятни қисқача тушунтирдим.

— Қўлимдан келса, жоним билан ака, — деди у кўмакка рози эканлигини билдириб.

— Иккита уйда озгина кузатув — текширув ўтказиш зарур бўлиб қолди, — дея тушунтирдим унга. — Аммо улар қаерда ишлашимни билмасликлари керак дегандим, Ҳикматжон: “Ҳозир бунинг йўлини қиламизда, ака”, — дея жилмайди. Кун унчалик совуқ бўлмаса-да, пулларини ўгирлатиб қўйган жувонлар тушкунликдан руҳлари тушганча совқотгандай шумшайиб туришарди. “Энди сизлар бораверинглар, биз иккимиз қидиришни давом эттираверамиз. Пулларингизни албатта, топамиз. Бирор янгилик бўлса, тезда хабар берамиз”, — деб уларга ижозат бердим. Аёллар сал нарироқ кетишгач, Ҳикматжон мен кўрсатган пушти рангли темир дарвозанинг қўнгироқ тугмасини босди. Ҳаял ўтмай, ун саккиз-ўн тўққиз ёшлар чамали саргиш юзини ҳуснбузар босган кўк кўз бир йигитча дарвозани очди. Унинг кўзлари қандайдир ҳадикхавотирдан саросималангандек одамга бежо боқарди. Шу йигитчада бир сир бор деб, кўнглимдан ўтказдим.

— Биз “Ёнгинга қарши кураш бўлими” данмиз, — дея ҳужжатини кўрсатиб ўзини таништирди Самиев жиддийлик билан. — Электр ва газдан нотўғри фойдаланиш оқибатида айрим хонадонларда ёнгин чиқ-

моқда. Биз бу фалокатларнинг олдини олиш мақсади-да хонадонларни текшириб, тушунтириш ишлари олиб боряпмиз. Сизларнинг ҳам уйлариңизни бир кўздан кечирмоқчи эдик.

— Майли, кининглар, — дея иложсизликдан истаристамай бизга йўл берди йигитча.

— Ота-онанг уйдами? — деб сўради Самиев иш дафтарига нималарнидир ёзишга шайланиб.

— Улар ишдалар. Уйда ўзим ёлғизман, — совуққина жавоб қилди у.


— Унда исми-шарифингни айтиб юборчи, — дея унга саволомуз боқди Самиев.

— Исминни нима қиласиз, ака? — дея ҳадикли овоз билан сўради йигитча.

— Ким билан суҳбат қилиб, тушунтириш олиб борганлигимни билишим шарт-да, ука, — деди Самиев энгил хўрсиниб фуражкасини кўтариб қўяркан.

— Исмин Асқар, фамилиям Қувватов, — дея боягидек совуққина жавоб қилди йигитча.

— Сиз ҳаммом-у, тандирхонани текширсангиз, — дея менга секин кўз қисиб қўйди Самиев кузатишни бошлашингиз мумкин дегандай қилиб. — Мен бу томонларни кўздан кечириб чиқсам. Ёшлигида қулогини думи кесилган сариқ кўппак ҳовли тўридаги товуқ катаги ёнида боглаб қўйилган экан. Тандирхонани кўздан кечириб, товуқхона ёнидан ўтаётганимда, ит қаддини ростлаб ириллади. “Тек ёт!” деган дуқимдан сал чўчиди шекилли, бошини четга буриб гингший бошлади. Бир дуқдан кўрқса ювош ит экан-ку, деб ўйладим. Унда қанақасига ўз-ўзидан кўчада индамай турган Салимахонга ташланди экан. Шу жумбоқни аниқлаш мақсади-да икки қадам нари бориб,



чўнтагимдан Салимахоннинг қора мушук сурати туширилган, йиртилган қизил елим халтасини чиқариб, гижимини текислаб итга кўрсатдим. Жўнжикиб ётган сариқ кўпак “мушук”ка кўзи тушган заҳоти сапчиб ўрнидан турди-да, занжирни узиб юборгудек куч билан мен томон отилиб қаттиқ ҳура бошлади. Эгаси яхши ҳам занжирни қисқароқ қилиб боғлаган экан. Сал узунроқ қилганида борми, ит мени қошиб олиши ҳеч гап эмас эди. Итининг важоҳатини эшитиб, Асқар чопиб олдимга келди. У келгунча елим халтани чўнтагимга яширишга улгурдим.

— Ўзи ювош кўрингани билан жуда жаҳлдор экан-ку бунинг, — дедим унга.

— Биров гашига тегмаса индамайди лекин, — деб қўйди Асқар менга галати қараб.


— Қор, ёмғирда ҳам кучугинг ташқарида ётаверадими? Жониворга раҳминг келмайдими? Битта уйча қуриб берсанг бўлмайдими, а? — дедим насихат тариқасида.

— Ёгингарчиликда молхонага киргазиб кўяман. Молларни кўриқлаб ётаверади, — деди у бепарволик билан. Ит билан мушук орасида азалдан туганмас адоват борлиги маълум бўлгани учунми, бу кўпакнинг кўчада Салимахонга ташланиши тасодифий бир ҳол эмасмикан деган гумон ҳам йўқ эмас эди менда. Бироқ у қандай қилиб шундай пишиқ занжирни ечиб кетдийкин? Ечилиб кетган тақдирда ҳам кўча дарвозасини очиб кетолмайди-ку?! Аёлларнинг айтишига кўра, аввал дарвоза очилган. Бир-икки дақиқадан кейингина ит уйдан кўчага югуриб чиққан. Бир оз ўтиб, молхонани текширгани кирганимизда, ҳалиги тасодиф деган иштибоҳ хаёлимдан чиқишга

мажбур бўлди. Бу атайин пухта ўйлаб амалга оширилган сирли жиноят эканлигини пайқаб қолдим. Туйнуксиз молхона қоронги эди. Асқар чироқни ёқиб ичкарига киргач, ортидан секин эргашдик. Самиев бу ерга электр симлари хавфсизлик қоидаларига хилоф тарзда ўтказилганини айтиб, Асқарга танбеҳ берди. Шу маҳал ноҳосдан оёгим остида нимадир шиқирлаб кетгандай бўлди. Эгилиб нима экан деб, оёгим остига разм солдим-у, шиқирлаган ўша нарсанинг нима эканлигини билгач, итнинг ҳам шу сирли жиноятга юз фоиз алоқаси борлигини билиб қолдим. Ўша нарсанинг беш-олтитаси оёқ остида тупроққа қорилганча гижимланиб ётар, яна уч-тўртта янгиси девордаги миҳга илиқлик турарди.

30

— Бу ердаги ишимиз тугади. Энди нариги ҳовлини текшираимиз, — дедим Самиевнинг қулогига шивирлаб. У майли дегандай бош ирғаб ортимдан эргашди. Кўчага чиққач, рўпарадаги кўк рангли тахта дарвозага қарарканман, ҳалиги болақайнинг “Кўшнилари нариги дарвозадан кириб чиқишади” деган гапи эсимга тушиб, Самиевга: “Сиз Турон кўчасидаги у дарвозадан бориб айтинг: келиб бу эшикни очишсин, бу менга жуда муҳим”, — дедим. Самиев хўп деди-да, музда сирпанганча Турон кўчасига ўтадиган муюлиш томон тез-тез юриб кетди. Диққатим ошиб, сигарет тутатишга киришдим. Ҳаял ўтмай, тагин тойғана-тойғана Самиев шошганча қайтиб келди. “Айтдим, ҳозир очишади”, — деди у хансираб. Дарвозани чўзиқ сарғимтир чехрали, кўзлари корейсларники сингари қисиқ, ўн саккиз ёшлар чамали бўйчангина ориқ бир қиз очди. Самиев ҳужжатларини кўрсатиб, келиши муддаосини билдиргач, қизгина хуш такаллуф билан



киришимизга рухсат берди. Эшикнинг пастки қисмига диққат қилсам, икки сантиметрча чиқиб қолган занглаган мих учида малла ранг юпқа матонинг иплари илиниб қолган экан. Қорда эса ёйилиб кетган учтўрт томчи қон излари кўриниб турар эди. “Қизиқ: бу кимнинг қон томчилари экан-а?” — деган ўй ўтди бошимдан.

— Дадангиз 43-размерли этик киярканлар-да, а? — дея сўрадим қиздан қорда қолган ботиқ излардан кўз узмай.

— Йўғ-э, — дея ажаблангансимон кулимсиради қиз. — Оёқлари унча катта эмас дадамнинг. Қирқинчи туфли киядилар.

— Бўлмаса мана бу катта излар кимники? — дедим ерга ишора қилиб.

— Ҳа-а, буми? — деди қиз қошларини кўтариб. — Раим тоғамникидир-да. Ўзлариям 43 ёки 44-размер киядиларми-ей.

— Тоғангиз яқинда бу ерга келиб-кетган эканлар-да? — деб сўрагандим, соддадил қизгина ҳеч нарсани яширмай:


— Боя бир, бир ярим соатлар бурун келиб-кетувдилар, — деб жавоб қилди.

“Раим тоғаси ким бўлди экан бу одам?” — дея хаёлга толдим. “Бу ерга нима мақсадда келдйкин? Нега унинг оёқ излари камдан-кам очиладиган дарвоза олдида қолдйкин?”

Шу жойда саккизта из мавжуд эди. Бу ерда кимнидир кутган бўлиши мумкин у. Бўлмаса диққат бўлиб у ёқдан-бу ёққа юриб бунча из қолдирмасди. Шу ерда хумори тутиб, нос чекканга ҳам ўхшайди. Тупурилган қолдиғи оппоқ қор устини товуқ ахлатидек



булгаб ётарди. У ташқаридан, кўча тарафдан кимнингдир ўтишини кутган бўлиши керак деган хулосага ҳам келдим. Самиев қиз билан ёнма-ён юриб, электр симларини, газ қувурлари-ю, печкаларни ўзини ўта жиддий тутганча текширар эди. Мен ўша 43-размерли этик изидан синчиклаб борар эдим. Излар қайтишда у дарвоза томон тўғри кетмай, аввал чап тарафдаги гараж олдига борганда, сўнг дарвоза томон йўналганди. Қизиқ, у гаражга нима мақсадда борди экан-а? Уйни ҳам, гаражни ҳам обдан кўздан кечириш учун етарли асосим ва рухсатномам йўқлиги боис Самиевнинг текшируви тугагач, кўчага чиқишдан бошқа иложим қолмади. Қилган ёрдами учун Ҳикматжонга ташаккур айтиб, у билан хайрлашдим. Бу изқуварлигимдан бир иш чиқмаганидан ҳафсалам пир бўлиб, Тинчлик кўчаси томон бурилаётгандим, бозор тарафга кетаётган Асқарга кўзим тушиб қолди. Шу лаҳзаларда ичимдан биров шу йигитчани яхшилаб кузатсанг, излаганингни топасан дегандай бўлди. Бу ногаҳоний ички интуициямга қулоқ тутганча, таваккал дея, аввалида шубҳали кўринган, кўзлари бежо бу йигитчанинг ортидан сездирмасдан кузатишга киришдим. Асқар бозорга кирмай, ўнг қўлга бурилиб бекат томон кетди. У тўхтаган биринчи автобусга орқа эшикдан чиқди. Фурсатни бой бермай, чошиб келиб, гуррос оломон ортидан ўзимни автобус ичига урдим. Уни зимдан кузатганча кетидан кетавердим. Саккиз бекатлардан ўтгач, у автобусдан тушди. Бу ёғи энди бошқа туманга қарашли ҳудуд эди. Бу ҳудуддаги жиноятчиларни унчалик яхши танимасдим. Асқар бекатдан юз қадамча юриб, сўл қўлдаги кўчага бурилди. Қисқа кўчанинг адоғида “Маиший хизмат кўрсатиш




уйи” ва унинг ёнида эса “Музлаткич ва кир ювиш машиналарини таъмирлаш устахонаси” бор экан. Асқар чекиб келаётган сигаретини четга улоқтириб, ботинкасининг қорини қоққанча устахонага кириб кетди. Қиш бўлгани боисми, музлатгич-у, кир ювиш машиналарини таъмирлашга олиб келувчилар кам бўлса керак, иккита уста сигарет тутатганча нарда ўйнаб ўтиришарди. Улардан бири боя иккинчи ҳовлини текширганда кўрган қизга жуда ўхшаб кетарди. Унинг ҳам озгин сарғиш юзлари чўзиқ, кўзлари қисик эди. Балки бу одам ўша қизнинг отасидир деган хаёлга бордим. Мен устахонага қадам босаётганимда, Асқар усталар ёнидан ўтиб, ичкари йўлакдаги иккинчими, учинчими эшикка кираётган эди.

— Анави бола қатга кетвотти ўзи? — дея сўради Асқарнинг ортидан тикилиб усталардан бири.

— Раимми таниши-ю, билмийсизми ҳали? — дея жавоб қилди сигарет тутунини пуфлаб, нарда тошини тахтага ташлаган ингичка мўйловли йигит. Бундан билдимки, Раим ҳам шу ерда экан. Айни муддао, уни қаёқдан топсам экан дея бошим қотиб ётувди ўзи.

— Менга устахона бошлиғи керак? — дегандим усталар ўша йўлакдаги охирги хонага киринг дейишди. Йўлакка ўтиб, Асқар қайси хонага кирдийкин деб, таваккал дея учинчи эшикни очиб, секин ичкарига кирдим. Бу усталар кийим алмаштирадиган хона экан. Хонада кийим қўядиган тўртта шкафдан бошқа нарса йўқ эди. Хонани синчиклаб кўздан кечирдим. Наригиси билан бу хона аввал яхлит, катта хона бўлган экан. Кейинчалик ўртадан фанер девор ўрнатишиб, хонани иккига бўлишибди. Юпқа фанер девордан у хонадаги тиқ этган товуш қулоққа аниқ-тиниқ чали-



наркан. Секин хонадан энди чиқиб кетмоқчи бўлиб турувдим, нариги тарафдан шамоллаган одамникидек бўғиқ овоз эшитилиб қолди.

— Ҳа? Тинчликми ўзи? Нимага келдинг? — ҳадикли овозда сўради кимдир. Бу овоз Раимга тегишли бўлиши керак деб тахмин қилгандим, ҳайтовур тахминим тўғри чиқди.

Асқар:

— Ўзим шундоқ. Уйда ўтиравериб ичим қизиди-да, Раим ока.

Раим:

— Чайналма. Мақсадга ўт. Бекорга келмагандирсан?

Асқар:

— Ҳа энди озгина соққа керак эди-да, шунга...

Раим:

— Нима, мани пулли олади-ю, қочиб қоладиган номард деб ўйладингми? Ман-чи, чесний ворман окаси! Улмаё турсанг, кечда ё эртага олардинг шу соққаларингни.

Асқар:

— Братан, ўлай агар ундай деб ўйлаган бўлсам.

Раим:

— Пуллар опамникида, гаражда “Сино”нинг ичига беркитиб келдим. Бу ерга опкелишга хитландим, тўғриси. Ишдан кейин ҳақингни олиб бераман.

Асқар:

— Аммо-лекин ўйлаган планингиз зўр иш берди-да. Каллангизга беш кетдим ман. Манаман деган ўғрилар ҳам эшитишса, тан беришади сизга, окахон. Ишши силлиқ битишида асосий роль ўйнагани учун итимниям ҳақини берасиз-да энди?

Раим:

— Қўрқма, кучугингням пулини оласан ҳали.

Асқар:

— Қачон қоронги тушаркин деб кутиб ўтирамизми, Раим оқа? Хайрли ишши кундузи қилган маъқул-да. Кечда поччайиз билан опайиз булар гаражда нима қилишяпти деб хитланиб қолишлари мумкин-да.

Раим:

— Гапингда жон бор. Тўғри айтасан. Кундузи биров-бировдан шубҳаланмайди. Бўлмаса мундоқ қиламиз, ошна, сен ҳозир қайтавер. Мен соат уч, уч яримларда опамникига ўтаман. Ушатта учрашамиз.

Асқар:

— Бўпти, келишдик. Сизни, окагинам, интизорлик билан кутаман-а.

Асқар чиқиб кетгунча хонадан чиқмай турдим. Нариги хонанинг эшиги гийқиллаб очилиб ёпилди. Оёқ товушлари узоқлашгач, хонадан секин чиқдим-у, пешанаси дўнг, думалоқ қўй кўзлари чуқур ботган, қирра бурунли, ёноқлари сал бўртиб чиққан чўтир юзи одамда ғалати таассурот қолдирадиган ўттиз беш ёшлар чамасидаги бўйчан бир йигитга рўбарў бўлиб қолдим.

— Бўтга сизга нима керак, оқаси? — деди у боягидек бўғиқ овозда менга шубҳали боқиб.

— Қир ювиш мошинамиз бузилиб қолувди. Шунга бир устани гаплашиб, уйда созлатмоқчи эдим, — дедим ўзимни соддаликка олиб.

— Биза уйлага юриб созламаймиза. Устахонага опкесез тузатиб берамиза, — деди у нарда ўйнаб ўтирган усталар ёнига ўтаркан. Шунда унинг қўлларига синчиклаб назар ташладим. У ўнг қўли кафтини бинт



билан боғлаб олган экан. Бу мен учун жуда ҳам зарур бўлган деталь эди. Бу ерда қиладиган бошқа ишим қолмагани учун ноилож кўчага чиқдим. Энди чувалган калаванинг учи сал бўлса-да, кўзга ташлангандай бўлган эди. Улар соат уч-уч яримларда ўша ҳовлида учрашишади. Гаражда яширган пуллари олишади. Боя Раим пуллар гаражда “Сино”нинг ичида деганди. “Сино”си нима экан энди? Мана, яна битта бошни қотирадиган жумбоқ. Ибн Синонинг китоблари орасигамикин? 500 минг катта пул, китобнинг ичига сигмаслигини бола ҳам билади. Ундан кейин гаражда китобга бало борми? Балки Ибн Сино сурати туширилган елим халтами, сумками ўшанинг ичидадир? Бу ҳам нотўғри фикр эди. Ибн Синога ўхшаган улуг сиймоларнинг суратларини елим халталарга босиб чиқариш ҳали бизда урфга айланмаган эди. Шунисига ҳам шукур. Шошиб соатга қарадим: вақт ўн икки яримлар бўлиб қолибди. Йўлдаги қаҳвахоналардан бирида апил-тапил тушлик қилдим-у, соат бирда “Ички ишлар бўлими”га югурдим. Бўлим бошлиғимиз капитан — у киши ҳозир майор — Адҳам ака Қаҳҳоровга ҳалиги устомона ўғирлик тўғрисида ахборот бердим.

— Раим деган ўғри бизнинг картотекаларимизда йўқ, — дедилар Адҳам ака ўйланиб. — Эҳтимол бошқа туманларда бордир, — дея мени компьютерхонага бошладилар. Жиноят қилиб, муқаддам судланган бир неча Раимларнинг сурати билан улар ҳақидаги муҳим маълумотларни компьютер икки дақиқада аниқлаб берди. Мен боя устахонада учратган кимса эса Раим Тўхтаев бўлиб чиқди. У ўғирлик қилиб, муқаддам икки марта қамалиб чиққан экан. Озодликка чиққанига

тўрт ой бўлибди. Олмазор тумани “Ички Ишлар бўлими” да ҳисобда тураркан.

Адҳам ака:

— Йигитларимиздан тўрттасини ёнингга олиб, Турон кўчасидаги ўша уйни яхшилаб кузатиб турларинг. Вазиятга қараб, эҳтиёт бўлиб иш тутларинг, — дея тайинлаб рухсат бердилар.

Соат икки яримларда Турон кўчасидаги ўша ҳовлидан ўттиз қадамлар нарида ойналари сал қорайтирилган машинамизда Раим билан Асқарнинг келишини диққат ила кута бошладик. Бир маҳал қулоқчинини бостириб, кўк тўнга ўралиб олган, эллик-эллик беш ёшлар чамасидаги барваста қоматли киши биз пойлаётган уйнинг темир дарвозасига яқин келиб, қўнғироқ тугмасини босди. Энди бу одам ким бўлдийкин деб, қизиқишим голиб келиб, машинадан тушиб яқинроқ бордим. Ҳаял ўтмай, ўша кўзлари қисик қиз дарвозани очди.

— Барно, аданг кирмошинни тузатиб қўйдими, қизим? — дея сўради ҳалиги киши хириллаган йўгон овозда.

— Кеча моторини созлаб бўлгандилар, амаки, — дея жавоб қилди қиз. — Ремениям эскириб, чўзилиб кетган экан-да, ўзи. Шунга устахонадан янги ремень опкеп қўяман дегандилар-да. Эртага бир хабар олингчи.

— Майли-майли, Обиджонга айтиб қўй, шошмасдан яхшилаб тузатсин-а! — дея таъкидлади ҳалиги киши.

Уларнинг қисқагина суҳбатидан қизнинг отаси уйда ҳам қўни-қўшни, таниш-билишларнинг юмушларини бажариб беришини тушундим. Шу пайт эсим-




га тагин бир нарса тушиб кетиб, сирли калаванинг яна бир учини топгандай бўлдим. “Сино” бу музлаткич эмасмикан? Эҳ калла, бир пайтлар Самарқанддан “Сино” номидаги музлаткичлар чиқар эди-ку! Ҳа, энди топдим: гаражда шу номдаги музлаткич бор. Раим пулларни ўшанинг ичига яширган бўлиши керак. Кутавериб ҳам, сигарет тутатавериб ҳам зерикиб, диққат бўлиб кетдик. Ҳар эҳтимолга қарши деб, бир йигитни у дарвозани кузатишга юбордим. Балки улар ўша дарвозадан ҳовлига киришлари мумкин, деган эҳтимол ҳам йўқ эмасди менда. Соат ўн дақиқа кам тўртларда Тинчлик кўчаси муюлишида Раим билан Асқар кўринди. Улар ҳовлига кириб кетишгач, икки дақиқалар сабр қилиб, сўнг дарвозага яқин бордик. Дарвоза ичкаридан берк эди. Агар қўнгироқ тугмасини боссак, ё дарвозани тақиллатсак, уларни чўчитиб юборишимиз мумкин эди. Э, нима бўлса бўлди, дея унча баланд бўлмаган девордан ошиб, ҳовлига тушдик. Гараж томон югурдик. Эшиги қия очиқ, ичкарида чироқ ёниқ эди.

— Ҳорманглар, ўғри мушуклар, қўлга тушдинглар-ку! — дедим овозимни баландлатиб, эшикни катта очиб. Раим ҳам, Асқар ҳам бир учиб тушгандек, саросима ила ялт этиб менга қарашди.

— Кимсизлар? Нима ҳақларинг бор бировнинг уйига бостириб киришга? Нимага бизни ўғри мушук деб ҳақорат қиляпсизлар ўзи? — дея ўзича эътироз ила дўқ урди Раим.

— Сизларнинг қандай ҳақларинг бор ўқитувчиларнинг пулларини ўғирлашга, — дедим аччигим чиқиб.

— Қанақа пул? Одамга тухмат қилманг-э, ока? — дея тагин эътироз билдирди Раим.



— Икковинг бугун соат ўн яримларда 24-мактаб кассири Салима Ашуровани тунагансанлар, — дедим қовогимни уйганча нафратомуз қаҳрли овозда.

— Ҳазиллашманг-э, ока. Ман кун бўйи ишда эдим. Ҳозир кевопман ўзи. Гувоҳларим ҳам бор, — деди Раим кинояли илжайганча.

— Раимбой Тўхтаев, сен 24-мактаб кассири Салима Ашурованинг қачон, қайси банкдан пул олиши-ю, сўнг қайси кўчадан мактабга ўтишини яхшилаб пойлагансан. Кейин ҳеч кимнинг хаёлига келмайдиган устомона, жиноят оламининг таҳсинига лойиқ кўз кўриб, қулоқ эшитмаган антиқа режа тузгансан, — дея босиқлик ила уларнинг қинғирлиқларини битта-битта очиб ташлашга киришдим. — Режангнинг бекамму кўст амалга ошишида Салима Ашурованинг қора мушук расми туширилган қизил елим халтаси жуда қўл келган. Сарик кўшпақдан фойдаланиш учун Асқар билан тил бириктиргансан. Итни қора мушукка яхшилаб гашиқтириш йўлини унга ўргатгансан. Маслаҳатингга биноан у қора мушук сурати туширилган елим халталар топиб, молхонасида итини унга қаттиқ гашиқтирган. Бугун белгиланган вақтда сен дарвоза ортида Салима Ашурованинг шу кўчадан ўтишини пойлаб тургансан. Дарвоза яқинида Салима Ашурова дугонаси Хуршидахон билан учрашиб, шу жойда бир муддат гаплашиб қолган. Кутилмаган бу учрашув ҳам сизларга қўл келган, албатта. Фурсатни бой бермай, Асқар эшикни очиб итини аёллар томон қўйиб юборган. Ит важоҳат билан келиб Салима Ашурованинг қўлидаги “қора мушук”ка ташланганда, Раимбой, сен ўзинг ортида бекиниб пойлаб турган дарвозани қия очиб, кассирни дарвозанинг иккинчи табақасига суяб



қўйилган пул солинган кўк елим халтасини лип этиб чаққонлик билан олгансан-у, кўздан гойиб бўлгансан. Ҳа, айтганча, пулни олаётганингда, дарвозанинг пас-тидаги учи чиқиб қолган мих кафтингнинг қиррасини ҳамда малла ранг “Табани” курткангнинг енгини ти-либ йиртиб юборган. Ичкарида қўлингдан қорга қон томган. Яна у ерда 43-размерли этигингни излари ҳам қолган. Ўғирланган пулларни эса мана шу гараж-даги “Сино” музлаткичида беркитиб кетгансан. Ра-им билан Асқар далилларимни инкор қилолмай, бежо кўзларини мендан олиб қочишди. Пуллар ростданам “Сино”нинг музхонасида экан”, — дея бошидан ўтган воқеани айтиб бўлди Комил Умар.

— Бу ишда бир нарса менга сал ғалатироқ туйиляпти, ака, — дея изқуварга саволомуз тикилди Сардор. — Одатда ўғрилар ўзларига ўғирликда қўли анча ке-лишиб қолган, пихини ёрганларни шерик қилишади деб эшитганман. Раимнинг Асқардек тажрибасиз бир йигитчани ўзига шерик қилиши эса...

— Бу гапларни бировга айтсам, ишонмайди демоқ-чисиз-да, а? — дея жилмайди изқувар.

Сардор шунақа дегандай елка қисиб қўйди.

— Ҳа, гапингизда жон бор, ука. Ростданам ўғрилар ўзларига зўр шерикларни танлашади, — деди изқувар сигарет қолдигини кулдонга босаркан. — Бироқ Асқар деганимиз ёш ва содда кўрингани билан анойилардан эмас экан-да. Тўққизинчи синфни аранг битиргач, мактабдан чиқиб, ҳеч қаерда ўқимаган ҳам, ишлама-ган ҳам. Хўроз уриштириб юриб-юриб, бозорларда уч картаю ангишвона ўйнатиб юрадиган фирибгарларга шогирд тушган. Кейин терговда маълум бўлишича, у қартада қимор ўйнаб, Раимга ўттиз-қирқ мингча ют-

қизиб қўйган экан. Пулни вақтида беролмагани учун Раимга муттаҳам бўлиб қолган. Раим унга агар кас-сир аёлни тунашда менга кўмаклашсанг, қарзингдан кечиб, хизмат ҳаққингга юз минг бераман деб ваъда қилган экан.

2004 йил

ЧИПОР ИЛОН

Сардор соат тўққизларда бўлимга келганида Комил Умар кабинетига қандайдир тушуниксиз чизилган бир неча рангли расмларни лупаси орқали диққат ила текшириб ўтирар эди. Бирпасдан кейин у расмлар билан лупани олдидан нари суриб, оғир хўрсинганча толиққан кўзларини уқалаб курсисига ястанди-да:

— Бу олам ҳали биз билмаган сиру синоатга тўла экан-да, укам, — дея хитоб қилди илмнинг чексизлигига тан берган файласуф сингари.

— Ҳа, яна қандай муаммо чиқди? — дея қизиқсинди Сардор.

— Мана булардан бирон-бир маъно топа оласизми? — дея изқувар боя кўриб ўтирган расмларни унга узатди.

Булар мактаб ўқувчиларининг чизмачилик варагига ё ўйнаб бекорчиликдан, ё зерикканидан эринчоқлик билан турли ранглارнинг чапланмасидан чизилган бе-маъни нарсалар эди.

— Тушунмадим, нима бу? — деди ҳайрон бўлиб Сардор.

— Тушунсам сиздан сўрармидим? — дея қалин қошларини чимирди Комил Умар.

— Қаердан олдингиз буларни? — расмларга тагин бир кўз югуртириб сўради Сардор.

— Ноила деган қўшнимиз келтириб берди.

— Нима бало, унинг ўгли чизганми дейман бу маънисиз расмларни?

— Ноиланинг қўшниси физик олим — профессор Аббос Саидовга номаълум шахс томонидан почта орқали юборилган экан бу расмлар.

— Профессор Аббос Саидовни танийман, — деди Сардор изқуварни бир оз ҳайрон қолдириб. — Бир йил бурун домладан интервью олиш учун акам билан институтга борганман. Акам “Туркистон” газетасида ишлайдилар. Домла ўшанда бизни яхши қабул қилганлар. Оқ кўнгил, ажойиб инсон экан у киши. Нима, оддий одамлар тушунмайдиган физикага оид қандайдир сир бор эканми бу расмларда?

— Унисини билмадим-у, аммо олимнинг қизи Комиланинг Ноилага айтишича, Аббос Саидович шунақа расмларни олгач, қаттиқ ҳаяжонга тушиб, икки марта мазаси қочиб, мана бу учинчисидан кейин инфаркт бўлиб шифохонада ётганмиш...

— Қизиқ, профессорни бу ғалати расмлардаги қандай сир-синоат ҳаяжонлантирди экан?

— Мана шуниси жумбоқ бўлиб турибди-да менга!

— Сизга қандай ёрдамим тегишини ҳам билмай қолдим, — деди Сардор узрли оҳангда.

— Бирон-бир газетадами, журналдами шунга ўхшаган тушуниксиз расмлар босилмаганмикин? Акангиздан сўрабми, шуни аниқлаб берсангиз, зора бу жумбоқни ечишга асқотиб қолса, — деди илинж билан Комил Умар.

— Бу Ноила деганингиз қаерда ишлайди ўзи? — қизиқиб сўради Сардор.

— Адвокатлик фирмасида котиба. Ҳа, нима эди?

— Ўзим шунчаки уни бир кўрсам дегандим. Бир-иккита саволларим бор эди унга, — деди Сардор.

— Хўп, яхши, — деди Комил Умар соатига бир қараб олиб. — Ярим соатдан кейин бир адвокат билан учрашишим керак эди. Ўша ерда сизни Ноила билан таништириб қўяман, бўладими?

Комил Умар адвокат Собиров билан суҳбатлашиб турганида Ноила уларга қаҳва кўтариб кириб келди. Изқувар уни Сардор билан таништирди. Кейин Сардорга саволингизни бераверинг дегандай ишора қилди.

— Профессорнинг Комиладан бошқа болалари ҳам борми, Ноила? — дея сўради Сардор қайноқ қаҳвадан секин хўплар экан.

— Йўқ, Комила домланинг якка-ю ёлғиз фарзанди, — дея жавоб қилди Ноила.

— Турмуш ўртоғи ҳали ҳаётми?

— Дунёдан ўтганига уч йил бўлган бояқиш Роза опанинг. Яхши аёл эди, раҳматли.

— Комила неча ёшда? Турмуш қурганми?

— Ёшими, ёши йиғирма олтида. Ҳали турмушга чиқмаган.

— Қаерда, нима иш қилади ўзи?

— У ҳам физик. Ота изидан борган. Аббос Саидович ишлайдиган институтда ишлайди.

— Ҳар қалай катта олимнинг қизи, илмий иш қилаётгандир?

— Бўлмасам-чи, келаси йил номзодликни ёқласа керак.

— Шундай оқила, бўлажак олима қизнинг шу кунгача биронта тенги топилмаган бўлса, афсус, — дея суҳбатга аралашди Комил Умар.

— Эҳ, нимасини айтасиз, Комил ака, — деди Ноила аёлларга хос ачиниш оҳангида. — Бизда қизлар 19—20 ёшигача турмушга чиқса чиқди, бўлмаса у ёшдан ўтгандан кейин қари қиз бўлиб қолиб кетаверади-ку! Ундан кейин бирорта хотини ўлган ё хотинидан ажрашган сўраб келмаса... Бир йил бурун домланинг Азимжон Носиров деган шогирдлари Комилага оғиз солган экан. Афсус, домла рози бўлмабдилар.

— Қизларининг бахти очилай деб турганда-я?!

— Азимжон Комилани севиб қолгач, энди бахтимни топдим деб, оиласидан ажрашган экан.

— Э, шунақа денг? Буёғи чатоқ бўлган экан-ку.

— Домла муҳаббат деб болаларини тирик етим қилган одамга икки дунёда ҳам қизимни бермайман дея аччиқланибдилар.

— Ҳа-а, Аббос Саидовичга ҳам қийин бўлган экан, — деб қўйди Сардор. — У кишини ҳам тушуниш керак, албатта. Хўш, Комиланинг ўзи нима фикрда?

— Қизгинанинг Азимжонда кўнгли бор экан-у, аммо на илож, отасининг раъйига қарши боролмади.

— Комила деб оиласидан ажрашган Азимжон Носиров аламзададир? — деди Комил Умар ён дафтарига биринчи гумондор қилиб унинг исмини ёзиб қўяр экан.

— Ким билади дейсиз?

— Профессорнинг аҳволлари бирмунча тузукми, ишқилиб? — сўради Сардор.

— Кеча ишдан қайтаётиб, касалхонадан келаётган Комила билан учрашиб қолдим, — деди Ноила. — Аббос Саидович анча ўзларига келиб қолганмишлар. Шанба куни эрим билан домлани кўриб келмоқчимиз.

— Биз ҳам профессордан хабар олгани борсак-чи, — деб қолди Сардор Ноила чиқиб кетгач. — Бир ўқ билан икки қуённи урардикми. Ҳам ҳол-аҳвол сўрардик, ҳам анави расмлардаги сирдан воқиф бўлиб келармидик, нима дейсиз, Комил ака?

— Ҳолларидан хабар олишимиз мумкин-у, аммо расмларни ҳозирча домлага кўрсатиб бўлмайди, — деди қатъий қилиб Комил Умар.

— Нега энди?

— Ҳали айтдим-ку, профессор шу расмларга қараб инфаркт бўлиб қолган деб.

— Узр, эсимдан чиқай дебди.

— Тагин қош қўяман деб кўз чиқариб қўймайлик.

— Бу гапингиз ҳам тўғри.

— Расмлардаги сирнинг тагига ўзимиз етишимиз керак.

— Бўлмаса эртага соат ўнларда касалхона олдида учрашамиз.

— Маъқул.

Эртасига Сардор домланинг олдиларига қуруқ бормайлик деб, йўлдан бозорчага кириб, ширин анор, ҳусайни узум ва иккита иссиқ нон харид қилди.

Кардиология бўлимида бошқа бўлимларга нисбатан тартиб қаттиқ экан. Навбатчи ҳамшира уларни йўлак бошида тўхтатиб, ҳозиргина домланинг пала-

таларига ишхоналаридан икки киши кириб кетганини, улар чиқишгач, фақат навбат билан битта-битта кириб чиқасизлар деб шарт қўйди. Комил Умар дори ҳиди анқиб турган йўлакда тургиси келмай ташқарига чиқди. Сал ўтиб ичкаридан ёшлари қирқ-қирқ бешлар чамасидаги бири баланд, бири ўрта бўйли, қовоқлари солиқ икки киши чиқиб келди. Узун бўйлисининг юзи бугдой ранг, кўзлари катта-катта, салгина оқ оралаган сочлари орқага тўлқин-тўлқин қилиб таралган; ўрта бўйлисининг юзлари саргиш, кўзлари сал қисик, сочлари ён томонга таралганди. Улар барча иззатгалаб илм аҳли каби жуда ҳам такаббур кўринишар эди.

— Домлаям соб бўлиб қолипти, — дея илжайди қисик кўзли. — Энди шундай инфарктдан кейин икки-уч ойлар ишга чиқолмаса керагов.

— Чиқиб бўпти! — деди бўйи узун қовоғини очмай жиддийлик билан.

Уларнинг домла тўғрисидаги шу гаплари қулоғига чалиниб қолиб, гапнинг давомини тинглаш учун соткасининг диктофонини ишлатиб, Комил Умар ҳалигиларга секин эргашди.


— Ун саккиз йилдан бери креслони бировга бергиси келмайди-я, қурғур қариянинг.

— Энди ҳам бермай кўрсин-чи.

— Эсингиздами, сизнинг номзодлик ишингизни неча марта ҳали хом деб, бахиллик қилиб қайтариб юборганлари?

— Бунақа кўролмасликни эсан чиқариб бўлармиди?!

Шифохона дарвозасидан чиқишларида, кутилмаганда, каттакон бульдог итни бўйин қайишидан ушлаб



турган ўрта ёшлардаги рус аёлига тўсатдан дуч келиб қолдилар. Афти жудаям хунук ит гўё бу одамларнинг ёмонлигини сезгандек уларга ташланмоқчи бўлиб уч марта газаб билан қаттиқ ҳуриб, олдинга интилди. Агар эгаси бўйнидан маҳкам тутиб қолмаганидами, ташланиб, уларни қошиб олиши ҳеч гап эмас эди. Қутилмаган эсанкиратувчи бу ҳолатдан икковларининг ҳам эхоналари чиқиб кетаёзди. Олдиндаги узун бўйлиси ранг-рўйи оқарганча итнинг эгасини қаттиқ сўкиб юборди.

Улар сал ўзларига келишгач, ўн қадамлар нарида турган машиналари томон юрдилар.

— Итдан ёмон қўрқаркансиз-а? — деди қийиқ кўзли.

— Дунёда энг ёмон кўрган жониворим шу — ит! — деди кўзлари газабдан чақчайганча узун бўйлиси. — Ёшлигимда шунақа бульдог икки марта ёмон тишлаб олган! Шундан бери итдан ёмон қўрқаман. Қанийди уларнинг биттасини ҳам қолдирмай қириб ташласам!

Комил Умар улардан сал олдинга ўтиб, сездирмай икковларини қўл телефон билан суратга олди.

Улар машинага ўтириб жўнашгач, Комил Умар соткасидан ҳалиги кимсаларнинг ёзиб олинган гапларини эшитиб кўраётганди, ичкаридан Сардор чиқиб келди.

— Қалай, домла тузук эканмилар? — дея сўради у телефонини ўчириб.

— Ҳа, анча соғайиб қолибдилар, — деди мамнунлик билан Сардор. — Кекса бўлсалар ҳам хотиралари яхши экан. Мени дарров танидилар. Акамга салом айтиб юбордилар.

Кечқурун Сардор 8-синфда ўқийдиган укасининг дарс тайёрлашидан хабар олгани хонасига кирса, Санжар қандайдир журналга яқиндан термилиб ўтирган экан. Сардор нимани томоша қилаётган экан бу деб, уни кузатиб турса, Санжар журнални аста-секин кўзидан узоқлаштириб, бир оз ҳаяжонланганча: “Чиқди! Ана-ана чиқди!” — деди ўзича қувониб.


Сардор ҳайрон бўлиб:

— Намунча қувонмасанг, нима чиқди ўзи? — деб сўради Санжардан.

У укасининг қўлидаги “Ёш куч” журналининг сўнги саҳифасида берилган “Учинчи ўлчамга саёҳат” сарлавҳаси остидаги айқаш-уйқаш ранглардаги расмга қараб ҳеч нимани тушунмади. Расм остида қуйидагича тушунтириш битилган эди:

“Расмни кўзингизга 2—2,5 сантиметр масофада тутиб турунг. Тасвирнинг марказига бўшлиққа қарагандек қарашга ҳаракат қилинг. Расм юзидаги ранглар тамомила чаплашиб ягона ранг ҳосил бўлади. Кўзингиз бу рангга мослашиб улгургач, тасвири аста-секинлик билан кўзингиздан узоқлаштиринг. Расм юзида ўзгаришлар содир бўлиб, уч ўлчамли шакл тасвири гавдаланади. Унутманг, расмни аста-секинлик билан кўзингиздан узоқлаштиринг. Яна ёдда тутингки, расм юзидаги ранглар тамомила чапланмас экан, яширин тасвири кўра олмайсиз. Тасвири кўришга қийналсангиз, ушбу услубни икки-уч марта тақрорланг”.

Сардор айтилгандек уч эмас, беш-олти марта шундай қилиб кўрса ҳам яширин тасвири кўролмай ху-



ноби ошди. Шу ҳам иш бўлибдими энди дея сал аччиқланиб, укасининг хонасидан чиқиб кетди. Ўз ётоқ бўлмасига кириб диванга чўзилиб, қўлларини боши остига қўйиб ётар экан, баногоҳ миясига: “Э, шошма-шошма, профессорга юборилган ўша расмларда яширинган сирни журналда битилган услубда очса бўлмасмикин?” — деган фикр келиб қолди.

Эртасига Комил Умар билан учрашганларида “Ёш куч”ни кўрсатиб: “Мана бунга бир қаранг-чи, бирон нимани англайсизми?” — деди уни ажаблантириб. Комил Умар ҳам худди Сардордек “Учинчи ўлчамга саёҳат”нинг шартларини шунча диққатпазлик қилса ҳам амалга оширолмади. “Савил, бунинг учун кўп машқ қилишга тўғри келади шекилли”, — дея кулумсираб журнални олиб қолди.

Сардор кетгач, изқувар соткасини компьютерга улаб, кеча туширган ҳалиги икки кимсанинг расмларини компьютерга жойлаштирди. Сўнг уларни принтердан чиқариб олди. Ноилага расмларни бериб: “Комилдан сўранг-чи, булар қандай одамлар экан ўзи?” — деди. Ишда кўзлари толиқаёзган бўлса ҳам, бир оз дам олмай, боя Сардор ташлаб кетган журналга қайта тикилди. Зикр этилган услубни тўрт-беш маротаба такрорлагач, кўз олдида тамомила чаплаган ранглар ичида яширинган тасвирни аста-секин илғай ололди.

Сўнгги саҳифада сиёҳранг фонда нилуфар гул баргида ўтирган бақа тасвирланганди. Улар тасвирнинг бўйига ва энига саккиз қаторга саккизтадан жойлаштирилган бўлиб, биринчи қаторда япроқ ва бақанинг ярим тасвири, иккинчи қаторда эса япроқ ва бақа

тўлиқлигича тасвирланганди. Гул оқ қизгиш рангда, япроғи ва унинг устидаги бақа эса яшил рангда эди.

Расм юзидаги ранглар тамомила чаплашгандан кейин изқуварнинг кўз олдида ягона ранг ҳосил бўлди. Шундан кейин у тасвирни секинлик билан кўзидан узоқлаштирганди ичкарида яширинган тасвир — ўнг қўлини олдинга чўзган, чап қўли билан қиличи дастасини ушлаб турган, бошига тож қўндириб, елкасига калта ёпингич ташлаган қирол тасвири пайдо бўлди.

Комил Умар журнални қўйиб, столи галадонидан профессорга юборилган ўша тушуниксиз расмларни олиб, журналда қайд этилган услубда уларга тикила бошлади. Боягидек уч қайта такрорлагач, расмларда яширинган бир хил тасвирни яққол кўра олди.

Ноила кечқурун суратларни Комилага кўрсатиб, уларнинг ким эканлигини суриштирди. Узун бўйлиси доцент Турғун Солиев, ўрта бўйлиси фан номзоди Бекмурод Тожиев деганлари экан. Домла икковларини ҳам унчалик ёқтирмас эканлар. Сабаби, Турғун Солиев деганлари ичи қора, ўтакетган бахил, Бекмурод Тожиев деганлари эса манфаати учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ўта лаганбардор кимсалар экан. Турғун Солиев домланинг бетобликларидан фойдаланиб, кафедра мудирлиги лавозимини эгаллайман деб югуриб юрганмиш.

Эртасига Ноила булар ҳақидаги маълумотни етказар экан, Комил Умар ўзи бир кўришдаёқ уларнинг қандай одам эканликларини билгандим дегандай киноя ила бош ирғаб қўйди.

— Бир-иккита нарсани аниқлаш учун Комила билан ўзим гаплашишим керак эди-да, — деди Комил

Умар. — Уни эртагами, индингами ишхонангизга чақиролмайсизми?

— Хўп, бир гаплашиб кўраман, — дея ваъда берди Ноила.

* * *

Индинига соат тўртларда Комила адвокатлик офисига кириб келди. Бу пайтда изқувар билан Сардор уни кутиб ўтиришарди.

— Бу расмлар дадангизга битта конвертда келганмиди? — дея Комилага биринчи саволини берди Комил Умар.

— Ҳар бири орадан икки ой, икки ой ўтиб келганди, — дея жавоб қилди Комила мунисона оҳангда.

— Домла бу тушуниксиз расмларни қандай текширардилар?

— Ўша конвертлар ичида яширин тасвирни топиш ҳақида бир парча хат ҳам бор эди. Ўшани яхшилаб ўқиб, расмларга тикилардилар.

— Сиз ҳам яширинган тасвирни топишга уриниб кўрганмисиз?

— Ичим сал торроқ бўлгани-чун, бунақанги диққатпазликни унча ёқтирмайман. Тўғри, аввалига яширинган нарсани топишга бир-икки ҳаракат қилиб кўрганман, аммо чиқаза олмагач, вақтимни бекорга йўқотишни хоҳламаганман.

— Ноиланинг айтишича, дадангиз шунақа расмларни олгач асабийлашиб, мазалари қочиб қолар экан-а? Бу расмларда қандай сир борлиги ҳақида сизга айтганмидилар?

— Йўқ, айтмаганлар-да. Кимдир менинг асабим билан қаттиқ ўйнашяпти деганлар, холос.

— Айтинг-чи, дадангиз нимадан қаттиқ қўрқардилар? Масалан, биров итдан, биров мушукдан дегандай. Биласизми, бу биз учун жуда ҳам муҳим, Комила.

— Ёшликларида илон чақиб олиб, ўлиб кетишларига бир баҳя қолган экан. Шу-шу телевизорда илонни кўрсатиб қолишса, эtlари жимирлаб кетиб, авзолари ўзгариб, тескари қараб олардилар. Бир куни шум болалар эшигимиз тагига ясама “резина илон” ташлаб кетишибди. Биз бирга ишдан қайтгандик, дадам унга кўзлари тушгач, чинакам илон деб бақириб юбора-ёздилар. Дада, кўрқманг, бу резина-ку деб тинчлан-тирганман ўшанда.

— Ўша конвертлар бир жойдан жўнатилганмиди?

— Учови уч жойдан. Бири Чилонзордан, иккинчиси Олмазор туманидан, учинчиси Бектемир туманидан.

— Сиз Турғун Солиев билан бир кафедрада ишлайсиз-ку. Шу кишининг столи тортмасидами ё китобдафтарлари турадиган шкафдами “Ёш куч” журналларидан бормикин-йўқмикан шуни бир билиб берсангиз, илтимос. Бу ҳам ишимиз учун жуда муҳим, албатта. Аммо журналларга тегмайсиз, улар жойида туриши шарт, тушундингизми?

Комила эртага аниқлаб бераман деб хайрлашди.

— Хўш, ўртоқ капитан, ўша сирли расмларда нималар яширинганини аниқладингизми? — дея сўради боядан бери зерикиб ўтирган Сардор.

— Ҳа, буни топиш унчалик ҳам мушқул эмас экан, — дея расмларни Сардорнинг олдига қўйди Комил Умар. — Фикрингизни бир жойга тўплаб тикилсангиз, аминманки, сиз ҳам бир зумда бунинг нималигини билиб оласиз.

Сардор “Ёш куч” даги расмга бор эътиборини бериб тикилди. Тасвирдаги ранглар тамоман чаплашгач, аста-секин журнални кўзидан бир қарич узоқлаштирганди, ичкаридан қилич тутган қирол тасвири чиқиб келиб уни ҳайрон қолдирди. Яширин тасвирни топишни ўрганиб олгандан сўнг профессорга келган расмларнинг бирини қўлига олди. Во ажабо, бундан одамнинг этини сескантириб юборадиган чипор илоннинг яширин тасвири чиқиб келса бўладими?! Ҳар учала расмда ҳам одамни чақишга шайланган тури совуқ чипор илон тасвири яширинганини аниқлади.

— Буни ким юборган бўлиши мумкин домлага? — ажабланиб сўради Сардор.

— Аббос Саидовичнинг илондан жуда ҳам қўрққини яхши билган одам, — дея ишонч билан жавоб қилди Комил Умар.

— Нима учун бундай қабиҳ ишга қўл урдийкин? Одамни қўрқитиб, касал қилишдан не манфаат бор экан унга?

— О-о, манфаат катта-да, ёш дўстим, — дея таъкидлади Комил Умар. — У одам домланинг ўрнини эгаллашни кўзлаган!

— Хуш, энди нима қилмоқчисиз?

— Комиланинг жавобини кутайлик-чи. Агар жавоб ўйлаганимдек бўлиб чиқса, биз ҳам бир-у бир қиламиз.

— Тушунмадим. Бу нима деганингиз?

— Бу ҳам детектив асарлардаги каби бир сир, дўстим. Ичингизни кенгроқ қилинг, эрта-индин ҳаммасини билиб оласиз.

Индинига Ноила Комиладан Турғун Солиевнинг столи тортмаларида “Ёш куч” журналининг турли йилларда чиққан саккизта сони борлиги ҳақидаги хабарни келтирди.

Шундан кейин Комил Умар Сардор билан биргаликда “Ёш куч” журнали таҳририятига йўл олишди. У ерда “Учинчи ўлчамга саёҳат” туркумидаги расмларини чизиб берадиган рассом Исомиддин Қурбонновга учрашишди. Рассомнинг сирли маъно яширинган суратларини мақташганди, бу унга мойдек ёқиб тушди. У шундай мухлислари борлигидан жудаям хурсанд бўлиб, хизматларига тайёр эканлигини билдирди. Мусаввирдан шундай гапни кутиб тургандек, Комил Умарга жон кириб, бир кичкина хизмат борлигини айтаётганди, шу пайт хонага Сардорни акасининг журналист дўстларидан бири кириб қолиб, у билан қучоқлашиб кўришиб, қўярда-қўймай ўз бўлимига олиб кетди. Изқувар расм ичида қандай тасвирни яшириш лозимлигини рассомга яхшилаб тушунтиргач, сумкасидан профессорга юборилган ўша расмларни чиқариб, буларни ким чизганлигини билиш-билмаслигини сўради. Рассом расмларга бир кўз ташлаб олиб, бош чайқаганча билмаслигини айтди.

— Эртага доцент Турғун Солиевнинг олдига интервью олгани борасиз, — деди Комил Умар редакциядан кўчага чиқишгач.

— Ким бу одам? — ҳайрон бўлиб сўради Сардор.

— Профессор Аббос Саидовичнинг шогирдларидан бири. Тўғриси айтсам, мен шу одамдан шубҳа қиляпман, — деди изқувар.

— Шундоқ денг ҳали?

— Нимага ўйланиб қолдингиз? Доцент билан учрашиш шунчалик мушкулми? Ё интервью учун мавзу топишга қийналяпсизми?

— Бўлмасам-чи, — дея чайналди Сардор.

— Физикада ҳали ўз ечимини кутиб ётган муаммо йўқми, нима? Мана, масалан, менда оптика соҳасига оид бир янгиликнинг таклифи бор?

— Қандай таклиф экан?

— Кўзининг кўриш қуввати паст кишилар кечурун машина ҳайдашда анча қийналишади. Бунинг оқибатида ҳалокатга учрашлари табиий, албатта. Шунанга одамлар учун олд “лабавой” да қоронгида ҳам йўлни ойдин қилиб кўрсатадиган экранча ясаб қўйса бўлмасмикин?

— Ҳа-а, қизиқ таклиф экан, — деди Сардор. — Бу ҳақда бир ўйлаб кўриш керак.

— Сиз эртага Турғун Солиевнинг хузурига борганингизда, мана шунақа саволлар бериб, домланинг фикрини тинглаган бўлинг, укажон. Олимлар бундай янгиликларга жуда ўч бўлишади. Гап орасида “Ёш куч” да чиққан анави расмлар ҳақида ҳам фикрини биллишга қизиқиб кўринг. Қани, нима деркин? Изқуварликка жуда қизиқасиз-ку, қани, ўзингизни бир синаб кўринг-чи, укажон.

Комил Умар бу сирли жиноят ҳақида бошлиги Адҳам Қаҳҳоровга ахборот бергани, майор бир оз ўйланиб, ишни давом эттиравер деб рухсат берди.



Уйга боргач, Сардор акасига эртасига хизмат гувоҳномасини бир соатга бериб туришини илтимос қилди. Боиси, ака-ука бир-бирларига жуда ҳам ўхшар эдилар-да. Акаси нима учун кераклигини сўрагани, у бир жиноятни фош этиш зарур бўлиб турибди дея тўғриси айтди.

Эртасига соат ўнларда Сардор журналист сифатида Тургун Солиев билан учрашди. Домла “журналист”нинг кеча Комил Умар ўргатган фикрларини диққат билан эшитиб, бу текин таклифни дарҳол дафтарига ёзиб олиб, бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўришини айтди. Боиси, фикрлар унинг соҳаси оптикага тегишли экан-да. Сухбатлари қовушгач, Сардор сумкасидан “Ёш куч”нинг бир неча сонларини чиқариб, “Учинчи ўлчамга саёҳат” сарлавҳаси остидаги сирли расмлар тўғрисида сўз очди. Домла ҳам бу сингари расмларнинг ишқибози эканлигини айтиб, столи тортмасида “Ёш куч”нинг беш-олти сонини олиб кўрсатди. “Бу расмларга қараб, миямга дам бераман. Кўзимнинг қуввати кучайиб, тиниқлашади”, — деди мамнун бўлиб. Домла яна бир журнални варақлаётгани, ичидан чизмачилик қоғозига чизилган, боягидек иккита-учта расмлар сирғалиб ерга тушиб кетди. Гўё бундан ижиргангандек домланинг туси сал ўзгариб кетди. Солиев ҳалиги расмларини сири фош бўлиб қолаётгандек, дарров тортмасига яширди. Бу ҳолат Сардорда шубҳа уйғотмасдан қолмади. Сардор домла билан хайрлашиб, кафедрадан чиққан маҳали профессорнинг қизи Комилага дуч келиб қолди. У Комилага Солиев

яширган расмлар ҳақида айтиб, қандай бўлмасин ўша расмларни олиб чиқишни тайинлади. Доцент Солиев кейинги “пара”га дарсга кириб кетганидан фойдаланиб, Комила боя Сардор айтган расмларни олиб чиқиб берди.

— Ўйлаганимдан кўра ҳам катта иш қилибсиз, ёш дўстим, — дея қувонган бўлди Комил Умар ҳалиги қўлга киритилган расмларни кўриб. — Қани, буларда нималар яширилган экан?

У расмларга бир-бир диққат билан тикилиб: “Яна илон-ку!” — деди қаҳр оҳангида.

Сардор наҳотки дея расмларни изқуварнинг қўлидан олди. Тасвирларда ростдан ҳам икки илон — бири чипор, иккинчиси чақаман деб оғзини катта очиб турган кобра яширинган экан. Орадан бир кун ўтиб, доцент Солиевга дарсдан чиқиб кафедрага кирса, кимдир унга каттакон конверт ташлаб кетибди. Ҳеч қаерига почта муҳри босилмаган конверт устига Комил Умаровдан деган ёзув бор эди. Доцент бу нотаниш одам ким бўлдийкин деб конвертни очганди ичидан сирли расм чиқди. Домла диққат билан расмга тикилиб туриб, ундаги яширин тасвирни топгач, қаттиқ қўрққандек ранги оқариб кетиб, ўзини орқага ташлади. Тасвирда яширинган нарса Солиевнинг дунёда энг ёмон қўрқадиган жонзоти — қопаман деб оғзини катта очиб турган афти хунук бульдог ит эди!

— Сизга бу расмни Комиладан бериб юборган милиция капитани Комил Умаров мен бўламан, — дея фуқаро кийимидаги иккита милиция ходими билан ичкарига кирди изқувар.

Солиев тили калимага айланишга мадори йўқдай унга бақрайиб қараб турарди.

— Сиз бульдог итдан қанчалик қаттиқ кўрқсангиз, профессор Аббос Саидович ҳам чипор илондан шунчалик қаттиқ кўрқар эканлар, — дея ўта жиддийлик билан гапини давом эттирди Комил Умар. — Сиз одамни кўрқитиб, ҳаётига таҳдид солиш жиноятида айбланасиз!

Солиев сал ўзига келиб олгач менсимаган киборли оҳангда:

— Ким сизга ҳуқуқ берди, оқаси, мани бундай бе-маъни айб билан айблашга?! — деди чақчайиб.

Комил Умар мийигида кулиб, чўнтагидан “сотка” сини олиб ёзилган овозни чиқарадиган тугмачасини босди-да:


— Тунов кунги шифохонада айтган гапларингиз, ҳурматли доцент ўзингизга қарши далил бўлса ажабмас, — деди. Солиев ўша кунни Тожиевга профессорни ёмонлаб айтган гапларини изкуварнинг телефонидан аниқ-тиниқ эшитгач бўзрайиб қолди.

АЛМАШГАН ПОЙАБЗАЛ

Сиз жиноятда гумон қилинганларнинг айбсизлигини исбот қилишга ҳеч уринганмисиз?

Сардорнинг бу саволига Комил Умар бирдан жавоб бермай ўйланиб қолди. Боиси бу янглиғ саволлар ўтмишни эслашга, уни бирма-бир хотира қаъридан излашга мажбур қилар эди-да.

— Ҳа, баъзан, онда-сонда шунақаси ҳам бўлиб туради, — деди Комил Умар оғир сўлиш олиб.



Биласизми, мен милициядаги хизмат фаолиятимни Тошкент тумани ички ишлар бўлимида бошлаганман. Жиноят қидирув бўлимида бешинчи йил ишлаётганимда кеч куз маҳали Нуробод қишлоғидан Қодир чўпоннинг отини ўғирлаб кетишгани ҳақида ариза тушганди. Топшириқ олгач, бир ходим ва бир криминалистни ёнимга олиб, воқеа жойини текширгани бордим. Қодир чўпон ёгингарчилик бошланиб, совуқ туша бошлагач, элнинг мол-ҳолини тоғдан ҳайдаб тушганига икки ҳафта бўлган экан. Унинг иккита оти бўлиб, бири саман зотидан ёши каттароқ, иккинчиси қорабайир зотиданлигини бутун қишлоқ биларкан. Ўша куни чўпон саманни миниб, тоғдаги бир ошнасининг тўйига кетган экан. Ўғри қорабайирни олиб кетибди. Хотини ва болалари қаттиқ ухлашганидан отнинг кишнаганини ҳам, унинг туёқ товушларини ҳам эшитмай қолишаверибди. Шарпани сезганда вовиллаб дунёни бузадиган иккита қопагон қўриқчи итлари негадир ҳар тунгидек ҳуришмабди ҳам. Эрталаб хабар олишса, кимдир итларга заҳар бериб ўлдириб кетибди. Ўлган жониворларнинг жасадини кўздан кечираётиб, атрофдан колбаса тишламларини топдик. Кучли заҳар қўшилган шекилли, бечоралар икки тишлам емаёқ жойида қотишибди. Албатта, бу ўғридан бошқа кишининг иши эмаслиги аниқ эди. Отхонани яхшилаб кўздан кечирдик. Криминалистга ичкаридаги шубҳали кўринган оёқ изларидан кўчирма олишни тайинладим. Кейин бундай синчиклаб қарасам, от охури ёнида сариқ зажигалка ётган экан. Криминалистга уни авайлаб олишни айтдим. Бу ҳақда уй эгаларига билдиргандим, улар бизнинг болалар носвой чекади, сигаретни умуман оғзига олмайди дейишди. Ўша ке-

ча кучсизгина ёмғир ёғиб ўтганди. Ташқарида отхона эшиги олдида лойга сал ботган кроссовка излари ҳам бор экан. Утириб ўша изларни лупам билан кўздан кечиргач, чўпоннинг болалари кроссовка кийиш-киймаслигини суриштирдим. 7-синфда ўқийдиган ўғли кроссовка кияркан. Бироқ унинг оёқ размери изданидан анча кичик эди. Демак, бу ўғрига тегишли из деган тахминга бордим. Мени ажаблантирган нарса: отнинг бегона киши ортидан индамай эргашиб кетавергани бўлди. От ўз эгасидан бошқа бегона кишини ёнига яқинлаштирмайди, ётсираб депсинади, ўзига хос овоз чиқаради, кишнаёди, тепиши ё тишлаб олиши ҳеч гап эмас. Чўпоннинг айтишича, бу ёш оти ҳа деганда гапга киравермайдиган, қайсарроқ экан. Нега шундай от ҳалигидек ўғрига қаршилиқ кўрсатмаган. Бундан шундай хулоса чиқардики, ўғри отга яхши таниш киши бўлган! Шунинг учун от унга қаршилиқ қилмаган. Зажигалкада икки кишининг бармоқ излари қолган экан. Бири бир йил бурун ўғирлик билан қамалиб чиққан Шодмон Қобилов деган шахсга тегишли бўлиб чиқди. Бу шахс бизнинг туман Ички ишлар томонидан қўлга олиниб, қамалиб кетганди. Уни қўлга олишда мен қатнашмаганман. Бу воқеалар мен отпуссага чиқиб, Қора денгиз соҳилларига дам олгани кетганимда юз берган экан. Йигитлар дарров Шодмон Қобиловни бўлимга олиб келишди. Бу шахс худди фамилиясидагидек анчайин мўмин-қобил одамга ўхшарди. У ўша кеча ўғирлик содир этилган қишлоққа бормаганини айтиб, бошданоқ жиноятни бўйнига олмади. Сарик зажигалкаси ўша ердан топилганини айтгандим, зажигалка уники эканлигини-ю, аммо у ерга қандай бориб қолганлигидан ҳайрон бўлганча

жавдираб тураверди. Одамнинг кўзларига кўп нарса боғлиқ-да, укам. “Кўзимга қараб гапир”, дейишларида ҳикмат кўп экан-да, ўзи. Шу йигитнинг кўзлари ҳам бошқача эди-да! Болаларникидек маъсум, ҳеч ёлгон гапираётган кишиникига ўхшамасди. У оғир хўрсиниб: “Зонада ўтирганимизда милисанинг темир дафтарига бир тушдингми тамом, қотилга қотилликни, ўғрига ўғирликни бўйнига мажбур қилиб қўйиб қайта-қайта қамашаверишади дейишганди. Мана, уларнинг гаплари тўғри чиқяпти”, — деди.

— Аммо шуни билингки, суюқларимни майдалаб синдириб, ўлдириб ташласангиз ҳам, бу ўғирликни бўйнимга олмайман! — деди қатъий қилиб. — Агар сиз ҳалол одам бўлсангиз, ҳақиқий ўғрини топинг, менинг айбсизлигимни исбот қилинг, савобга қоласиз! — деди кўзларимга тик боқиб.

Унинг кейинги гапи менга қаттиқ таъсир қилиб кетди. Балки бу одам ростдан ҳам бегуноҳдир деган ўй ўтди хаёлимдан. Шундан сўнг Қобиловнинг биринчи қамалиш иши билан синчиклаб танишиб чиқдим. Козим Наримонов деган бир таниши билан ишдан кейин улфатчилик қилиб, уйга қайтаётганларида, ҳалиги таниши сен шу ерда тура тур, мен анави уйдан бир жомадон нарсаларимни олиб чиқай, деб бир нотаниш уйга кириб кетади. Бир оздан кейин у ростданам ўша уйдан бир жомадон кўтариб чиқади. Шу жомадон бугунча сеникида турсин, эртага олиб кетаман деб, ҳалиги жомадонни содда Қобиловга бериб юборади. Эртасига ўша хонадон эгалари уйларига ўғри тушганидан милицияга арз қилишади. Ўша кўчадагилардан суриштирилганда, бир-иккита кўрганлар Козим Наримоновнинг ташқи белгиларини айтиб беришади.

Уларни милицияга таклиф қилишиб, ўғриларнинг суратларини кўрсатишади. Гувоҳлар Наримоновни шу одам эди деб кўрсатишади. Наримонов дарҳол қўлга олиниб, сўроқ қилинганда, ўғирлик моллар Шодмон Қобиловникида эканлиги ҳақида кўрсатма беради. Қобиловнинг уйи тинтув қилиниб, ўша жомадон топилгач, уни ҳам жиноятчига шерик сифатида дод-войига қарамасдан қамаб юборишади. У пайтлар собиқ иттифоқ даври эди, дўстим. Адвокатларнинг гап-сўзю, ҳимоялари бир тийинга ўтмасди-да, ахир! Терговчилар айбни бўйинга олдиргандан кейингина жиноятчини адвокатга рўбарў қилишга рухсат қилишар эди. Ундан кейин адвокат бечора нима ҳам қила олсин?! Суд эса кўпроқ ўртоқ прокурорнинг айбловига қулоқ тутарди. Шундай қилиб, қўй оғзидан чўп олмаган бечора, бир ёмоннинг қорасини юқтириб, бир неча йиллар тутқунликда жабр кўришга мажбур бўларди. Биласизми, бир хил жиноятчилар сўзга биррам чечан, одамни жуда ҳам ишонтирувчан, пихини ёрган, устомон бўлишади. Эндигина иш бошлаган тажрибасиз терговчиларнинг қулоғига лагмон илиб, лақиллатиб кетишлари ҳеч гап эмас. Шодмон Қобилов эса бунақалар тоифасидан эмасди, яхшилаб эътибор қилсангиз, у сира ҳам жиноятчига ўхшамасди, ҳа! Шунинг учун ҳам бу одамга ёрдам қилгим келиб, бу ўғирлик ишини ипидан-игнасигача текшириб, ҳақиқий айбдорни топишга киришиб кетдим. Бу ишда менга уч нарсга жумбоқ бўлиб турар эди. Биринчиси: Шодмон Қобилов ўша қишлоққа бормаган бўлса, унинг зажигалкаси қандай қилиб Қодир чўпоннинг отхонасида пайдо бўлиб қолди? Иккинчиси: Қобиловнинг умуман кроссовка киймаслиги. Отхонада қолган 40-размерли

кроссовка излари унга тегишли эмаслиги. Учунчидан эса гипс билан олинган излар кўчирмасида галати бир нарсга эътиборимни тортди. Ўша кроссовка изларида сариқ, қизил, кўк ва қора ранглардаги шиша зарралари мавжуд эди. Бу шиша зарралари изларда қандай пайдо бўлиб қолдикин? Шодмон Қобилов Чирчиқдаги колонияда жазосини ўтаган экан. Ярим соатда Чирчиққа бориб, колония бошлиғига учраб, Қобиловнинг тарбияси билан машғул бўлган катта лейтенант Ёдгоров билан суҳбатлашдим. Шодмон Қобилов у ёқда раҳбарият ва тартиб-қоидага бўйсунувчан, тартибли, интизомли, яхши хулққа эга бўлган экан. Шунинг учун уни амнистия билан муддатидан олдин озод этишган экан. Кейин шу иш юзасидан Қодир чўпонни чақиртириб, йўқолган от асли ўзиникими ёки бировдан сотиб олганмикин дея суриштирдим. Айтишича, у бу отни икки йил бурун тўрт қишлоқ наридаги Шокирбой деган бир ошнасидан сотиб олган экан. Шундан кейин от сотган одам отимни қайтариб бер деб ҳеч келмаган экан. Тезда Шокирбойникини текшириб келдик. Бу гапни эшитиб Шокирбой ҳам ҳайрон бўлиб қолди. Мендан гумон қиляписизлар шекилли, дея сал аччиқланди. Оиласидагилар билан танишдим. Ҳеч ўғирлик қиладиган одамларга ўхшашмасди. Фақат кичик ўғли Жасур билан гаплашолмадим. У туман марказидаги қурилиш материаллари сотиладиган магазинда ишлар экан. Шодмон Қобиловни сўроқ қилаётиб, унинг янги малла ранг туфлиси диққатимни тортди. Пойабзалнинг ўнг пой юза қисмида тўлқинсимон икки чизик устидан мошинада майда қилиб тикилган эди. Бу пойабзалга ўзгача нозик безак бериб турарди. Чап пойи юзасида эса ҳалиги тўлқинсимон безак бўлмай, иккита тўғри чизик устидан майда қилиб тикилган

эди. Нима бало, бунинг пойини алмаштириб сотишганми? Қобиловга бундай майда тафовутни айтмай, туфлини қаердан олганини суриштирдим. У бу пойабзални яқинда Тошкентга боришганида аскарликда бирга хизмат қилган ўртоғи билан биргаликда сотиб олишганини айтди. Икковларининг оёқлари бир хил — 40-ўлчамда экан.

— Ким ўша, хизматдош ошнангиз? — деб сўрадим.

— Жасур деган бир йигит-да, — дея жавоб берди.

— Жасур? Шокирбой деган кишининг ўгли эмасми, мабодо?

— Худди ўша, нима эди? — деди.

— Ўша йигит билан ҳам бир гаплашиб кўришим керак, — деб қурилиш материаллари билан савдо қиладиган магазинга йўл олдим. Суриштирсам, Жасур дераза шишалари сотадиган бўлимда ишлар экан. Сарикдан келган, ўрта бўйли, бақувват йигит кўринарди у. Жасур иш билан жуда банд экан. Эшик-дераза ойналари учун буюртма бериб кетилган ҳар хил рангдаги шишаларни ўткир олмоси билан шиғиллатиб ёғни кесгандик кесиб ташларди. Иши шунчалик кўплигидан бировга бурилиб қарашга фурсати етмасди. Бирдан унинг оёқларидаги оқ кроссовка диққатимни тортди. Бир қарашдаёқ унинг оёғи 40-размердалигига ишонч ҳосил қилдим. Оёқ ости эса турли хил рангли шишаларнинг майда зарралари билан тўлган эди. Ўғирлик содир бўлган жойда қолган кроссовка изларида шиша зарралари қаердан келиб қолганлигини энди тушундим. Бўлимга қайтсам, айбланувчи Қобиловнинг хотини мен билан учрашгани келган экан. Мен уни эрига қўлимдан келганича ёрдам бера-

ман деб тинчлантирдим. Шу ерда бир нарсани ойдинлаштириб олишим зарур эди.

— Агар эримнинг иши енгиллашсин десангиз, битта саволимга фақат тўғри жавоб беринг, синглим, — дедим. У майли дея рози бўлди.

— 21 ноябрь куни кечаси эрингиз Шодмон Қобилов уйда тунаганмиди? — дегандим аёл йўқ дегандай бош чайқаб:

— Янгиқишлоққа ўртогиникига меҳмонга, тўғрироғи, гаштакка кетганди, — деб жавоб қилди. Аёл кетгач дарҳол Қобиловни сўроққа чақиртирдим. — Мен сизга ёрдам беришга шунча ҳаракат қилсам-у, сиз менга нима учун бошидан ёлгон кўрсатма бердингиз? — деб уни койидим. 21 ноябрь куни, яъни ўғирлик содир этилган кеча уйингизда тунамаган экансиз-ку! — дегандим Қобилов ёлгон гапирганидан изза бўлиб, ерга қараб қолди.

— Ўша кеча Нуробод қишлоғидан бир чақиримча наридаги Янгиқишлоққа Акмал деган ўртогимникига гаштакка йиғилгандик, — дея тўғрисини тан олди у.

— Аввал бу гапни айтмаслигимнинг сабаби бор, албатта. Уларни ҳам ташвишга қўймай дегандим. Айтсам, уларни ҳам терговга чақириб, безовта қилиб ташлардингиз, — деди у.

— Ҳа, бўпти, қани айтинг-чи, ўша гаштакка Жасур ҳам борганмиди? — дея сўрадим ҳовуримдан тушиб. Қобилов ҳа дегандай бошини қимирлатди.

— Дракни пивога аралаштириб ичганим учунми, маст бўлиб ўша ерда ухлаб қолибман. Жасур уни безовта қилмай деб бир ўзи жўнаворибди, — деди Қобилов.

— Жасур билан ҳарбий хизматда бирга бўлгансиз-а, шундайми? Ўзи қанақа бола у? — деб сўрадим.

— Яхши ўртоқларимдан бири, нима эди? — деди у.

— Кўпдан бери магазинда шиша кесиб сотадими? — деб сўрадим.

— Бир йилча бўлиб қолди-ёв, — деди у.

— Аввал қаерда ишлаган? — деб сўрадим.

— Уйдагилари билан аразлашиб қолиб, геологларга қўшилиб, чўлма-чўл, тоғма-тоғ кон излаб, бир кетишда икки йилча қишлоққа қадам босмаган экан, — деди Қобилов.

— Ниманинг устидан аразлашиб қолган экан, билмайсизми? — деб сўрадим.

— Севмаган қизига уйлантиришмоқчи бўлишган эканмишми-ей, — дея чайналиб жавоб қилди Қобилов.

— Кап-катта йигитнинг ақлу фаросатини қаранг, — дедим гашим келиб. — Яхши кўрмаган қизига уйлантиришмоқчи бўлишса, боқиб катта қилган ота-онадан воз кечгандай, тоғма-тоғ, чўлма-чўл дайдиб кетворса-я?! Мажнун бўп кет-эй!

— Бундан бошқа яна бир жиддий сабаби бор экан-у, бироқ Жасур уни менга айтмаганди, — деди Қобилов.

— Шунақа денг. Хўп, майли. Қани, яхшилаб эслаб кўринг-чи, ўша куни Жасур меҳмондорчиликка туфли кийиб боргандими ёки кроссовка? — деб сўрадим.

— Нега энди кроссовка бўлар экан, — дея ҳайрон бўлди Қобилов. — Тошкентдан бирга харид қилган меникига ўхшаган малла ранг янги туфлисини кийиб боргани аниқ эсимда.

Қобиловни олиб кетишгач, Жасурнинг ота-онаси-дан аразлаб, икки йилча қишлоқдан кетиб қолишининг яна қандай жиддий сабаби бўлиши мумкин дея ўйланиб қолдим. Тўхта-тўхта, балки бу жиддий сабаб от бўлса-чи?! — деган ўй келди бир маҳал калламга. Бу бир тахмин эди, албатта. Буни текширишни сал кейинга қолдириб, магазинга йўл олдим. Биласиз-ку, бизнинг ишимизда айбни исботлаш учун инкор қилиб бўлмайдиган ашёвий далиллар керак бўлишини. Шундай ашёвий далилни қўлга киритиш учун айни тушликка чиқар маҳали Жасур ишлайдиган магазинга етиб бордим. Жасур кийимларини алмаштириб, ҳатто оёқ кийимнинг ҳам бошқасини кийиб қаёққадир чиқиб кетаётган экан. Магазинда унинг шериги ёлғиз қолди. Энди нима қилсам экан деб тургандим, шу пайт магазинга шиша олувчи икки-уч киши кириб келиб, шишаларни танлашга тушиб кетишди. Сотувчи улар билан банд бўлиб турганида, унга сездирмай, лип этиб магазин ҳовлисига ўтиб олдим. Кийимларни алмаштириш хонаси ҳовлисидаги ҳар хил шишалар тахланган омбор ёнида экан. Бу ерга бегоналар кириб чиқмагани учунми, ўша хонанинг эшиги очик турган экан. Излаб келган нарсам, ўша кроссовка жойида турганидан мамнун бўлиб, уни тезгина сеткага солиб жуфтакни ростладим. Тушликдан кейин Жасурни терговга олиб келиш учун одам юбордим. У ўзини ҳеч нарса билмагандек, бамайлихотир тутиб кириб келди.

— 21 ноябрь кечаси қаерда эдинг? — деб қовоғимни уйганча савол бериб, унинг оёқларига разм солдим. Қаранг, унинг ҳам малла ранг туфлиси алмашиб қолган экан. Ўнг ва чап пойларининг юзасидаги ингичка безаклар худди Қобиловникига ўхшаб турлича эди.

— Уйда эдим, гувоҳларим бор, — дея саволимга бирдан ёлгон жавоб қайтарди Жасур.


— Шодмон Қобилов деган одамни танийсанми? — дея иккинчи саволни бердим.

— Унчалик яхши танимайман, — дея яна ёлгонлади у бепарволик билан.


Бирдан жаҳлим чиқиб:

— Кимни лақиллатмоқчи бўляпсан, эй бола? — дедим сал газаб оҳангида. — 21 ноябрь куни кечқурун Шодмон Қобилов билан бирга Янгиқишлоққа Акмал Салимовникига гаштакка боргансан-ку! Нима, улфатларинг билан юзлаштирайми? Утиришда Шодмонга араққа пиво аралаштириб ичириб, қаттиқ маст қилганинг ҳам эсингда йўқми ҳали?! Кейин унинг сариқ зажигалкасини олиб, қўшни қишлоқдаги Собир чўпоннинг отини ўғирлашга кетгансан! Чўпоннинг эшакдай келадиган иккита қўриқчи итини заҳарланган колбаса бериб ўлдиргансан. (Медэкспертиза колбасага тезда кучли таъсир қилувчи калий цианид қўшилганини аниқлаб берганди). Итларни тинчитгач, секин отхонага киргансан. Чўпоннинг ҳеч кимни ёнига йўлатмайдиган қайсар оти сендан ётсирамаган. Чунки бу от сизларникида катта бўлган эди-да. Шодмоннинг зажигалкасини от охури ёнига ташлаб, шу билан ўғирлик жиноятингни ўз ўртоғингга юкламоқчи бўлгансан. Ҳамма ишни сип-силлиқ бажаргансан-у, аммо бир жойда катта хатога йўл қўйгансан. Меҳмондорчиликка туфли кийиб бориб, ўғирликка эса кроссовкада боргансан. Унинг изларини отхона ва унинг атрофида қолдириб келгансан.

Шундай дея боя олиб келган кроссовкани сеткадан чиқариб унга кўрсатдим. Жасур ўзининг кроссовка-



сини кўлимда кўриб нима деярини билмай, бақрайиб қолди. “Кроссовкангнинг тагига иш жойингдан ёпишган шиша зарралари ўгирлик қилган жойингда ҳам тушиб қолган экан”, — деб инкор қилиб бўлмас далил келтирдим. “Сен Акмалникидан чиқаётганинда, яна битта хатога йўл қўйгансан. Оёгингдаги туфлингга бир назар сол-чи! Шодмоннинг туфлисига ўхшагани учун кетишда унинг бир пойини алмаштириб кийиб кетгансан. Туфлингнинг юзасига яхшилаб қара, безаклари икки хил-а, шундай эмасми?! Бу сенинг 21 ноябрь куни Янгиқишлоққа Акмал Салимовникига борганинга бир далил. Иккинчидан, қанчалик эҳтиёткорлик қилмагин, Шодмоннинг зажигалкасида сенинг ҳам бармоқ изларинг қолган. Биласанми, сенга учта айб қўйилади: биринчиси — жониворларини заҳарлаб ўлдириш; иккинчи асосийси — от ўгирлаш; учинчиси — бегуноҳ кишига ўз жиноятингни юклаш. Менга қолса, хизматдош дўстига хиёнат қилиш деган тўртинчи айбни ҳам қўшар эдим!” — дедим. Жасур ўша куни кроссовкани сеткага солиб, ўзи билан ўша ёққа олиб борган экан. Кейин терговда маълум бўлишича, Жасурнинг ота-онасидан аразлаб кетиб қолишининг жиддий сабаби: отаси у яхши кўрган отни Қодир чўпонга сотиб юбориши бўлган экан. Қаранг, орадан икки йил ўтса-да, от уни танибди-я! У отни уйига олиб бормаи, бошқа қишлоқдаги бир ошнасиникига яшириб қўйган экан. Шундан кейин Шодмон Қобилоннинг уйига телефон қилиб, келинга: “Эрингизнинг кийимлари кир бўлиб кетибди, ювилган тозасини олиб келинг”, — дея тайинладим. Келин шўрлик синиқ товушда: “Қутулиб чиқишларига умид борми?” — деб сўраганди: “Иш ижобий томонга силжияпти, яхши янгилик бўлиб қолиши мумкин”, — дея уни хо-



тиржам қилдим. Кейин прокурорга Қобиловнинг айб-
сизлигини исбот қилиб бергандим, унда уни қўйиб
юборинг дея рухсат берди. Қобилов хотини келтирган
тоза кийимларни камерада алмаштириб чиқиб келди.
“Биз ҳақиқий жиноятчини қўлга олдик. Сизнинг айб-
сизлигингиз исбот қилинди, энди озодсиз. Уйингизга
кетаверишингиз мумкин,” — дегандим Қобиловнинг
бирдан ранги ўзгариб, қувонганидан кўзлари чақнаб
кетди. У ҳаяжонланганидан қулт этиб ютинди-да:
“Сиз ростданам ҳалол одам экансиз! Раҳмат сизга,
ака!” — дея менга мамнун қўл узатди.

2008 йил


ҚИССАЛАР

БРИЛЛИАНТ УЗУК СИРИ

ЯЛТИРОҚ ТОПИЛДИҚ

70

Комил Умар шогирди Сардор билан профессор
Азим Қурбоновнинг дала ҳовлисига етиб келганла-
рида соат ўн бирлар бўлиб қолган эди. Комил Умар
профессорнинг жияни Санжар билан яқин дўст эди.
Улар туғилган кунлари билан бир-бирларини бир кун
аввал қутлаб қўйишга одатланган эдилар. Эртага Сан-
жарнинг таваллуд куни. Бу гал Комил Умар шогир-
дини олим дўсти билан таништирмоқчи бўлган эди.
Атрофи қора темир панжара билан ўралган сердарахт,
баҳаво дала ҳовлининг эшиги негадир ярим очиқ ҳол-
да турарди. Комил Умар ҳовлига киргач, меҳмонни
олдинга ўтказиб, эшикни ёпаётганди, шундоқ оёқ ос-
тида, майсалар орасида ялтираб ётган ҳажми ёнғоқча
келадиган қандайдир шаффоф шишачага кўзи тушди.



Этиборини тортган ҳалиги нарсани шогирдига кўрсатмай, чўнтагига солиб қўйди.

ҚОПАҒОН ИТ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Энди икки-уч қадам босган эдилар ҳамки, бир пайт кутилмаганда қаёқдан келиб қолди сезмай қолишди, қўнғир тусли бақувват, катта овчарка ит қаттиқ хурганча улар томон шиддат ила отилиб қолса бўладими! Сардорнинг хаёли бошидан учиб, ўтакаси ёрилаёзди.

— Оббо, куппа-кундузи итни боғлаб қўйса, бўлмасмикин-а! — дея аламли хўрсинди Комил Умар. Бир қадам ҳам жилолмай, ранг-қутлари ўчганча ўрниларида қотиб қолишди. Ит шу келишда бир сакраб, икковларини ҳам йиқитиб, гажиб ташлаши ҳеч гап эмас эди-да, ахир!

Юраклари қинидан чиқаёзган шундай қалтис вазиятда муқаррар фожиадан асраб қолувчи нажоткор ҳуштак ва “Рекс! Рекс! Уларга тегма! Тез изингга қайт!” деган овоз эшитилиб, бечораларнинг жонларига оро кирди. Сардор беихтиёр овоз келган томонга нигоҳ ташлади. Қаршиларидаги гиштин баланд бинонинг ойнаванд эшиги олдида ҳомуза тортганча қора шоҳи халатининг белбоғини эринибгина боғлаётган жингалак сочли бир йигит турарди. Важоҳат билан келаётган ит эгасининг буйруғини эшитиши заҳоти таққа жойида тўхтади-да, гингшиганча аста изига қайтди. Санжар келаверинглар дегандай имо қилди-да, жилмайганча ичкарига кириб кетди. Афтидан у ҳозиргина уйқудан турганга ўхшар эди. Эгаси йўғида ит яна ташланиб қолмасин деган хавотирда бино томон тезгина юрдилар.

УЙҚУЧИ БИЛАН СУҲБАТ

Санжар дарров ювиниб чиқди-да, меҳмонлар билан хижолатомуз кайфиятда кўришиб, олдиларига дастурхон ёзди.

— Одам деган ҳам соат ун биргача ухлайдими, ахир? — дея уни сал койиган бўлди Комил Умар.

— Ўзим ҳам билмайман, дўстим ҳеч бундай донг қотиб қолмасдим, тўғриси, — дея баттар хижолат тортиб, Сардорга чой узатди Санжар.

— Ҳатто меҳмоннинг қандай кетиб қолганим эсимда йўқ ҳозир. Соат тўрт яримларда бир уйғонсам, кийимларимни ечмай, диванда чўзилиб ётибман. Бошим карахт. Аранг ечиниб, тагин таппа ташлабман.

— Кеча меҳмоннинг бормиди, ошна? — дея қизиқсинди Комил Умар.

— Роса тўйиб ичгандирсизлар бўлмаса?

— Ичадиган эркак киши эмас, — уялинқираб жавоб қилди Санжар. — Бир танишим — Лайло деган таржимон қиз келувди.

— Сал дадиллашибсанми? Ёмонмас-ку, а? — дея қувлик ила илжайди Комил Умар. — Дидингга мос, яхшигина қизми, ишқилиб?

— Нима десам, ёқимтойгина, самимий қиз экан.

— Ёққан бўлса, айти муддао-ку, унга уйланиб кўя қол-да. Бу туришда қачонгача сўққабош юрасан, ахир?! Анчадан бери танишмисизлар ўзи?

— Танишганимизга бор-йўғи икки ҳафтача бўлди-да. Юриш-туриши, феъл-атворини, авлод-аждодини яхши билмасдан туриб, қандай қилиб дарров уйлана

оламан унга? Ўзинг айтгансан-ку, яхшилаб суришти-
риш керак деб.

— Шунчаки бир таниш дегин бўлмаса, — дея
қўлларини кўксига чалиштирганча хўрсинди Комил
Умар.

— Унда нега уни дарҳол амакингнинг хилват ҳов-
лисига етаклаб келдинг? Тагин кечаси-я! Бежизга
бўлмаса керагов, а? Шошма, тагин анавинақа, тунда
шаҳар кезадиганлардан бўлиб чиқмасин-а?

— Э йўғ-э, нималар деяпсан? Унақалардан эмас —
дея дарҳол ишонч ила эътироз билдирди Санжар.

— Айтдим-ку, у таржимон деб. Илмий ишим
учун интернетдан баъзи маълумотлар олиш мумкин
дейишганди. Аммо улар инглиз тилида экан. Яхши
таржимон излаб юрувдим. Лайло кафедранизга бир
иш билан келиб, танишиб қолдик. Жаҳон тиллари
университетини шу йил битирган экан. Ҳозир ўша
ерда ўқитувчилик қилар экан. Беш-олти кун учра-
шиб, гаплашиб юрдик. Таржима ҳақида сўз очгандим,
жон-жон деб ёрдам беришга рози бўлди. Хуллас, уни
кеча шу ерга таклиф қилдим. Орамизда ҳеч қандай
ортиқча гап-сўз бўлгани йўқ, ишон, дўстим. Анави
хонада ўтириб, амакимнинг компютерида керакли
маълумотлардан баъзиларини таржима қилдик, холос.


— Бўлгани фақат шуми?

— Кейин гурунглашиб, овқатланиб, бир оз коньяк
ичдик.

— Бу ёғи зўр бўпти-ку, а!

— Компьютер олдида ўтириб, роса толиққан экан-
манми, кейин мени жуда қаттиқ уйқу боса бошлади.

— Ҳм, тушунарли ҳаммаси.



— Детективсан-да, дарҳол ҳаммадан шубҳаланасан. Аммо Лайло сен ўйлаганчалик эмас, ошна. У — жудаям ақлли, лобар қиз. Ҳозир сенга унинг суратини кўрсатаман. Кеча ташлаб кетувди.

СУРАТ ВА ДИСКЕТНИНГ ЙЎҚОЛИШИ

Амакисининг кабинетига кириб кетган Санжар икки дақиқалардан кейин бир нарсадан қўрққандек ранги оқарганча чиқиб:

— Йўқолибди, — деди ҳаяжон ва ҳайронлик ила овози титраб.

— Нима, суратми? — чимирилиб сўради Комил Умар.


— Сурат ҳам, дискет ҳам, — дея асабий алпозда тўзиган сочларини секин чангаллаб тушкунлик ила курсига ўтириб қолди Санжар.

— Кўнгилдагидек чиройлироқ тушмаган бўлса, яхшироғини бераман деб, суратини қайтариб олиб кетгандир, шунгаям шунча қайгуришми энди? — дея дўстига тасалли берди Комил Умар.

— Орқасига: “Лайлодан бир умрлик эсдалик” деб ёзиб берган чиройли расми эди, — дея тушкун овозда шивирлади Санжар.

— Одам бир умрга эсдалик деб берган нарсасини шу кунгек қайтариб олиб кетмаса керак, менимча, — дея бу ерда бир гап бор деган оҳангда суҳбатга аралашди Сардор.

— Сурат-ку майли-я, аммо дискет йўқолиши мумкинмас! — дея зорланиб хитоб қилди Санжар.



— Қандай дискет? Бундай тушунтириброқ гапирсанг-чи? — дея ажабланиб ўрнидан турди Комил Умар.

— Амакимнинг ўн беш йиллик илмий изланишлари ёзилган дискет.

— А-а?! — қулоқларига ишонмай, ҳайрат билан дўстининг ёнига ўтириб қолди изқувар. Бу ёғи чатоқ-ку, дегандай бирпас иягини ишқаб, сўнг секин сўради: — Амакинг нималар тўғрисида илмий изланиш қилаётгандилар, ўзи?

— Мия ракига қарши янги препарат кашф этаётгандилар.

— Тиббиётдаги оламшумул янгилик экан-ку! Бу ҳазил гап эмас, ахир! — дея эътироф этди Комил Умар.

— Илмий изланишлар компьютер хотирасида бўлса, уни бошқа бир дискка кўчириб олиш унча мушкул иш эмас, менимча, — дея уларни хотиржам қилмоқчи бўлди Сардор. Санжар бир нима эсига тушгандек ирғиб ўрнидан турди-да, амакисининг кабинетига кириб кетди. Беш дақиқалардан кейин ичкари хонадан бешбаттар тушкун кайфиятда чиқиб, шалвираганча диванга ўтириб қолди. Комил Умар ҳа, нима гап, тинчликми дегандай қошини кўтариб имо қилган эди Санжар:

— Амакимнинг ёзувлари ҳам компьютердан ўчиб кетибди, — дея жавоб қилди титраган овозда.

— Буёғи қизиқ бўлди-ку, — дея тагин иягини ишқаб ўйга толди Комил Умар.

— Маълумотларни ким ўчириши мумкин? — дея яна гапга аралашди Сардор. Санжар билмасам дегандай секин елка қисиб қўйди.

— Ўша дискет йўқолмаганда ундаги маълумотларни компьютерга қайта жойлаб қўйса бўлар эди, — дея умидвор мингирлади Санжар.

— Хўп, шунчалик ноёб диск экан, уни сейфгами ё бирон-бир жавонгами беркитиб кетмаган эканлар-да, а? — дея афсус билан бош чайқади изқувар.

— Биласанми, амаким менга ўзларига ишонгандай ишонардилар. Ҳамма нарсани шундоқ очиқ ташлаб кетардилар. Мен бўлсам, у кишининг ишончларини оқлай олмадим. Эҳ, энди амакимнинг юзларига қандай қарайман-а?!

ПАРОЛЛАНГАН ДИСКЕТ

— Ўша — кечаги меҳмонинг Лайло амакинг ҳақида ҳеч суриштирмаганмиди? — дея сўроққа тутди Комил Умар. — Мабодо, бу тўғрида ўзинг унга сўз очмаганмидинг?

— Тунов кунлари бир-икки бор сўраганда, муж-малроқ жавоб бергандим, — дея истар-истамай сўз қотди Санжар.

— Кеча сўраганида, мен галварс кайф устида амаким яқинда Нобель мукофотини оладилар деб алжирагандим.

— Бундан чиқади, Лайло амакингнинг кашфиётларидан хабардор экан-да? — деди ўйланиб изқувар. Санжар бунга жавобан ҳа, худди шундай, дегандай бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

— Ҳозир амакинг қаердалар? — Санжарнинг елкасига қўл қўйиб ҳамдардона оҳангда сўради Комил Умар.



— Дубайга саёҳатга кетганлар. Беш кундан кейин келадилар, — дея сўниқ овозда жавоб қилди Санжар.

— Ҳали анчагина вақт бор экан. Амакинг келгунларича дискетни топишга ҳаракат қиламиз. Қани, тушкунликка тушмай тур-чи ҳозир. Яна бир марта яхшилаб қидириб кўрайлик-чи, балки топилиб қолар, — деди Комил Умар Санжарнинг билагидан тортиб. Профессорнинг кабинетига Комил Умар Санжарни яна сўроққа тутди.

— Амакингнинг дискетини Лайлога кўрсатганмидинг?

— Ҳа, нима эди?

— Дискетнинг бирор жойида ё қутисидами бирор белги, исм-шариф ёзилганмиди?

— Йўқ эди, чамамда.

— Йўқолган дискет биронта дискетга айнан ўхшармиди?

— Ҳамма дискетлар уст қисмидаги рангини ҳисобга олмаганда бир-бирига жудаям ўхшайди, албатта. У меникига жуда ўхшарди. Икковиниям уст қисми яшил рангда эди.

— Дискетни компьютерда тезда ўқиса ё ундан нусха кўчирса бўладими?

— Бу мумкин эмас. Иккаласи ҳам махсус пароль билан беркитилган.

— Лайлога паролни айтганмидинг?

— Аниқ эсимда: у бу тўғрида сўрамаганди. Паролни ўлсам ҳам айтмасдим.

— У ўша дискетни компьютерга қўйиб кўрганмиди?

— Йўқ, шунчаки қизиқиб қўлига олиб кўрганди. Компьютерни ишлатишга унча уқуви йўқ экан.

— Шошма, амакингнинг маълумотлари ўша дискетда эканлигини Лайло қайдан билади?

— Лайло мабодо маълумотлар компьютердан ўчиб кетса, нима бўлади деганида мен ҳаммаси манави дискетга ёзилган, компьютерга қайта кўчириб қўямиз деб мақтангандим.

— Э, шунақами ҳали?

— Менимча, Лайло деганингиз компьютерни яхшигина тушунадиган кўринади, — дея фикрини билдирди Сардор Маҳмуд.

Комил Умар жилмайганча:

— Жуда соз, дўстим, — деб қўйди.

— Нимага қувоняпсан? Мен хароб бўлаяпман-ку, ахир!

— Лайлонинг паролни билмаганига хурсандман-да. Шундан кейин кабинетни ўн дақиқалар обдан текшириб чиқишди. Афсуски, сирли дискетнинг йўқолгани рост бўлиб чиқди.

— Кеча итингиз Лайлога ҳам худди бугун бизга югургандек ташланганмиди? — дея қизиқсиниб сўради Сардор Маҳмуд.

— Ҳа, ҳа худди шундоқ бўлганди. Агар мен ёнида бўлмаганимда, қошиб олиши аниқ эди. Мен эшикни ёпгунимча Лайло уч-тўрт қадам босиб қўйганди-да. Рекс унга шундоқ отилдики, бечора қизнинг нақ ўта-каси ёрилаёзди.

Санжарнинг жавобидан сўнг Комил Умар бир оз ўйланиб турди-да:

— Қизиқ, унда сен ухлаб ётганингда Лайло бундай қопагон итнинг ёнидан қўрқмай ўтиб, бу ердан қандай чиқиб кетди экан-а? Ё Рексни боғлаб қўйганмидинг?

— Кечаси Рекс доимо ечиқ ётади. Кеча кечаси ташқарига чиққанимни эслолмайман ҳам, — дея елкасини қисиб жавоб қилди Санжар.

— Ростданам ажабланарли ҳолат-а? — деди диққати ошиб Сардор.

— Бу ерда ҳали биз билмайдиган қандайдир жумбоқ, ғалати бир сир борга ўхшамаяптими?

ЛАЙЛО БИЛАН СЎЗЛАШУВ

Комил Умар Сардорнинг фикрига қўшилиб, тўғри деб бош ирлаган ҳамоно телефон жиринглаб қолди.

— Эҳтимол, бу Лайлодир, — деди изқувар жонлашиб. — Менга қара, ростданам у бўлса, ўзингни қўлга олиб, гўё ҳеч нима билмагандек хотиржам гаплаш.

Бу Сардорга ҳам жуда маъқул бўлган телефонлардан эди. Сизга қўнгироқ қилган кишининг телефон рақами тезда экранчада пайдо бўлар, овози ҳам аппаратдан баралла эшитилиб турарди. Яна бир хислати: қўнгироқ қилган кишининг овозини бемалол ёзиб олса бўларди. Комил Умар ён дафтарчасини чиқариб, Санжар айтиши лозим бўлган баъзи гапларни тез-тез ёза кетди. Санжар чуқур хўрсиниб, нафасини ростлади, да, гўшакни кўтарди. Телефондан бир қизнинг:

— Алло, Санжар ака, ўзимсиз, ассалом, — деган қувноқ ва ёқимли овози эшитилди.

— А-а... Лайлохон, ва алайкум, қалай, кеча яхши етиб олдингизми? — деди унга жавобан Санжар.

— Кечаси яхши ухладингизми, ишқилиб?



— Тошдек қотиб қолибман, боя турдим. Ҳалиям кўзларим юмилиб кетяпти.

— Коньяк сизга ёмон таъсир қилар экан-а?

— Уйғотмасдан кетиб қолибсиз. Кузатиб қўёлмаганимдан хижолатдаман, Лайлохон.

— Роса уйқучи экансиз-ку, шунча турткиласам ҳам миқ этмадингиз.

— Сиздан сал хафаман, Лайлохон. Эсдаликка берган расмингизни дарров олиб кетибсиз-а?!

— Мени кечиринг, жон Санжар ака, буни қандай бўлганини ўзим ҳам билмайман, тўғриси. Эрталаб сумкамга қарасам, сурат ичида турибди. Жуда ҳайрон бўлдим ўзи. Қогозларни йигиштираётганимда, аралашиб кириб қолган бўлса керак-да. Хафа бўлманг, ўша сурат сизники, Санжар ака. Уни, албатта, сизга қайтараман.

Комил Умар ён дафтарчасидаги ёзувни Санжарга кўрсатиб, энди мана бу гапларни айтгин дея ишора қилди. Санжар хўп дегандай кўзларини юмиб олди-да:

— Кеча ташқарига чиққанингизда, Рекс тишлайман деб қўрқитмадими, ишқилиб? — дея сўради.

— Сал қўрқитса-да, йўлини қилиб, бир амаллаб чиқиб кетдим-да.

— Бир келмайсизми, таржимани давом эттирмаймизми?

— Бугун вақтим йўқроқ-да, Санжар ака. Ҳозиргина дарсларим тугади. Тушдан кейин редакция ва нашриётларга боришим керак.

— Шунақа денг? Одамни хафа қияпсиз, Лайлохон.

— Кейин ҳалиги итингиз юрагимни ёраёзди кеча. Одам сизникига боришга ҳам кўрқиб қолди.

— Ҳеч чўчимай келаверинг. Бугун ит сизга тегмайди. Ўзим эшик олдига чиқиб тураман. Сиз келгунингизча мабодо ухлаб қолсам, кечаги усулингизни кўллаб, Рекснинг ёнидан ўтиб уйга бемалол кираверинг, хўпми?

— Э, у усулни қайта кўллашга юрагим дов бермайди-да.

— Бир марталик экан-да, а?

— Ҳа, шунақароқ.

— Чиқишда, дарвоза олдида бир нарсангизни тушириб қолдирибсизми? — деди Санжар ён дафтардаги ёзувга қараб, нима деяётганига ўзи ҳам тушунмай.

— Офтобда товланишини қаранг. Жаа-а қимматбахона нарса экан шекилли?

— Вой, сиз топиб олдингизми уни? — дея саросималанган овозда сўради Лайло.

— Қаерда йўқотиб қўйдим деб кечадан буён бошим қотиб турувди, ўзи. Раҳмат сизга, Санжар ака.

Санжар ҳам, Сардор ҳам нима ўзи у деган саволмуз нигоҳ билан Комил Умарга боқишганди, у имо билан дафтарчадаги гапни тез айт деб ишора қилди.


— Эртага соат ўнларда “Маржон” қаҳвахонаси ёнида учрашсак нима дейсиз, Лайлохон?

— Майли, мен розиман, Санжар ака.

— Омонатингизни ўша ерда мендан оласиз.

— Хўп, майли, учрашгунча омон бўлинг.

Комил Умар экранчадаги телефон рақамини тезгина ёзиб олди. Алоқа бўлимига қўнгироқ қилиб, рақам қаерники эканлигини суриштирди. Рақамлар Жаҳон



тиллари университети англиз тили факультетига тегишли эканлигини билдиришди.

РЕКСНИНГ ЮВВОШ ТОРТИШИ

— Э, менга қара, ростдан ҳам эшик олдидан бирон нарса топиб олдингми ўзи? — бир оз ҳайрон бўлиб сўради Санжар изқувардан. — Ҳалиги қимматбаҳо нарсанг нима эди ўзи у?

— Ишинг бўлмасин, кейин биласан, — дея бепарволик билан жилмайиб ташқарига чиқиб кетди Комил Умар. Сардор ит унга ташланиб қолмасмикин деган хавотирда деразадан қараб турар эди. Рекс уни кўргани ҳамано қулоқларини диккайтирганча ириллаб кела бошлади. Комил Умар чўчимасдан ит сари аста юриб, чўнтагидан боя келишда дарвоза олдидан топиб олган ўша кўкимтир шишачани чиқариб, унга тутди. Офтобда ярқираган шишачага кўзи тушиши билан ит гўё сеҳрлангандай ириллашдан тўхтаб, бирдан юввош тортганча жойидан жиллолмай қолди. Изқувар унга яқин бориб, бошини ва баданларини силаб эркалатган бўлди. Бундан ийиб кетган Рекс ўткир сўйлоқ тишлари орасидан узун тилини чиқарганча секин ҳансираб, ўтлоққа чўзилиб ётиб олди.

— Шундоқ қопағон кучукни қандай қилиб ҳовуридан туширдингиз? — ажабланиб сўради Сардор Комил Умар ичкарига қайтиб киргач.

— Гипноз қилдим-да, — дея кулиб қўйди изқувар.

ҚАДАҲНИНГ ТЕКШИРИЛИШИ

Санжар боши қотганча ўшандоқ тушкун кайфиятда хомуш ўтирар эди. — Кўп сикилаверма, ҳаммаси

жойида бўлади, — дея тасалли берди Комил Умар дўстининг елкасини силаб қўйиб. — Эртага соат тўққизларда тайёр бўлиб тур. Сени ўзим олиб кетаман. Ҳа, айтганча, кеча қайси рюмкада коньяк ичгандинг ўзи?

Санжар чинниворлар турган жавондан яримланган коньяк шишаси ёнида турган тагида озгина ичимлик юқи қолган биллур қадаҳларни олиб, дўстининг олди-га қўйди-да:

— Қай бирида ичганим эсимда йўқ, — деди қово-гини очмай. Изқувар идишларни целлофан ҳалтачага жойлаб, чўнтагига солиб, ўрнидан турди. Сардорни шу тобда икки нарса қизиқтирар эди. Кеча Лайло-нинг Рекснинг ёнидан омон чиқиб кетиши-ю, бугун боягина Комил Умарнинг бир зумда итни юввош қи-либ қўйиши. Комил Умар калаванинг учини сал топ-магунча, ҳадеб савол берувчиларни ёқтирмас эди. Шунинг учун Сардор йўлда унга савол бермай жим кетди. Изқувар Санжардан олган қадаҳларни тек-ширтиргани судмедэкспертизага олиб борди. лабора-ториядаги мутахассислар қадаҳларнинг бирига кучли таъсир қиладиган уйқу дори солингани ҳақида хулоса беришгандан кейин изқувар:

— Санжарнинг кеча бунчалар қотиб ухлаганининг сабаби энди ойдинлашди, — деди ўйланиб.

— Бу Лайло деганлари анойи қизга ўхшамаяпти. Бу ерда қандайдир жиддий бир гап бор, шекилли?

ЛОМБАРДГА САЁҲАТ

— Энди нима қиламиз? — кўчага чиққач ичи қизиб сўради ёш изқувар устозидан.

— Ломбардга борамиз, — дея уни ажаблантирди Комил Умар.

— Очиқроқ сўзласангиз-чи, нима қиламиз у ерда?

— Бриллианг узуклар-у, балдоқларни томоша қилиб, кўнгилни бир ёзиб келайлик, ёш дўстим, — дея қувноқлик ила жавоб қилди изқувар.

— Бунинг дискетнинг йўқолиши билан боғлиқ сирли ишга алоқаси борми?

— Албатта, калаванинг бир учи шунга боғлиқ.

— Яхши. Бўлмаса кетдик.

84
Ломбардда олмос-у, олтинлардан ясалган узуклар, балдоғ-у, кўзни оладиган ҳар хил тақинчоқлар беҳисоб экан. Сардор кўзлари қувнаб, роса ўн беш дақиқалар бу инжа санъат намуналарини томоша қилди. Комил Умар ломбард директори билан муҳим масала юзасидан гаплашгани ичкарига кириб кетганди. Директор унинг синфдош дўсти эди. Шу боис унинг ишини ижобий ҳал қилиб берди. Комил Умар ичкаридан жилмайиб чиқиб, кетдик дегандай Сардорнинг енгидан секин тортди.


— Энди қаерга? — кўчага чиқишгач хотиржамлик билан сўради Сардор.

— Бугунги саргузаштларимизга ҳозирча шу ерда нуқта қўйиб турамиз-да энди, дўстим, — дея енгил тин олди Комил Умар. — Ломбардга нима мақсадда келиб, директор билан нималар тўғрисида гаплашганимни бугунча сиздан сир тутаман, хафа бўлмайсиз-да, а? Тахминларимни яхшилаб текшириб чиқмагунимча шундай қилмасам бўлмайди. Сиздан бир илтимос, ука: бу ҳақда ҳозирча ҳеч кимга оғиз очмасангиз, хўпми? Сардор хўп дегандай бош қимирлатиб қўйди. Бўлимга

қайтишгач, Комил Умар бошлиғи подполковник Ад-хам Қаҳҳоровга бугунги бўлган ғалати ҳодиса ҳақида маълумот бериб, бу тўғрида жиноий иш очиб, Лайло-ни кузатишга рухсат беришни сўради. Подполковник ҳам бу ишга қизиқиб қолиб, суриштиришга рухсат берди.

УЗУКНИНГ ҚАЙТАРИЛИШИ

Эртасига тайинланган вақтда Комил Умар Сардор билан Санжарникига боришиб, учовлон “Маржон” қаҳвахонаси томон йўл олишди. Комил Умар йўл-йўлакай Санжарга: “Гап орасида Лайлога бир дўстимнинг номзодлик иши ёзилган дискетини йўқотиб қўйдим. Уша куни амакимнинг дискетлари билан столда турганди. Икки кундан бери роса излаб тополмаяпман. Амакимники жойида турибди-ю, дўстимники йўқ. Мабодо, ўтган куни қоғозларга аралашиб, расмингиз билан бирга сизникига кетиб қолмадимикин? Маълумотлар махсус пароль билан беркитилган. Бари бир ундан ҳеч ким фойдалана олмайди”, — дейсан дея тайинлади. Санжар тушундим дегандай бош қимирлатгандан сўнг изқувар унга сирти майда тешик-тешик қўнғизсимон бир нарса бериб: “Буни билдирмай, эҳтиёткорлик билан сумкасига солиб қўйишинг керак”, — деди. Санжар ажабланиб: “Бу нима ўзи?” — дея сўрагани, изқувар: “Бу “жучок” — эшитиш мосламаси, микрофонга ўхшаган нарса. Биз машинада туриб, гапларингизни тинглаб турамиз, тушундингми энди?” — дея жавоб берди. “Ҳа айтганча, мана буни унинг қўлига бер”, — деди Комил Умар дўстига катта шаффоф оломос кўзли узукни бериб. — Бу унинг ке-



ча дарвоза олдида тушириб қолдирган ноёб нарсаси. “Бриллиант узукми?” — дея ҳайратланди Санжар. — Жуда қиммат турса керак-а?” “Ҳа жуда қимматбаҳо. Эҳтиёт бўл, ерга тушириб қўйма, қара, жудаям ноёб ва нозик нарса-я!” — дея таъкидлади изқувар. Кеча Санжар телефонда Лайло билан сўзлашаётганда, изқувар: “Дарвоза олдида бир нарсангизни тушириб қолдирибсизми?” деган гапни айттирганда мана шу узукни назарда тутганлигини Сардор Маҳмуд шундагина фаҳмлаб етди.

98

Машинани “Маржон” қаҳвахонасидан эллик қадамлар берида тўхтатиб, Санжарни туширишди-да, қани, бу Лайло деганлари қандай қиз экан ўзи, дея қизиқиш ила унинг ортидан кузата бошлашди. Қаҳвахона яқинидаги эман дарахти ёнида қора чарм плашли, кўзлари катта-катта, хушрўйгина бўйчан бир қиз атрофга аланлаганча кимнидир бетоқат кутиб турарди. Санжар тўғри унинг олдига борди. Қиз уни кулиб қаршилади. Демак, Лайло шу қиз экан. Санжар соатига қараб, сал кечикканига узр сўради. Қизнинг сумкасини қўлидан олиб, елкасига илди-да, қўлтиқлаганча уни қаҳвахона ичига бошлади. Комил Умар машинани секин ҳайдаб, қаҳвахонадан беш қадамлар берида тўхтатди. Орқа ўриндиқда жиддий ўтирган Сардорга бошлаймизми дея имо қилганди, лейтенант тиззасига қўйиб келаётган қора дипломатчанинг қоғогини очиб, бурчагидаги икки қаричлик антеннасини чиқарди-да, тугмачаларни босиб, мурватларини буради. Бу овоз қабул қилиб, эшиттириб, ёзиб олувчи махсус мослама эди. Сал ўтиб, Санжар қизнинг сум-

касига “жучок”ни солиб қўйди шекилли, мосламадан уларнинг овозлари аниқ-тиниқ эшитила бошлади:

— Мана узугингиз, Лайлохон.

— Вой, раҳмат сизга Санжар ака. Икки кундан бери қаерда тушириб қолдирдим деб роса ташвишга тушаётгандим.

— Совгами бу ё мерос?

— Нима десам, эски дўстлардан бири тугилган кунимга совға қилганди.

— Дўстингиз жаа-а бойвачча эканми дейман?

— Ҳа, шунга ўхшаганроқ. Касби заргар.

— Ўша куни қўлингизда узукни кўрмагандим-ку?

— Бармогимга сал катталиқ қилгани учун чўнтагимга солиб қўйгандим. Кўчага чиққач эса чўнтагимдан биров олиб қўймасин деб, қўлимга тақиб оламан. Ўша куни сизникидан қайтаётганимда, Рекс ортимдан ҳуриб чопганда, ҳовлиқиб югуриб, эшикнинг олдида тушириб қолдирибман-да.

Шундан сўнг Санжар хотиржамлик билан гап орасида Комил Умар йўлда ўргатганларни қистириб ўтди. Бу кутилмаган “қалтис” хабардан Лайло нафаси ичига тушиб кетгандек бирпас жим бўлиб қолди. Шўхчанлиги дарҳол ўзгариб, жиддий тортгандек бўлди.

— Уйни яхшилаб кўрай-чи, балки дискет ҳам сурагим билан бирга қоғозларга қўшилиб қолгандир. Агар топсам, уни дарҳол ўзим эртага уйингизга олиб бориб бераман.

— Энди ўзингиз яхши тушунасиз: бировнинг омонати эди-да, — дея таъкидлади Санжар.



— Бир соатдан кейин дарсим бор эди. Узр энди, Санжар ака. Эртага учрашамиз-а? — дея овозида бир оз саросима билан хайрлашди Лайло.

ЛАЙЛОНИНГ ИЗИДАН

Қаҳвахонадан чиқишгач, Санжар қизни метрогача кузатиб қўйди. У орқага қайтган заҳоти Лайло метрога тушмай, йўлнинг у томонига ўтиб, автобус бекати сари юрди. Санжар машинага чиққач: “Э, эсим қурсин, ҳалиги “жучок” ни қайтариб олмабман-ку”, — деди сал афсусланиб. “Эсингдан чиққани яхши бўпти. У ҳали бизга асқотиб қолиши мумкин”, — дея хотиржамлантирди Комил Умар бекатдаги қиздан кўз узмай. Лайло Жаҳон тиллари университети томон эмас, тамоман тескари йўналишга қатнайдиган автобусга чиқди. Уни кузатиб, автобус ортидан юришди. Икки бекатдан кейин изқувар машинани четга олиб, Санжарга: “Бу ёғига энди икковимиз кузатамиз. Сени кўриб қолиб, биздан шубҳа қилиши мумкин”, — дея уни кўчада қолдириб кетди. Лайло олти бекатдан кейин автобусдан тушиб, йўлнинг ўнг тарафидаги тўққиз қаватли уйларнинг орқа томонига секин йўл олди. Унга сездирмасликка ҳаракат қилиб кузатишни давом этишди. Орқада беш қаватли иккита уй ҳам бор экан. Лайло 52-уйнинг учинчи йўлагига бамайлихотир кириб борар эди. Комил Умар Сардорга кетдик дея имо қилди-да, машинадан тушишиб, қизнинг ортидан югуришди. Улар йўлакка киришганда, Лайло иккинчи қаватдан энди учинчига кўтарилаётганди. Изқувар: “Қиз қайси хонадонга киришини тез билиб келинг”, — дея уни тепага чиқазиб юборди. Лайло 4-қаватда-

ги 27-хонадон эшик қўнғирогига қўл узатарди. Сардор кетидан келаётганимни сезиб қолмасин деб, унинг ёнидан ўтиб, 5-қаватга кўтарилиб, тепадан уни кузата бошлади. Малла дермантин қопланган эшик секин очилиб, остонада кўк рангли спорт кийимли, қоп-қора сочли, қалин қошли, чўзиқ юзли, елкалари кенг, келишган, бўйчан қоматли киши кўринди. У Лайлони тезгина ичкарига киритиб эшикни ёпди.

ЭСИНГ ЖОЙИДАМИ, ҲОЙ ҚИЗЭ!

Сардор пастга қайтиб тушса, изқувар эшитиш моламасининг мурватчаларини бураб, Лайло билан ҳалиги нотаниш кишининг гапларини тинглашга ҳозирланиб турган экан.

Бирор дақиқалардан сўнг уларнинг овози аниқ-тиниқ эшитила бошлади.

— Ишлар қалай, Нажим ака? Дискетга киролдингизми, ишқилиб? — дея сўради Лайло енгил уф тортиб.

— Кечадан бери уриниб ётибман. Ҳеч иш чиқмаяпти. Паролни билмагандан кейин минг урин, бир пул-да ўзи, — деган норози овози эшитилди эркак кишининг.

— Бу туришда ишхонанинг компьютерини бузиб қўймасам гўрға эди.

— Кўп хавотир олманг, ноутбук ҳа деганда бузилаверадиган компьютер эмас. Аммо бу ёқда бошқа бир муаммо чиқиб турибди, Нажим ака, — деди Лайло хўрсиниб.

— Тагин қанақа муаммо? — ажабланиб сўради ҳалиги эркак.

— Менимча, бу бошқа дискет. Профессор Қурбоновники эмас, шекилли.

— Эсинг жойидами, ҳой қиз? Нималар деб бошимни қотираяпсан ўзи? Ким айтди сенга буни?

— Унинг жияни Санжар. Айтишича, амакисининг дискети жойида турганмиш-у, бир ошнасининг илмий иши ёзилган дискет йўқолиб қолганмиш. Бу дискет ҳам пароль билан беркитилган экан.

— Сен аниқ профессорникини олиб келдим дегандинг-ку!

— У ерда бир-бирига ўхшаш дискетлар бир нечта эди-да. Ўша куни биласиз: Санжарнинг кўнгли учун бир рюмка коньяк ичгандим. Бошим айланганиданми, шошганимданми дискетни адаштирган бўлишим мумкин.

— Мен ҳам айтдим бу дискетнинг очилиши мунча қийин бўляпти деб. Гап бу ёқда экан-да. Ҳмм, бўлмаса ишлар пачава-ку. Энди нима қиламиз?

— Эртага Санжарникига яна бир марта бориб келишимга тўғри келаркан-да.

— Ҳалиги ит бор-у, Рексиди оти? Ўшандан қўрқмайсанми?

— Қўрқишга қўрқаман-у, аммо иш пачава бўлгандан кейин бориш керак-да.

— Унда мен эртага сен билан бирга бораман.

— Э, нима қиласиз овора бўлиб?

— Зарурат бўлиб қолса, узугимнинг кучини бир синаб кўрмоқчиман.

— Ўша ваъда ўз кучида қолади-я, Нажим ака?

— Қайси ваъдани айтаяпсан, ўзи?



— Иш битгандан кейин узук сеники дегандингиз-ку ахир, дарров эсингиздан чиқибди-да, а?

— Эсимдан чиққани йўғ-у, сал хаёлимдан кўтарилибди, холос. Аввал ишни қойил қилиб, мижозни хурсанд қилайлик-чи, қизалоқ. Ундан кейин узук ҳам, “кўки” ҳам сеники. Узугимни йўқотиб қўйганинг йўқми, ишқилиб?

— Мени ким деб ўйлаяпсиз? Улибманми йўқотиб?

— Энди эҳтиёт бўлгин дейман-да, беш-ўн минглик нарса эмас-да.

— Бугунча тақиб турай, эртага у ёққа борганда оласиз, узугингизни. Ана плашимнинг чўнтагида турибди.

— Эҳ, дискетнинг алмашиб кетгани сал вақтимизни оляпти-да.

— Эртага профессорнинг ҳақиқий дискетини ҳам очолмасак-чи, унда нима қиламиз, Нажим ака?

— Нафасингни иссиқ қилсанг-чи. Профессорнинг дискети қўлга тушса, қандай бўлмасин уни очиб, ундаги маълумотларни интернет орқали мижозга жўнатишимиз зарур. Мабодо, пароли мураккаб бўлиб, очолмаган тақдиримизда, Америкага Жорж Смитга хабар берамиз. Дубайга профессорнинг олдига одам юборишиб, унга битта укол қилишса, паролни хаширдан қил суғургандай оппа-осон билиб олишади, вассалом.

— Ўлдириб қўйишмайдим, ишқилиб?

— Намунча ҳовлиқасан? Домла Қурбонов керакли одам-ку!

— Нега хавотирланмай ахир, биз унинг орқасидан анча-мунча фойда кўряпмиз-ку, тўғрими?

— Ҳа гапинг тўғри, Лайло. На илож табиат қонуни: гуруч ортидан курмак сув ичмаса бўлмайди-да. Ҳа бўпти, бу гапни қўя турайлик энди. Қорин ҳам пиёз пусти бўлиб кетди. Қани тур, бир овқатланиб келайлик.

— “Зарафшон” га олиб борасизми, Нажим ака?

— Уша жой жаа-а ёқиб қолганми дейман-а? “Зарафшон” га бўлса, “Зарафшон” гада, қани, бўл тезроқ.

КУЗАТУВ ДАВОМ ЭТАДИ

Эшик қулфининг ширқираб ёпилган товуши келган заҳоти Комил Умар машинадан чиқиб, олд капотни кўтариб қўйиб, шубҳа туғдирмаслик учун машина тuzатган киши бўлиб, бошини эгиб ўзича куймалана бошлади. Сал ўтиб, улар пастга тушишди. Сардор мўъжазгина фотоаппаратни ҳозирлаб, Лайло билан Нажимни икки марта ширқ этиб суратга олди. Нажим галати қараганча ёнларидан ўтиб кетди.

— Боя тепадан унчалик эътибор бермаган эканман: афт-ангори худди кино артистлардек эсда қоларли экан, — деб қўйди Сардор.

— Кузатаётганимизни сезиб қолмаса гўрга эди, — деди Комил Умар машинани ўт олдираётиб.

— Туришидан жиддий одамга ўхшайди-я, — деди Сардор.

— Қизиқ экансиз: жиддий бўлмаса, чет эл билан иш қилармиди? — деди изқувар ўйланиб. — Бу Жорж Смит деганлари ким бўлса энди?

— Бировларнинг илмини ўғирлаб, шунинг ортидан кун кўрадиганлардан биттасидир-да, — деди Сардор.

— Менга қаранг, қизнинг сумкасидан “жучок” ни улар уйга қайтмасдан бурун олишимиз зарур, — дея таъкидлади Комил Умар. — Агар уни топиб олишса, ишимизнинг пачаваси чиқиб, улар бирор жойга қочиб қолишлари мумкин.

— Митти микрофони қандай қилиб оламиз энди? — дея ажабланди Сардор.


— Улар “Зарафшон” да овқатланамиз дейишдими? — деди изқувар. Сардор шундоқ дегандай бош ирғаб қўйди.

— Изма-из борайлик-чи, бир иложини қилиб, ресторанда олармиз балки.

Лайло сумкачасини гардеробда қолдирмаганини кўрган Комил Умар жин урсин, дея сал асабийлашиб кўчага чиқди. Тезда машинага ўтиришиб, тагин уларнинг гапларини тинглашни давом эттиришди. Нажим билан Лайло ҳалиги мавзуда бошқа гап қотишмади. Қандайдир бизнес ва чет элларга қилган саёҳатлари ҳақида, Швейцария банкларида ҳисоб очтириш тўғрисида сўзлашишди.

— Швейцария банкларида шахсий ҳисоб очтириш учун оз мунча доллар ёки евро керак бўладими? Бунча пулни қаердан оларкан у? — дея таажжубланиб, хаёлга толди Сардор.

Кутавериб, диққатлари ошиб, жуда зерикишди. Ниҳоят, бирор соатлардан кейин улар хушчақчақ кайфиятда ресторандан чиқишди. Лайло эркаланиб, ҳамроҳини супермаркетга етаклади. Буни кўрган изқувар чеҳраси бир оз ёришиб, айна муддао дея Сардор билан машинадан тушишди. Супермаркетга қўлдаги сетка ва сумкалар билан киритишмас экан.




Лайло норозилик ила лабини бурганча, сумкачасини эшик олдидаги нарсалар вақтинча сақланадиган хонада қолдиришга мажбур бўлди. Ўша хонада хизмат қиладиган йигит Сардорнинг бирга ўқиган дўстининг укаси экан. У Сардор билан қуюқ сўрашиб қолди. Йигит изқувар билан Сардори келинлар, келинлар дея ичкарига таклиф қилди.

— Уни гап билан чалғитиб туринг, — дея Сардорнинг қулоғига шивирлади изқувар.

Сардор тушундим дея имо қилди-да, йигитнинг елкаларига уриб қўйиб, унинг назарини четга тортиб кулиб гапира кетди. Йигитнинг чалғиганидан фойдаланган Комил Умар Лайлонинг сумкачасидан “жучок”ни тезгина олиб, чўнтагига солди.


— Уларнинг чиқишларини кутиб, саргайиб тура-вера-мизми энди? Ичаклар роса хуштак чалиб юборишди-ку, а? Тамадди қилиб олмаймизми? — дея зорланди Сардор машина олдига келишгач сўлагини култ этиб ютиб. Сал ўтиб, Нажим билан Лайло супермаркетдан чиқишиб, кўча бўйлаб секин сайр қила бошлашди. Комил Умар ва Сардор сигарет тутатганча олти-етти қадамлар нарида уларнинг ортларидан эргашиб бораверишди. Бир пайт Лайло мижози йўқлигидан зерикканча сигарет чекиб турган чиройли соқолли рассом йигитнинг қаршисидаги курсида ўтириб олиб, жилмайганча суратини чиздира бошлади. Нажим эса рассомнинг кўча четига териб қўйилган картиналарини томоша қилишга киришди. Бўлимга қайтишгач, Комил Умар бугунги кузатув ҳақида бошлигига батафсил ахборот берди. Подполковник Нажим билан Лайлонинг ёзиб олинган овозларини диққат билан тинглаб



бўлгач, бу ҳақида маълумот бериш учун юқорига — полковник Рустамовнинг олдига чиқиб кетди. Ўн дақиқалардан кейин Комил Умарни полковник ҳузурига чақиртириб, бўлган воқеани ўз оғзидан эшитгач, бир зум ўйланиб олгач, ходимларига рухсат берди. Улар чиқиб кетишгач, МХХ полковниги Сатторхон Алимовга қўнғироқ қилиб, капитан Комил Умаровнинг “саргузаштлари” ҳақида қисқагина маълумот берди. Полковник Алимов Рустамовнинг синфдош дўсти эди. Алимов ахборотни тинглаб бўлгач: “Ходимларининг ёмон ишлашмаяпти. Ўша изқувар капитанингни дарров менинг олдимга юбор-чи”, — деди. Рустамов тушундим-тушундим деб гўшакни жойига қўйди-да, Комил Умаров ҳозироқ ёзма ҳисобот билан МХХ идорасига бориб, полковник Алимовга учрашиш кераклигини тайинлади. Комил Умар йигирма дақиқада компьютерда уч саҳифа ҳисоботни ёзиб, айтилган жойга жўнади.

ПОЛКОВНИК АЛИМОВ ҲУЗУРИДА

Полковник Комил Умарнинг ҳисоботини диққат ила ўқиб чиққач, Лайло билан Санжар, Нажим билан Лайло ўрталаридаги суҳбат ёзиб олинган митти кассетани қўйиб эшитди. Полковник суҳбатларни тинглаб бўлгач, муштини лабларига босганча кўзларини бир нуқтадан узмай бир оз ўйга толиб турди-да, сўнг ҳузурига капитан Одиловни чақиртириб, тиббиётга алоқадор америкалик Жорж Смит ҳақида тезликда маълумот топишни буюрди.



— Профессор Қурбоновнинг Дубайда хавфсизлигини таъминлаш зарур, — дея фикрини билдирди Комил Умар.

— Бу ёғидан сира хавотир олманг, капитан Умаров, — босиқлик билан сўз қотди полковник. — Қурбоновга ёт кишиларни яқинлаштирмасликка ҳаракат қиламиз. Аминманки, у Тошкентга соғ-саломат қайтиб келади.

Шундан сўнг изқувар Лайло билан Нажимни эртага соат тўққиз ярим-ўнларда дала ҳовлида дискетни алмаштиргани борганларида жиноят устида қўлга олиш мумкинлигини билдирганди, полковник унинг фикрини маъқуллади ва бу ишни ўзингиз бошлагинизми, энди ўзингиз охирига етказасиз, деди ишонч билан. Кейин катта лейтенант Қодировни чақиртириб, Нажим билан Лайло тўғрисида маълумот тўплаб, уларни кузатишни буюрди.

ЛАЙЛО ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Лайло яхши ўқигани учун университетга ишга олиб қолишганди. У биринчи курсларга дарс берарди. Лайло очиққина бўлгани билан сал енгил табиат қиз эди. Сўнгги модада чиройли кийинишни, ресторан-у, қаҳвахоналарда яхши еб-ичишни, ўйин-кулгини хуш кўрар, айниқса, тилла тақинчоғу узуклар унинг жону дили эди. Университетда маоши кам бўлгани учун саёҳат фирмасида ҳам ишлашга мажбур бўлди. Шу ерда у Нажим билан танишди. Нажим Назаров саёҳат фирмаси бошлиғи муовини бўлиб ишларди. Ёши қирқлардан ошган бўлса-да, ҳали сочларига оқ ораламаган, кенг пешанали, қалин қош, ўткир кўзли, ўйчан, чиройли юзли, келишган, бўйчан қоматли,

доимо ўзига оро бериб, ўнг қўлига катта бриллиант қўзли узук тақиб юрувчи диди нозик бир кимса эди. У аёлларга унча ўч эмас, ёшлигида онаси отасига хиёнат қилиб ташлаб кетгани боис хотин зотини унчалик ҳуш кўрмасди. У ўн беш йиллар бурун икки қайта уйланиб, фарзанд кўрмагач, ўзининг бепуштлиги боис иккинчи хотини билан ҳам ажрашиб, ундан сўнг уйланмай сўққабош юрарди. Нажим Назаров ўн йилдан бери шу ерда ишларди. Бу орада у Америкага уч марта, Европа давлатларига бир неча марта саёҳатда бўлиб қайтганди. Вақт ўтиб, унда аёлларга нисбатан илиқлик пайдо бўлди шекилли, Лайлога меҳри тушиб, қизни ёқтириб қолди. Аёллар кўнглига қўл солишга сал уқуви йўқроқ бу жанобимиз Лайлога қандай қилиб дилини очишни билмай юрганида, бир куни сира кутилмаганда, қизнинг ўзи ундан ёрдам сўраб келди. Лайлонинг бечора онаси саратон хасталигидан қаттиқ азият чекиб келмоқда эди. Докторлар операция қилмасак сира иложи йўқ дейишганда, уйдагилар ни-ма қилишни билмай бошлари қотиб қолишди. Боиси, бундай нозик операцияларга анчагина пул кетарди-да. Лайло шу катта ташвишини иккилана-иккилана бошлиқ муовинига билдирди. Нажим худди шу гапни кутиб юргандек, қиздан кўмагини аямай, дарҳол унинг ҳожатини чиқарди. Лайло бу сахий одамга қарздор бўлиб, бунча пулни қандай қилиб узар эканман дея ўйлаб юрганида, Нажим тўртинчи бор Америкага бориб келгач, унга бир қалтис иш таклиф қилди. Агар Лайло шу ишни қойиллатиб бажарса, қарздан ҳам кечиб, қўлидаги узугини ва унга қўшимча тарзда ўн минг “куки”дан беришни ваъда қилди. Лайло ҳалиги



қалтис ишга рози бўлгач, унга профессор билан Санжарнинг суратларини кўрсатиб, қандай юмуш бажаришини ётиғи билан тушунтирди.


ДИСКЕТНИНГ ҚАЙТАРИЛИШИ

Комил Умар Сардор билан Чилонзор савдо маркази яқинидаги қаҳвахонада яхшилаб тамадди қилиб олгач, Санжарга қўнғироқ қилиб:

— Эртага тўққиз ярим-ўнларда Лайло сеникига боради. Бу ҳақда у сенга кечроқ телефон қилиши мумкин. Унга Рексни боғлаб қўяман, бемалол кўрқмай келаверинг, дарвоза олдида сизни ўзим кутиб оламан дегин, — дея қатъий тайинлади. Полковник Алимов Комилнинг маслаҳатига биноан эрталаб саккиз яримларда капитан Одилов билан икки бақувват лейтенантни профессорнинг дала ҳовлисига жўнатди. Уларни Комил Умар билан Сардор кутиб олишди. Санжар қўнғироқ товушини эшитган заҳоти ташқарига чиқиб, учовини ичкарига киритди. Икки лейтенант сал нарироқда, машинада кузатишга қолишди. Рекс ростданам боғлаб қўйилган шекилли, ҳовлида кўринмасди.

— Лайло ичкарига кирган пайт мен ташқарида бўламан, — деди Комил Умар. — Бу сафар у ёлғиз келмайди. Анави Нажим ҳам бирга келади. Асосан уни қўлга олишимиз зарур. Сизлар Лайлонинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатинглар. У жуда айёр қизга ўхшайди. Тагин ҳаммамизни доғда қолдириб кетмасин.

— Қизиқ, биз уни қандай кузатамиз? — дея ажабланди Сардор. — Қиз кирган заҳоти бизни кўриб қолади-ю.



— Анави хонага кириб, биттангиз девор ёнига, биттангиз эшик ёнига туриб кузатаверасизлар-да, — деди изқувар кулумсираб.

— Қаққайиб турмай, кузатиш учун бурилишимизга тўғри келади-ку. Шунда у бизни дарҳол пайқаб, сиримиз ошкор бўлади-қўяди, — дея эътироз билдирди бунақа ишларда ҳали уқуви бўлмаган Сардор. Капитан Одилов бу гапингиз ҳам тўғри дегандай бош силкиб, озгина ўйлаб олгач, тўғридаги ўша хонага кириб, улар томонга назар ташлади. Кейин Комил Умарни имлаб чақирди-да, эшик ёнидаги “трюмо-ойна”ни у билан биргаликда кўтариб, эшик тўғрисидаги деворга тираб қўйди.


— Менга қара, Санжар, — деди изқувар жиддий қилиб. — Ўтган сафар Лайло сенга кучли таъсир қиладиган уйқу дори ичириб кетган. Шунинг таъсирида соат ўн бир яримгача донг қотиб ухлагансан.

— Вой маккора-ей! — дея бошини чайқаб ачиқланди Санжар.

— У бугун ҳам ўша доридан сенга ичириши мумкин. Эҳтиёт бўлгин-а, дўстим. Ичмагин-у, аммо ичгандай бўлиб, ўзингни ухлаганга солиб ёт. У дискетни алмаштириб кетгач, дарҳол нариги эшикдан чиқиб, итни занжирдан бўшатиб юбор, уқдингми?

— Рекс ортидан югуриб, уни тишлаб олса-чи? — дея хавотирланди Санжар.

— Баттар бўлсин, жосусликнинг жазоси шу-да. Ҳа, айтгандек, дискетга белги қўйишни унутмадингми, ишқилиб?



— Кутисига ҳам, ўзига ҳам яхшилаб, аниқ қилиб қўйдим. Лайло уни бир зумда топиб олади, — деб жавоб қилди Санжар.

Тўққиз яримларда дарвоза олдига кумуш рангли “Нексия” келиб тўхтади. Машинадан Лайло тушган заҳоти капитан Одилов қўлидаги рациядан ташқаридаги ходимларини ҳушёр бўлинглар деб огоҳлантирди. Ҳайдовчиси ўша Нажим эди. У машинани буриб четроққа олиб қўйди-да, чуқур хўрсинганча сигарет тутатиб, атрофни кузата бошлади.

— Бор, Лайлони буёққа бошлаб кир, — дея буюрди Санжарга изқувар. Комил Умар Санжарнинг кетидан нариги эшикдан ташқарига чиқаркан шогирдига юзланиб: “Сардор, ойнадан нигоҳингизни олманг-а”, — дея таъкидлаб қўйди. Бирпасдан кейин Санжар билан Лайло эски қадрдонлардек кулишиб ичкарига киришди. Одилов билан Сардор изқувар тайинлагандек нариги хонага ўтиб, деворга суянганча миқ этмай туришарди. Қаршиларидаги ойнадан Санжар билан Лайло уларга яққол кўриниб турарди. Санжар жилмайиб:

— Қаҳва ичасизми? Ҳозиргина қайнатгандим, — дея қизга мулозамат қилишга киришди.

— Иссиқ қаҳва бўлса йўқ демасдим, — дея табассум қилди Лайло. Санжар чиройли финжонларга қайноқ қаҳва қуйди.

— Уйнинг ҳавосини алмаштирмасак бўлмайди. Жуда димиқиб кетибди, — деди Лайло гўё нафас олишга қийналаётгандек. Санжар:

— Бир огиз сўзингиз-да, хоним. Ҳозир уйга тоза ҳаво олиб кирамиз-да, — дея ўрнидан туриб, парда-ни сурди-да, деразани очиб юборди. Бу вазиятдан

фойдаланган Лайло чўнтагидан майдагина таблетка чиқариб, Санжарнинг қаҳвасига ташлаб қўйди.

— Дискетни олиб келдингизми? — деди Санжар қайтиб жойига ўтираркан.

— О, албатта, албатта, — дея қошларини кўтариб сумкасини ковлаштирди қиз.

— Мана дискетингиз, мана бу эса расмим. Ўша кун билмай олиб кетган эканман. Минг бора узр энди.

— Буни излайвериб жиним чиқиб кетди-ку, — деди Санжар шодланиб дискетни қўлига олар экан. — Бировнинг омонати эди-да. Йўқотиб қўйдим дея роса кўрқандим. Хайрият, сизда экан.


У шу гапни айтиб, дискетни қизнинг оёғи остига атай ташлаб юборди. Лайло дискетни олиб бермоқчи бўлиб эгилган ҳамоно Санжар финжонлар ўрнини тезда алмаштириб қўйди. У қизнинг қаҳвага дори солаётганини пайқаган эди.

— Хўш, таржимани давом эттираминми энди? — хушхоллик билан сўради Санжар.

— Аввал қаҳвангизни ичиб, тетиклашиб олинг-чи, совиб қолди-ю, — дея чиройли жилмайиб қўйди қиз. — Таржимани ҳам бир амаллармиз-да, бошқа қиладиган ишимиз бўлмаса.

Санжар бир кўтаришда қаҳвасини ичиб, Лайлога миннатдор термилди. Лайло ниманидир кутгандек, сал саросималаниб, соатига тез-тез қараб қўярди. Орадан икки дақиқалар ўтгач, Санжар ўрнидан туриб, уч қадам босиб, негадир бошим айланиб кетяпти, деб оёқларида мажоли қолмагандек диванга ўтириб қолди.

— Сизга нима бўлди, Санжар ака? Мазангиз қочяптими? Одамни кўрқитманг! — дея сохта куйин-



чаклик билан унга яқинлашди қиз. Санжар ростака-мига хушидан кетган каби шилқ этиб ёнбошга ағдарилди. Лайло уни бир-икки силкиб, турткилаб кўрди. Ундан садо чиқмагач, берган уйқу дориси кучли татси-р қилганига ишонч ҳосил қилиб, профессорнинг кабинетини томон юрди.

У белги қўйилган дискетни топиб, алмаштирди шекилли, тезда ташқарига чиқиб кетди.

ҚЎЛГА ОЛИШ

Санжар шу заҳоти ўрнидан туриб, итни бўшатиб юбориш учун нариги эшикдан ташқарига отилди. Одилов билан Сардор хонадан чиқишиб, деразадан уларни кузата бошлашди. Дарвозага етти-саккиз қадамлар қолганда, Рекс важоҳат билан Лайлонинг кетидан югурди. Кўрқиб кетган қиз қочаман деб, бехосдан оёқлари чалишиб кетиб, ўтлоққа юзтубан йиқилди. “Нексия”га суяниб турган Нажим ҳамроҳига ёрдам бериш мақсадида югуриб ҳовлига кирди-да, узук таққан ўнг қўлини олдинга кўтариб, ит томон чўчимай келаверди. Рекс шу заҳоти Лайлони қўйиб юбориб, шиддат билан Нажимга отилиб, уни таппа ерга босиб олди. Бундай бўлишини сира хаёлига келмай, юраги ёрилаёзган Нажим томоғини қўллари билан беркитганча жон ҳолатда зорланиб: “Итни олинглар, илтимос, итни олинглар! Гажиб ташлайди-ку, ахир!” — дея қичқирар эди. Ташқарида кузатиб турган икки лейтенант чопиб ичкарига киришди-ю, бироқ итнинг важоҳатидан чўчибми, унга яқин келишолмади. Шу пайт Комил Умар бор овози билан қатъий қилиб:



— Рекс, қўйвор уни! — дея буюриб ит томон қўрқмай кела бошлади. Ит энди Нажимни қўйиб, изқуварга қараб отилди. Шунда Комил Умар чўнтагидан бриллиант кўзли узукни чиқариб, итнинг кўзларига қаратди. Рекс тагин тунов кунгидек қадамини секинлатиб, важоҳатидан тушиб, бирдан ювош тортиб, изқуварга суйкана кетди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ушбу ҳолдан ҳайрон бўлишган Одилов билан Сардор ҳам ташқарига чиқишди. Ҳансираб ўрнидан тураётган Нажим бир қўлидаги узукка, бир ранги докадек оқариб кетган Лайлога ҳайрон бўлиб қарар эди.

— Узугимни алмаштирганмидинг ҳали, қанжиқ? — дея алам билан қизнинг сонига тепиб юборди у.


— Ўлай агар алмаштирган бўлсам! — дея оёгини уқалаганча ҳиқиллаб йиғлаб юборди Лайло.

— Узукни Лайло эмас, мен алмаштиргандим, жаноб Нажим Назарович, — дея кинояли кулумсираб унинг ёнига борди изқувар. Сардор шундагина ўтган куни изқувар билан шунчаки тақинчоқларни томоша қилгани “Ломбард”га бормаганини англади.

— Кимсан ўзинг?! — дея изқуварга қаҳрли нигоҳ ташлади Нажим. — Бу ишинг учун пушаймон бўласан ҳали!

— Танишиб қўйайлик бўлмаса, — деди изқувар ўшандоқ киноя билан. — Жиноят қидирув бўлими ходими капитан Комил Умаровман. Биласизми, жаноб, пўписа қилишга менимча, сал кеч бўлди-ёв сизга.

Лейтенантлар капитан Одиловнинг ишораси билан Лайло ва Нажимнинг қўлларига кишан солишиб, машинага ўтқазилди. Одилов Комил Умарга кетдик дея ишора қилди. Комил Умар Санжар билан Сардорга



мен бир соатларда қайтаман дея оқ “Нексия” сени МХХ ходимлари машинаси ортидан ҳайдади.

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ

Полковник Алимов лейтенант Қодировнинг Нажим Назаров ва Лайло Содиқова ҳақида тўплаган маълумотлари билан кеча кечқурун танишиб чиққан бўлса-да, бугун яна бир бор бу маълумотларни диққат ила қайта кўздан кечириб, уйланиб ўтирарди. Бир пайт селектор қўнғироғи жиринглаб қолди. Полковник тугмани босиб: “Эшитаман”, деди вазмин овозда. Қабулхонадан котиба қизнинг: “Ўртоқ полковник, капитан Одиллов келди”, — деган чиройли овози эшитилди. “Дарҳол кирсин!” — деган қисқа, қатъий жавоб қайтарди Алимов.

— Хўш, операция қандай якунланди? — қоғозларни четга қўйиб сўради полковник Одиллов кабинетга кириши биланоқ.

— Иккаласини ҳам қўлга олдик, ўртоқ полковник, — жавоб қилди капитан.

— Ҳеч ким зарар кўрмадимиз, ишқилиб?

— Умаров ҳам, ходимларимиз ҳам зарар кўришгани йўқ.

— Жуда яхши, — дея хотиржамланди Алимов. — Қани бўлмаса, уларни буёққа олиб кириг-чи.

Сал ўтиб, Алимовнинг кабинетига Лайло билан Нажимни олиб киришди. Комил Умар улардан кейин кирди. Полковникнинг ишораси билан тутқунларни четроқдаги курсиларга ўтқизишди. Лайлонинг мижжаларидан ҳали ҳам ёш оқиб турар, Нажимнинг эса қовоғидан қор ёғар эди.

— Хўш, Нажим Назарович, профессор Қурбоновнинг илмий иши ёзилган дискни алмаштиришга улгурдингларми? — дея сўради полковник киноя билан.

— Тушунмадим, нима деяпсиз? Қанақа диск? — ўзини гўлликка солмоқчи бўлди Нажим.

— Қанақа бўларди, мана бу-да, — дея кулумсираб Лайлонинг сумкасидан дискетни чиқариб полковникка узатди Комил Умар. — Аммо бу ҳақиқийси эмас. Бу гал сизлар янглишдинглар. Ҳақиқийси ўша куни олиб кетиб, бугун ташлаб кетганингиз эди.

Бу аянчли хабардан Нажим Назаров ичида аламидан инграб юборди. Алдангани, ёмон чув тушгани боис тишини тишига босганча ер остидан Лайлога еб қўйгудек нафратли нигоҳ билан қараб-қараб қўяр эди.

— Жаноб Жорж Смит билан қачон танишгансиз? — дея иккинчи саволни берди полковник.

— Мен унақа одамни танимайман, биринчи марта эшитишим, — дея кўзларини олиб қочиб, совуққонлик билан жавоб қилди Нажим.

— Ажнабий дўстларни дарров унутиб юбориш яхшимас, яхшимас Нажим Назарович, бой-бадавлат бўлганларини, айниқса, — деди полковник киноя ила бош чайқаганча.

— Айтдим-ку, танимайман деб, — қайсарлик билан жавобини такрорлади Нажим.

— Танийсиз, албатта, танийсиз, — дея таъкидлади полковник. — Фақат бўйин товлаб, сувдан қуруқ чиқиб кетиш учун бизни лақиллатяпсиз, холос. Яна такрорлайман: бу сизнинг фойдангизга яхшимас. Биласизми, биздаги баъзи маълумотларга кўра, ўша сизнинг танишингиз Жорж Смит жаноблари шифокор



олим экан. Бир неча йиллардан бери мия ракига қарши қандайдир препарат устида изланиш олиб бораётганмиш, шундоқми, а?

— Билмасам, мен дўхтир эмасман. Бунақа нарсаларга қизиқмайман, — дея елка қисиб қўйди Нажим.

— Қизиқасиз, қизиқасиз, Нажим Назарович. Сиз анойи одаммасиз. Кўп нарсалардан хабарингиз бор. Кеча кечқурин соат ўн икки яримларда сиз америкалик Жорж Смитнинг одами деймизми, орадаги даллоли деймизми Хусайн Камол билан телефонда беш минутлар иш юзасидан гаплашдингиз. Ё гапим ёлғонми, а?

Бу гаплардан сўнг Нажим Назаров ичидан зил кетиб турган бўлса-да:

— Ҳеч ким билан гаплашганим йўқ, соат ўн бирдан кейин ухлашга ётгандим, — дея қайсарлигини қўймади.

— Сизга исбот керак шекилли, ҳа майли, — деди полковник тортмасидан диктофон чиқариб. — Бўлмаса телефондаги сўзлашувингизни бир эшитиб кўрамиз.

Нажим Назаровнинг ранги қув учди. Бошини қуйи эгиб, бутун вужуди қулоққа айланиб, диктофондан чиқажак овозни кута бошлади. Полковник диктофон тугмасини босди. Сония ўтмай “сотка”нинг ёқимли жиринглаган товуши, ундан кейин қандайдир эркак кишининг: “Алло, Нажимжонмисиз?” — деган овози эшитилди. “Ҳа, менман, нима эди?” — дея жавоб қайтарди Нажим томоғини қириб олиб. “Мен Хусайн Камолман, Нажимжон”, — деди ҳалиги киши. “Э, ҳа, Хусайн ака, қалай, аҳволлар яхшими, соғ-саломат юрибсизми?” — дея жавоб қайтарди Нажим. “Смит

жаноблари ҳам яхши юрибдиларми?” “Смит жаноблари тузук юрибдилар-у, бироқ ҳалиги ваъда қилинган маълумотлар кечиккани туфайли ичлари қизиби, диққатлари ошиб ҳар куни менга кўнгироқ қилиб, иш нима бўлди деб сўраганлари-сўраган”. “Смит жанобларининг кўнгиллари тўқ бўлаверсин, Хусайн ака иш пишди ҳисоб. Профессор Қурбоновнинг дискети кўлимда. Эртага, узоғи билан индинга ўша ноёб маълумотларни сизнинг почтангизга интернетдан жўнатаман”. “О, мана бу хушxabарингиз ила бизни чўғ хурсанд этдингиз, Нажимжон, ташаккур, минг бор ташаккур сизга”. “Ҳа, айтганча, сўрамоқнинг айби йўқ Хусайн ака, жаноб Смит ўша ваъдалашган хизмат ҳақидан тонмайдиларми, ишқилиб?” “Хотиржам бўлингиз, Нажимжон, ул жаноб бир сўзли мард кишидир. Хизмат ҳақингизни шартлашганингиздек тўлайдилар, бу ёгидан сира хавотир олмангиз”. Нажим Назаров қопқондан чиқиб кетолмаслигини теран англаб турар, энди бўйин товлаб, ёлгон тўқиши фойда бермаслигини тушуниб етганди.

— Хўш, бу ёгига нима дейсиз энди? — дея сўради полковник бармоқларини бир-бирига қовуштирганча қуюқ қошларини ўйчан чимириб.

— Хизмат ҳақини қанчага келишгансизлар ўзи?

Иложсиз қолган Нажим Назаров бу саволга тўғри жавоб беришга мажбур бўлди.

— Икки миллион долларга шартлашгандек. Хонадагиларнинг серташвиш чеҳраларида унинг бу хабаридан шу заҳотиёқ “А-а? Йўғ-э?” — деган ишончсизлик аломати зухур бўлди.



— Смит ваъдалашган пулни сизга қай усулда бермоқчи эди? — сўради полковник.

— Агар иш силлиқ битиб, Смит Қурбоновнинг изланишларидан яхши фойда кўрса, у пулни Швейцария банкларидан бирига номимга ўтказиши керак эди.

— Тушунарли, ана энди Хусайн Камол ва Жорж Смит билан қандай танишганингиз, улар билан неча марта учрашганингиз ва нималар тўғрисида гаплашганингиз ҳақида батафсил айтиб беринг, — деди полковник маслаҳат оҳангида. — Ўзингиз биласиз: чин дилдан иқрор бўлиш гуноҳни енгиллаштиради.


Нажим Назаровнинг энди бор гапни айтмасдан иложиси қолмаган эди. У дилидаги бор ҳасратларини чиқариб юборгудек чуқур хўрсинди-да, содир бўлган воқеаларни бир бошдан вазминлик ила сўзлай кетди. Бундан бир ярим йиллар бурун бир оқшом ишдан қайтаётиб, у тамадди қилгани анҳор ёқасидаги қаҳваҳонага кирганида, шундоқ яқинидаги столда кайфи ошиб қолган икки йигитнинг галати гапларини эшитиб қолганди.

— Профессор Қурбонов мени кўролмайди, ҳа. У ичи қора одам, дўстим, тушуняпсанми? — дерди йигитлардан бири алам билан. — Унинг инжиқлиги туфайли мана, беш йилдирки илмий ишимни ёқлолмаяпман. Ҳар гал атайлаб, ишимдан бир ишкал топиб, номзодлик диссертациямни орқага сургани-сурган. Нима эмиш, менда ижодий фикр, кашфиёт йўқ эмиш. Дангасалик қилиб, жуда секин изланаётган эмишман. Ўзи-чи ўзи, оддий бир препарат устида мана ўн беш йилдан бери ишляпти-ю, ҳалигача бирор натижа чиқара олмаяпти.

— Қанақа препарат яратмоқчи ўзи? — дея ажабланиб сўради иккинчи йигит аламзада ҳамроҳидан.

— Мия ракига қарши бир зўр препарат. Дунёда ҳали ҳеч бир олим кашф қилолмаган антиқа бир зўр дори. Мабодо, профессор ўша дорини кашф қилса борми, америкалик Жорж Смитдан олдин Нобель мукофотини олиши турган гап, окаси!

Икки йигитнинг кайф таъсирида алжирашлари шу заҳотиёқ Нажим Назаровнинг эсида қолди. Икки-уч кундан сўнг суриштириб билсаки, профессор Азим Қурбонов ростданам ўн йиллардан бери мия ракига қарши нозик дорини яратиш устида заҳматли иш олиб бораётган экан. Америкалик ўзбек бизнесмени Хусайн Камол юртимизга саёҳатга келганида Нажим Назаров уни Самарқанду Бухорони томоша қилишга олиб бориб, меҳмонга яхши мулозамат кўрсатди. Хусайн Камол жаноблари ота-боболари юртида бағрикенг, меҳмондўст ошно топганидан хурсанд бўлиб, мезбонга меҳри тушиб қолди. Сухбатларнинг бирида, мавриди келиб, Нажим меҳмондан америкалик олим Жорж Смит ҳақида аста сўраб кўрди. Хусайн Камол ҳозирча ундай одамни танимаслигини, АҚШга қайтгач, суриштириб кўришлигини айтди. Нажим Назаров АҚШга учинчи марта борганида, Хусайн Камол жаноблариникида меҳмон бўлди. Мезбон Жорж Смит ҳақида яхшигина маълумот тўплаб қўйган экан. Жорж Смит миллионер олимлардан бири бўлиб, у ҳам неча йиллардан буён профессор Қурбонов каби мия ракига қарши препарат устида бош қотираётган экан. Кутилган бу маълумотларни эшитгач, Нажим Назаров дарров гапнинг индаллосига ўтиб, Хусайн



Камолга катта фойда келтириши мумкин бўлган илмий бизнесни, яъни америкалик олимга ўзбекистонлик олимнинг илмий изланишларини ўғирлаб сотишни таклиф қилди. Мўмайгина даромад келтирадиган бу таклиф Ҳусайн Камолга маъқул келди.

Бу тўғрида у Смит билан гаплашиб кўришни ваъда қилди. Тўртинчи дафъа АҚШга қилган бир ҳафталик саёҳатида Ҳусайн Камол уни ўз уйида Жорж Смит билан учраштириб, улар ўртасида таржимонлик қилиб турди. Мистер Смит Нажимнинг таклифига қаттиқ қизиқиб қолди. У профессор Қурбоновни яқиндан бўлмаса-да, танир экан. Жаҳон доришуносларининг Парижда ўтказилган қандайдир симпозиумида профессор Қурбонов мия ракига қарши муаммолар тўғрисида маъруза қилиб, Смитнинг назарига тушган экан. Қисқаси, Нажим Назаров Қурбоновнинг илмий ишини америкаликка етказишни, Смит эса бу қалтис хизматга икки миллион доллар тўлашини келишиб олишди. Шу билан дастлабки тергов ниҳоясига етиб, тутқунларни олиб чиқиб кетишди.

— Ўртоқ полковник, рухсатингиз билан анави Назаров тўғрисидаги маълумотларни бир кўрсам дедим, — дея илтимос қилди Комил Умар. Полковник майли дегандай бош иргади-да, кенг столи четидаги делолардан бирини изқуварнинг олдига суриб қўйди. Комил Умар маълумотларга тезгина кўз югуртириб чиқди-да:

— Э, гап буёқда экан-да, — деди энди тушундим дегандай қошларини кўтариб.

— Ҳм, бирор янгилик топдингизми? — дея қизиқсинди полковник.

— Саёҳат фирмасида ишлайдиган одам бриллиантнинг сирли хусусиятини қайдан билар экан десам, бу кишим асли маъданшунос бўлган эканлар-да, — деди изқувар бир оз таажжублангандай бўлиб.

— Қанақа бриллиант ҳақида гапиряпсиз ўзи? — ажабланди полковник.

— Манави тўғрисида-да, — Комил Умар чўнтагидан ҳалиги катта бриллиант кўзли узукни чиқариб полковникка узатар экан.

— Ҳа-а, бу Лайлонинг дарвоза олдида тушириб қолдирган ўша ноёб узугими?

— Айнан ўшанинг ўзи.

— Хўш, бу ноёб олмоснинг қандай сирли хусусияти бор экан?

Комил Умар олмоснинг сирли хусусиятлари ҳақида сўзлаганди, полковник гоҳ ишониб, гоҳ ишонмагандай унинг изланувчанлиги ва топқирлигига қойил қолди.

БРИЛЛИАНТ УЗУК СИРИ

Сардор билан Санжар зерикмаслик учун шахмат ўйнаб ўтиришарди. Агар Рекс хурмаганида Комил Умарнинг келганини сезмай ҳам қолишарди. Комил Умар уларга дастлабки терговда эшитганларини — профессорнинг дискети ўғирланиш сабабларини гапириб берди.

— Мен ҳали ҳам бир нарсага тушунмаяпман, — дея таажжубли оҳангда сўз қотди Санжар.

— Рекснинг бриллианти бор одамни тишламаслигини Лайло қаёқдан била қолдийкин?



— Тўгриси, буни у аввал билмасди, — дея жавоб қилди Комил Умар. — Нажим Назаров эса яхши билар эди. Лайлога ўша ўргатган.

— Ҳалиги нусхами, у қаердан билар экан ҳеч кимнинг хаёлига келмаган нарсани? — ажабланиб сўради Сардор.

— Нажим Назаровми, у бир пайтлар яхшигина маъданшунос мутахассис бўлган. Ҳар бир маъданнинг ўзига хос сир-асрорларидан тузуккина хабардор бўлганга ўхшайди. Шу жумладан олмоснинг ҳам.

— Сиз-чи, сиз бриллиант узукли кишини кучук қопмаслигини қайдан билдингиз?

— Менми? — дея жилмайди Комил Умар креслога ястаниб рўзномалар столдан “Даракчи”нинг янги сонини қўлига олар экан. — Мана бу чиройли газетадан. Икки-уч йил бурун унда: “Олмоси бор одамни ит тишламайди” — деган қисқагина хабар босилган эди. Қизиқишим ортиб, шуни аниқроқ билиш мақсадида қадимги олимларнинг маъданларнинг хусусиятлари ҳақидаги икки-учта китобларини синчиклаб кўриб чиқдим. Тўгриси, тунов кунгача бу гапга бир оз шубҳа қилиб юардим. Ўша куни дарвоза олдида Лайлонинг узугини топиб олиб, у билан Рексни тинчлантирганимдан кейин бу хабарнинг ростлигига сира шубҳам қолмади.

2005 йил январь-апрель

РАЙҲОН ОСТИДАГИ ХАЗИНА

Баланд кўтарилган ой қишлоқ четидаги ташландиқ ҳовлига ҳам яхшигина ёғду сочиб турар эди.

Бир йигит белига довур қазилган чуқурдан излаганини осонликча топганидан юраги ўйнаганча шодланиб кетди. Чуқурдан энди чиқаётганди, тўсатдан ярқираган фонарнинг ўткир нурлари кўзларини қамаштириб юборди. У кафти билан фонардан кўзларини тўсиб, юраги шув этганча орқага тисарилди.

— Ҳорманг энди, йигит! — деди қатъий қилиб кимдир фонарни ўчираар экан.

Чўчиб тушган йигит овоз эгасини таниб, анграйганча жойида қотиб қолди.

I

Журналист Самандар Султонов туман жиноят қидирув бўлими бошлиғи майор Рустам Қосимов ҳузуридан кўнгли тўлмай, ҳафсаласи пир бўлганча дилгир кайфиятда чиқди.

Қосимов:

— Домла Эрали Шодиевнинг ўлими тасодифий, бахтсиз ҳодиса деб хулосаланди. Минг афсуски, бунда ҳеч қандай жиноят аломатларини кўрмадик, — деди. — Бизга маълум бўлишича, домла маст ҳолда баланд жардан йиқилиб вафот этган эканлар. Энди нима ҳам дердик: бу бир бахтсиз ҳодиса-да, ука.

Майорнинг совуққонлик билан қилган қисқа хулосаси Самандарни қониқтирмагани учун эътироз билдириб:

— Фикрингизга қўшилолмайман, — деди қатъий қилиб. — Домлани ҳаммадан кўра мен яхшироқ билман. Олти йил менга синф раҳбар бўлганлар. Домла ичмасдилар ҳам, чекмасдилар ҳам. Бу кекса педагогга ҳурматсизлик ва тухматдек гап!

— Бу менинг хулосаларим эмас, — деди пинагини бузмай майор. — Биз ҳам кўлимизда бирор-бир асос бўлмаса гапирмаймиз, ука. Бу судмедэкспертизанинг аниқ хулосалари. Шодиев ўша куни ўлимидан ярим соатлар олдин бир литрча пиво ичган эканлар.

— Бир литр пиво одамни жардан қулаб тушиш даражасида маст қилмаса керак менимча, — дея яна эътироз билдирди Самандар шаштидан тушмай.


— Нима десак ҳам пиво маст қилувчи ичимликлар сирасига киради. Бировга бир пиёла, бировга ўн пиёла таъсир қилиши мумкин, — дея енгил хўрсинди майор.

— Хўп, майли, бу гапларингизни ҳозирча тўғри деб турайлик-чи, — дея майорга сал ён берди Самандар. — Қаранг, олтмишдан ошган кекса кишининг қоронғи тушганида баланд жарга нима сабабдан боргани сизга жумбоқ бўлиб туйилмаяптими? Бу биринчидан, иккинчидан эса ўша кеч домла жар томонга бир ўзи бормаган эканлар. Мен кўрган, билган одамлардан суриштирдим. Узоқдан кўрганлар ёнларида аллакимдир бор эди, қоронғи бўлгани-чун биз унинг кимлигини аниқ билолмадик дейишди. Бу-чи, бу сизга ғалати туйилмаяптими?

Ўша нотаниш, номаълум киши домлани атай жардан пастга итариб юборган бўлса-чи, а?! Сиз бунга нима дейсиз?

Ўзингиз шу воқеани текширгани қишлоққа бориб, жар атрофини синчиклаб кузатиб, одамлар билан гаплашиб кўрдингизми?

— Ўзим борганим йўқ, — дея тан олди майор. — Ўринбосарим Самиев йигитлар билан бориб келган



экан. Мен отпускада эдим. Ишга қайтганимга атиги уч кун бўлди.

— Самиев билан гаплашсам бўладими? Балки у бирон нарсани аниқлагандир? — деди илинж билан Самандар.

— Самиев менга бу тўғрида бирон нима демаганди. Ҳозир у бу ерда эмас. Тоғда содир бўлган бир жиноятни текширгани кетганди, — деди бир оз ўйланиб майор. — Домла Шодиев баланд жар томонга ўша оқшом бир ўзи кетмаган экан деган гаплар ҳам бор денг, ҳали. Балки, айтганингиздек, домлани жардан атайин итариб юборишдимикин? Аммо нима мақсадда? Ёнидаги ўша ҳамроҳи ким бўлган экан? Ё бирон бир-кишининг хусумати бўлганмикин домлада?

— Тез орада ўша кимсани топиш ва жиноят сабабини аниқлаш бу энди сизларнинг ишингиз-да, ака, шундай эмасми? — таъкидлаб қўйди Самандар.

— Ҳа, ҳа, тўғри, тўғри, бизнинг вазифамиз, — дея эътироф этди майор. — Аммо биласизми, ука, шу кунларда ўғрилиқ, талончилик, яна иккита қотиллик каби бир неча жиноятларни очиш билан қаттиқ шуғулланаяпмиз. Одамларимизнинг ҳаммаси шу ишларга жалб қилинган. Сал қўлим бўшасин, ўша иш билан ўзим жиддий шуғулланаман. Мен участковойга тайинлайман: кўрган, билган, эшитган одамлар билан суҳбатлашиб кўрсин-чи, эҳтимол калаванинг учи чиқиб қолар.

II

Самандар Султонов Комил Умарга девор-дармиён ён қўшни эди. Самандар Комил Умарнинг адабиётни

севиши, китобхонлиги учун жуда ҳам ҳурмат қилар эди. Сал бўш қолишса, бир-бирлариникига ўтишиб, янгиликлардан суҳбатлашишиб, шахматбозлик қилишиб кўнгил ёзишар эди. Икковлари энг яқин дўстдек бўлиб кетган эдилар. Улар бир-бирларининг оила аъзоларини ҳам яхши танишарди. Ака-укаларининг тўйларига ҳам боришиб, қўлларидан келган хизматларини аямасдилар.

Шу кунларда Комил Умар меҳнат таътилида бўлгани учун уйда дам оларди.

Самандар уйда тушлик қилгач, Комил Умарникига ўтиб, домласи Эрали Шодиевнинг ўлими ҳақидаги тафсилотларни юракдан эзилиб сўзлади. Изқувар креслога ястаниб, кўзларини ярим юмиб, хаёлга толган кўйи миқ этмай тингларди.

— Домла кексайган чоғида гам-ташвишга кўмилиб қолувдилар. Уч йил бурун хотини оламдан ўтганди. Бечоралар бу дунёдан фарзанд кўрмай ўтиб кетишди. Бунинг устига на ака-укаси, на бир яқин қариндош-уруглари бор эди уларнинг. Ёшлиқда етимхонада катта бўлган эканлар.

Институтни битиргач, қишлоғимиз мактабига ишга юборишган экан. Бутун умрлари шу қишлоқда ўтиб кетди.

Биласизми, Комил, у кишини жудаям яхши кўрардим.

Руҳлари чинқириб қолди-да, эссиз!

Кўнглим сезиб турибди: домланинг ногаҳоний ўлимида қандайдир сир борга ўхшайди. Дўстим бўлсангиз, шу жиноятни очишга бир киришинг, илтимос.

Сизга ишонаман, бу сизнинг кўлингиздан келади, албатта.

Изқувар кўзларини очиб, тагин бир оз хаёлланиб турди-да, дўстининг таклифини рад этмай, хўп дегандай бош иргаб қўйди.

— Домлангизни дафн этишдимиз? — деб сўради у кўзларини очиб.

— Йўқ, ҳали. Эртага кўмишса керак.

Самандар энди менга жавоб дегандай ўрнидан тургани, изқувар:

— Ҳа, қаёққа? — дея сўроқлади.

— Қайга бўларди, редакцияга-да, — деди у ҳафсаласизлик билан.

— Ҳозир соат неча бўлди? — дея қизиқсинди изқувар.

— Чорак кам уч, нима эди? — деб жавоб қилди Самандар қўл соатига бир қараб олиб.

— Юринг, бир жойга бориб келамиз.

— Сир бўлмаса қаерга?

— Борганда биласиз-да.

Улар ярим соатда Зангиота туман марказий шифохонасига етиб келишди. Комил Умар “Нексия” сини шифохона ҳовлиси тўридаги икки қаватли эски, кўкиш бино ёнида тўхтатди ва бинодан чиқаётган бир ёш ҳамширадан: “Тўхтаев шу ердамилар?” — деб сўради. Ҳамшира ичкаридалар деб жавоб қилгач, изқувар Самандарни эргаштириб бинога кирди.

Тўхтаев деган истараси иссиқ доктор уларни илиқ қарши олди. Изқувар билан аввалдан таниш шекилли, қуюқ сўрашишди. Комил Умар дарҳол муддаога ўтиб: “Шодиев шу ерга олиб келинганми?” — дея сўради.

— Ҳа, шу ерга, — енгил хўрсиниб жавоб қилди доктор. — У кишини ўзим ёрганман, хулосаларини тезда жўнатганман.

Шундагина Самандар қаерга келиб қолганини сезиб, дами ичига тушиб кетди.

— Жасадни бир кўрсам дегандим, мумкинми ўзи? — секин сўради Комил Умар.

— Сизга бирон марта мумкин бўлмаганми ўзи, Комилжон? — дея ўрнидан турди доктор.

Йўлакнинг адогидаги зинадан ним қоронги ертўлага ўхшаган жойга тушдилар. Бу ер этни жимирлатар даражада салқин эди. Доктор темир эшикни очиб чироқни ёққанида, ўликхонага биринчи марта келгани учунми, Самандарнинг юраги шув этиб, орқага тортиб кетаёзди. Ҳа, бу ерга тўсатдан келиб қолган ҳар қандай одамнинг — хоҳ у кўнгли юмшоқ бўлсин, хоҳ бағритош бўлсин вужудини сесканиш ва қўрқув босиши табиий бир ҳол эди.

Устига оқ чойшаб ёпиб, қатор ётқизиб қўйилган мурдаларга қарашга одамнинг юраги дов бермасди. Бир хилларининг оёқ томони сал очилиб қолган, бош бармоғига боғлаб қўйилган исми-шарифи ёзилган тахтача осилиб турар, бу эса кўнгилдаги сесканишни янада кучайтирар эди.

Доктор домла Шодиевнинг юзидаги чойшабни секин очди. Марҳум гўё қаттиқ уйқуга кетгандек кўзларини юмиб, қалин лабларини маҳкам қимтиганича ётарди. Унинг тошга урилган юзлари кўкариб, шинқираган эди.

Комил Умар домлангиз шу кишимилар дегандай имо қилганди, Самандар ҳа дегандай бош қимир-

латди-да, ортиқ чидай олмай кўнгли вайрон бўлганча йиглаб юборди.

— Бизда марҳумни жардан итариб юборишган деган тахмин бор, Расулжон, — дея фикрини билдирди изқувар. — Мабодо, орқа тарафдан бирор-бир зарба берилмаганмикин? Масалан, таёқми, темирми, тошми шунга ўхшаш нарсалар билан урилмаганмикин?

— Орқада дейсизми, шошманг-чи, ўша куни ўнг қопқогининг остида кўкарган жойга кўзим тушгандай бўлувди, — ўйланиб жавоб берди доктор.

— Хўш-хўш, — дея чимирилди изқувар.

— Мен марҳум жардан ерга қулаб тушганда ўша жойига қиррали тош ботдимикан, деган хаёлга боргандим.


— Шошманг, жасад жар остидан қай ҳолда топилган экан, бир эслаб кўринг-чи?

— Кўкрак қафаси, қовурғалар, жигар-у, талоқлар эзилгандан кейин у юзтубан йиқилган бўлади-да, Комилжон. Бу аниқ, бошнинг орқа қисмига ҳеч қандай лат емаган. Унда тахминингиз тўғри чиқиши мумкин.

— Бу ҳозирча тасдигини топмаган шунчаки бир версия, доктор, — дея хўрсинди изқувар.

— Ҳа, ҳа, тушунаман, тушунаман...

Шундан кейин изқувар жасаднинг устидаги чойшабни белигача кўтариб, марҳумнинг кўлларига назар ташлади. Нимадир диққатини тортди шекилли, ўнг кўлининг бармоқларини сийпалаб кўрди. Кейин бошини эгиб, марҳумнинг кафтини ҳидлади. Сўнг сўл кўлини текшириб, бир оз ўйга толиб қолди. Жасад устига чойшабни ёпиб қўйгач, ёнидан дафтарчасини чиқариб, нималарнидир тез-тез ёзди.



Шифохонадан чиқиб, шаҳар ичкарасига кирганларида ҳам Самандарнинг кўнгил гашлиги тарқаманган эди.

Комил Умар машинасини бир четга тўхтатиб, ҳаво дим бўлгани учун костюмини ечиб, сигарет олгани дўконга кириб кетганида, Самандар қани у нимани аниқладийкин деган хаёлда чўнтакдан дафтарчани олиб варақлади. Бугунги сана қўйилган варақда: “Д. райхонни хуш кўрар экан”, — деган ёзув бор эди. Самандар бу нима дегани экан-а, дея ўйга толиб қолди.

III

Шу куни соат олтиларда домла Шодиевнинг жасадини олиб кетишга рухсат беришди. Марҳумни қишлоққа келтиргунларича шом вақти кириб қолганди. Дафн учун ҳамма нарса бир неча кун бурун тайёрлаб қўйилган бўлса-да, қишлоқ домла-имоми жанозани эртага қолдирди. Самандар бу хабарни телефон орқали акасидан эшитгач, эрталаб жанозага улгурмаймиз, деб Комил Умар билан кечда қишлоққа жўнади.

У бу фоний дунёнинг бир кечалик жонсиз меҳмони бўлмиш устозининг ёнида тунни бедор ўтказишга қарор қилганди. Чуқур хаёлларга толган кўйи бешинчи синфдан то мактабни битиргунга қадар устози билан кечган дамларни, унинг сабоғу пандларини бир-бир эслаб, юраги эзилганча ух тортиб ўтирар эди.

Комил Умарнинг эса хаёли бошқа ёқда эди. У ҳали кундузи моргда марҳумнинг жасадини яхшилаб кўздан кечирмаганига бир оз афсусларди. Ҳозир бунинг мавриди эмаслигини тушуниб турса-да, жиноятни очадиган кичкина бир детални кўздан қочирганига

кейин қаттиқ афсусланиб юрмаслик учун муддаосини шивирлаб Самандарнинг қулоғига айтишга мажбур бўлди. Самандар чуқур хўрсинганча секингина рўйхушлик бергандан кейин изқувар марҳумнинг устидаги чойшабни кўтарди. Ёнидан лупа чиқариб, марҳумнинг кафтларини яна бир марта синчковлик ила кўздан кечирди. Сал ўсиқ тирвоқлар остидан қандайдир майин зар аралашган тупроқни эҳтиёткорлик билан қогоз устига кўчириб олди. Кейин иккала кафтни ҳам чуқур-чуқур ҳидлаб кўриб, нимадир эсига тушгандек қошларини кўтариб қўйди.

Сал ўтиб, сигарет чеккани ташқарига чиқиб, ҳовли саҳнига экилган гулларга назар ташлар экан, гулзорда бирорта ҳам райҳон йўқлигидан таажжуби ортиб, қуюқ қошларини чимирганча ўйланиб қолди.

VI

Орадан бирор соатлар ўтиб қишлоқ имоми Абду-малик домла, марҳумнинг девор-дармиён қўшнилари Ҳалим бобо, Зоҳид ака ва яна Самандар танимаган бир одам кўнгил сўрагани келишди. Ҳалиги киши оқсарикдан келган хушсурат, истараси иссиқ, кўзлари бошқаларникига қараганда маънолироқ боқувчи эди. Юзларидан иймон нури балқиб турувчи бу одамнинг ёши эллик беш-олтмиш атрофларида эди. Эғнида сарғиш чийдухобадан тикилган костюм-шим, бошига яшил бахмал дўппи кийганди; соқол-мўйлаби чет эллик арабларникидек қисқа қилиб қўйилган эди.

Меҳмон бошқаларга қараганда чиройли арабча кироат билан салом берганидан у Самандарнинг ҳам, Комил Умарнинг ҳам диққатини ўзига тортганди.

Абдумалик домла марҳумнинг бош тарафига яқин ўтириб, таомилга кўра сураи “Ёсин” ни қироат қилди. Тиловатдан кейин ҳар ким ўзича марҳум ҳақидаги нималарнидир эслаб, бир оз сукутга чўмишди.

Абдумалик домла Самандар билан Комил Умарнинг меҳмонга ким бўлди экан бу одам дегандек саволомуз қараб-қараб қўяётганларини пайқаб:

— Бу биродаримиз жаноб Адҳамбек ҳожи бўладилар, — дея меҳмонни таништирди.

— Авлод-аждодлари асли шу қишлоқлик бўлишиб, талатўп замонларда хорижга ўтиб кетишган эканлар. Ҳозирда Маккаю мукаррамада истиқомат қиладилар. Юртимиз мустақил бўлгач, падари бузрукворларининг ота маконларини зиёрат қилмоққа азимат қилибдилар. Ҳожим катта ҳиммат қилиб, шўролар даврида қишлоғимизнинг бузиб ташлаган қадимий масжидини бошқатдан тиклашга бел боғлаб турибдилар.

Адҳамбек бу гапни айтиш шарт эмас эди, дегандек айбдорона кулумсираб қўйди-да, суҳбат мавзусини марҳум ва унинг хислатлари томон бурди.

— Биродаримиз Эрали домла ила қарийб тенғдош эрдик, азизлар. Қишлоққа қадам ранжида қилгон кунимиз каминани эски ота қадрдонлардек муҳаббат ила зиёрат қилиб эрдилар. Масжитга тез-тез боруб, устоларга куч етгунча кўмак беруб, камина била кўпдин-кўп суҳбатлар қуруб, кўнглумизни файзиёб қилур эрдилар. Биродаримизни Оллоҳнинг фарзини адо этмоқликка қўлумиздин келгонча даъват этдук. Қаригон чоғларинда қалбларига нури иймон кируб, пешоналарини саждага текканига гувоҳ бўлди.

Ҳа, эмди не ҳам дер эрдик. Оллоҳнинг иродаси. Ўлим ҳақдур! Иймон била дорулбақоға рихлат қилгон бўлсунлар!

Адҳамбек ҳожининг қадимий ўзбек тилида сўзларни аниқ-аниқ, чиройли, ширадор талаффуз қилиши ва маънодор боқишлари бошқалар каби Самандарни ҳам, Комил Умарни ҳам ўзига маҳлиё қилиб қўйган эди.

Меҳмонлар қайтишаётганларида, Адҳамбек ҳожининг қўлидаги жимжимадор нақшли асо Комил Умарнинг диққатини ўзига тортгандек бўлди.

V


Эрталаб Эрали домланинг жасадини ювишаётганларида Самандар билан Комил Умар гассолларга кўмаклашишди. Жасаднинг қўлларидадан тортишиб ўтиртиришиб, орқа тарафини юваётганларида домланинг ўнг қопқоғи остидаги жароҳатга Комил Умарнинг кўзи тушди. Жароҳат жойини диққат билан синчиклаб текширганди, қалин михга ўхшаган нарса кириб чиққанига амин бўлди.

Лаҳадга тупроқ тортиб бўлингач, Абдумалик домла сураи “Таборақ”ни гамгин ва оғир оҳангда ўқиб, домлани руҳига бағишлади. Кейин шундоқ ёнгинасида ўтирган Адҳамбек ҳожига юзланиб, марҳамат дегандай секин бош ирғаб қўйди. Лаҳза ўтмай, сокин қабристон узра худди Арабистон радиотўлқинларида янграйдиган сингари ўта ёқимли, ингичка ва ширадор овозда чиройли тиловат қанот қоқиб, сомеларни сел қилиб юбораёзди.

Тушдан кейин фотиҳага келиб-кетувчилар бир оз камайгач, Комил Умар Самандарни четга тортиб: “Юринг, воқеа содир бўлган ўша баланд жарни бир кўздан кечириб келайлик-чи, ишга алоқадор бирон нарса топилиб қолса ажабмас”, деди. Сал ўтиб улар баланд жар томон йўл олишди. Адир томон кўтарилар эканлар, тиззага етадиган ям-яшил ўтлар ва улар ичида яшнаб очилган ҳар турли чечакларнинг ажиб тароватидан икки дўстнинг ҳам кўнгиллари яйраб кетди.

Одамлар буни бежизга баланд жар дейишмас экан. Пастдан баландлиги нақ икки терак бўйича келади-я! Жар лабига бориб, пастга қараган кишининг юраги шув этиб орқага тортиб кетиши ҳеч гап эмас. Шундай ҳайбат-у ваҳминг устига жардан беш-олти қадам нарида қора марварид тут ўсганига нима дейсиз?! Баҳор бу йил кеч келгани учун тут ҳали пишмаган, энди-энди қизара бошлаганди. Шу ерга етганларида дўстлар нафасларини ростлаб, ортга ўгирилдилар.

Самандарнинг айтишига кўра, авваллари ҳам бу жойдан бир неча киши тушиб кетиб, фалокатга йўлиққани учун бу беҳосият жой деб одамлар жар томон қадам босишмас экан. Домла Шодиев эса бунақанги ирим-сиримларга сира парво қилмай, ёзув-чизувдан зериккан кезларида баланд жар ёқасидаги тут остига келиб ўтириб, кўнгилларини ёзиб кетар эканлар. Комил Умар адир тепасига етганида раҳматли домла ишдан чарчаган кезлари дам олгани бежизга бу ерга келмаганларини тушунди. Бу жойдан пастликдаги дарахтларга кўмилган ям-яшил қишлоқ худди кафтдагитек жозибали, кўзга яққол ташланиб турар эди! Одам



бу яшилликка термилиб, кўзлари дам олиб, чарчоқларини унутгандек бўлар экан.

Комил Умар ёнидан лупасини чиқариб, дарҳол ишга киришиб кетди: дарахт остидаги изларни диққат билан кўздан кечириб бўлгач, энгашганча жар ёқасига икки-уч марта бориб келди. Бир нималарни ўзича ўйлаб, етти-саккиз қадам нарида, чап тарафда пайҳон қилинган ўтлар орасидан қандайдир дастрўмолча топиб олиб, яна кузатишни давом эттираётган эди, ўтлар орасидан оёғига нимадир тақ этиб тегиб кетди. Разм солса, пиводан бўшаган шиша экан. Шишага бармоқ изларини қолдирмаслик учун огзидан рўмолча билан ушлаб, сиртини лупа билан кўздан кечирди-да, сўнг бу ҳам далилий ашёликка асқатиши мумкин деган хаёлда сумкасига солиб қўйди.


Самандар бу пайтда унга халақит бермаслик учун нарироққа бориб ўтириб, ям-яшил адирнинг тенгсиз чиройидан баҳри дили очилиб, ён дафтарчасига бир нималарни ёзиб ўтирар эди. У фикрларини қогозга тушириб бўлгач, енгил хўрсиниб ўрнидан турди-да, қўлларини кўксига чалиштирганча ўйланиб қолган дўстига қараб:

— Хўш, жаноб изқувар, пичоққа илингулик бирон нималар топдингизми? — дея сўради қизиқсиниб.

Комил Умар ҳа, топдим дегандай бош ирғаб қўйганди, Самандар:

— Қани, сўйланг-чи, биз ҳам эшитайлик? — дея жилмайди.

— Қанақасига сўйлай, шунчаки оддийчасигами ё Шерлок Холмсчасигами? — деб сўради Комил Умар куюқ қошларини кўтариб ҳазил аралаш.



— Оддийчаси қизиқ бўлмайди-да, Холмсчасига бўлсин-да, дўстим.

— Ўша куни домла билан бу ерга келган киши оёғига 43-размерли этик кийган. У узун бўйли саргиш одам. Ўнг оёғини оқсаб босади. Ўнг қўли кафтида жароҳати бор. Ҳозир боғлаб юрган бўлиши ҳам мумкин. Костюмининг чап енгидаги тугмачаларнинг бири синиб тушган. У “Мальборо” сигаретини чекади. “Қибрай” пивосини хуш кўради. Ўша куни унинг қўлида учига мих қадалган таёқ ҳам бўлган, — дея хулосаларини баён қилди изқувар.

— Росмана ўхшатдингиз, Шерлок Холмс бўп кетинг-э, — дея завқланиб кулди Самандар.

— Нима бўпти, бизнинг Холмсдан қаеримиз кам. У ҳам сизу бизга ўхшаган оддий одам бўлган-ку. Унинг маҳоратида ҳеч қандай сир-синоат, муъжиза йўқ. У теран фикрлайдиган синчков кузатувчан бўлган, холос, — деб фикрини билдирди изқувар.

— Хуш, синчков изқуварнинг синчков мухлиси, домла Шодиев билан бу ерга бирга келган номаълум шахснинг муҳим белгиларини сиз қай йўсинда аниқлашга муяссар бўлдингиз, билсак бўладими?

Комил Умар дўстини тут остига бошлаб келди-да, энгашиб:

— Бу ерда икки кишининг излари қолган, — дея Самандарнинг эътиборини тортди. — Мана бу 41-размерли туфли изи, кўряпсизми? Иккинчиси 43-размерли этик излари. Омадни қарангки, ўша оқшом ёмғир ёққани учун излар лойга яхшигина ботган. Ундан кейин бу жойга бошқа биров келмаган кўринади, бўлмаса излар алақачонлар босилиб кетган бў-


ларди. Иккала из ҳам жар лабигача борган. У ерда яна 40-размерли пойабзал изи ҳам бор. У из жар лабига тут тагидан эмас, ўнг тарафдан беш-олти қадам наридан келган ва ўша томондан ортга қайтган. 41-размерли из жар лабигача бориб, ўша жойда қотган. У домла Шодиевга тегишли бўлиши ҳам мумкин. 43-размерли из эса орқага ёлгиз қайтган. Тутга бир қадам қолганда, ўнг оёқ лойга қаттиқ сирпаниб кетган. Из эгаси йиқилиб кетмаслик учун тут танасига ёпишган кўринади. Шунда қуриб қолган тут новдасининг бўлакчаси ўнг қўли кафтини кесиб юборган. Мана бу қон доғлари ўшанда қолган. Лойга тойганда, оёгининг учини қаттиқ қайириб олганидан қайтишда у товонини қаттиқ босиб чўлоқланиб кетган. Мана бу рўмолча ҳам унга тегишли бўлиши мумкин. Ундаги доғлар қон юқининг ўзгинаси. Кесилиб кетган қўлини рўмолча билан боғлаган, ҳаяжонланиб шошганлиги боис уни тушириб қолдирган кўринади.

— Унинг сариқ одам эканлигини қайдан билдингиз? — диққат бўлиб сўради Самандар.

— Дастрўмолча четида уч тола сариқ соч ёпишиб қолган экан. Шунга асосланиб унинг сариқ одам бўлиши мумкинлигини тахмин қилдим, — дея жавоб қилди изқувар.

— Костюмининг чап енгидаги тугмачанинг синганлигини қандай аниқладингиз? — дея ажабланди Самандар.

Комил Умар боя тут тагидан топган ашёларни — яримта малларанг тугмача, “Мальборо” сигарети қолдиги ва “Қибрай” пивоси шишасини сумкасидан чиқа-



риб кўрсатган эди Самандар анқайганча индамай қолди.

— Тагин бир нарсани сўрашни унутдингиз, дўстим, — деди изқувар кулиб.

— Нимани? — эсига келмай сўради Самандар.

— Учи михли таёқни. Бошқа нарса бўлмаса-да, ўша таёқ унинг қўлида бўлганлиги аниқ! Чунки ўша предмет айнан қотиллик воситасидир! У ўша таёқ билан домлани жардан пастга итариб юборган! Энди анави ердаги ўтларнинг пайҳон қилинганига келсак, у шу жойда кимнидир кутиб ётган ё кимдандир яширинган бўлиши мумкин.

— Учинчи из — 40-размерли пойабзал эгасиникими, эҳтимол? — дея секин ўзича қўшимча қилди Самандар.

Изқувар эҳтимол дегандай секингина бош силкиб қўйди.

Шундай кейин адирнинг чап томонидан айланиб қиялаб, жарнинг тубига, домланинг жасади топилган жойга тушишди.

Бу ердан бир нарса аниқлаш амри маҳол бўлди. Сабаби, жасадни топган чўпоннинг, уни текширгани келиб олиб кетган милиция ходимларининг бир неча излари айқаш-уйқаш бўлиб кетганди.

VI

Жар остидан ҳеч нарса тополмаган икки дўст ҳафсаласи пир бўлганча бир оздан кейин қишлоққа тушиб боришди.

Қайта тикланаётган қадимий масжид олдида тўхташиб, ишлаётган усталарнинг ишларини томоша қилишаётганди, орқа тарафда нимадир юмуш билан куймаланиб юрган ҳожи Адҳамбек очиқ юз билан уларнинг олдига ўтиб келди. Унинг ўнг қўли кафти бинг билан боғланганлиги изқуварнинг диққатини тортди. Кеча кечқурун Абдумалик домла билан марҳумникига келганида ҳам ҳожининг қўли боғлиқлигини кўрганди-ю, аммо унча эътибор қилмаганди.

Ҳожи Самандарнинг қурилиш ҳақидаги саволларига камтарона жавоб бераркан, масжидни айланиб қаерда қандай устун, қаерда эшик ўрнатилишини тунтирарди. Изқувар уларнинг ортидан зимдан кузатиб, ҳожининг пойабзалидан кўз узмасди. Сал юришиб, майин тупроқ устидан ўтиб кетишганди, Комил Умар ўша жойда тўхтаб энгашди-да, боя жар лабида учратган 40-размерли изни кўз олдига келтириб, ҳожининг ҳозиргина тупроқда қолдириб кетган излари ўша изларга ўхшаб кетишига ажабланиб қолди. Демак, ҳожи ҳам ўша оқшом баланд жар томонга борган экан-да, деган хаёлга борди у.

Тахланган тахталар ёнидан ўтар экан, ҳожининг шу ерга суяб қўйган жимжимадор нақшли чиройли ҳассасига кўзи тушди унинг. Қизиқсиниб ҳассани қўлига олиб, айлантириб кўрди. Ҳасса учи тез ейилиб кетмаслиги учунми, ўша жойига ўн сантиметрли учи

ўткир темир қоплама ўрнатилганди. Бу нарса ҳам изқуварнинг диққатини янада ошириб, таажжублантириб қўйди. Боя қирда Самандарга гумон қилинувчи шахснинг қўлида учи михли таёқ бўлган дегани шу таёқ эмасмикин?

Самандар масжидни айланиб чиқиб, ҳожи билан келаётганида, Комил Умар ҳозиргина аниқлаган нарсаларини дафтарчасига ёзиб қўяётган эди.

VII

Изқувар хумори тутиб, сигарет олмоқчи бўлиб чўнтагига қўл солганди, сигарет қутиси бўш чиқди. Масжиддан қайтишаркан, юринг сигарет олайлик, деб Самандарни қишлоқ дўконига бошлади.

Ҳамма нарса дид ва тартиб билан терилган шинамгина дўконда икки йигит пиво ичиб ўтиришарди. Улардан бири — бўйи узун саргиш жингалак сочли кўк кўз йигит дарҳол изқуварнинг диққатини тортди. У чап қўлидаги “Қибрай” пивосини гуё чанқогини бостираётгандек, секин-секин, тўхтаб-тўхтаб симираб эди. Изқувар дўстига уни кузатинг, дея имо қилиб қўйди.

Ҳалиги йигитнинг ҳам ўнг кафти бинт билан боғланганди.

Комил Умар сигарет тутатганча унга яқин борди-да, унинг енгига, оёғидаги этигига яхшилаб назар солди. Енгида ҳали ҳам яримта тугма илиниб турарди. Этигининг қўнжига қизғиш дастали қамчи тиқиб олганди. У пивосини ичиб бўлгач, ўнг оёғининг учини кўтариб, сал оқсоқланганча икки қадам босиб, бўш шишани пластмаса қутига солиб қўяётганида, изқувар

боя адирда белгиларини тахминан баён қилган кимса айнан шу одам эканлигидан Самандарнинг оғзи очилиб қолаёзди. Ичида дўстининг теран кузатувчанлиги ва иқтидорига тагин бир карра қойил қолди.

Ташқарида турган малла ранг ювош от уники эди. Йигит гўё отини биров олиб кетиб қолаётгандек эшикдан тез-тез қараб қўяр эди.

Қишлоқдан чиқиб кетганига қарийб йигирма йилча бўлганлиги учун Самандар бу йигитни танимади. Сотувчидан кимлигини аста сўраган эди, уни собиқ бош агроном Тўрақул Тоштемировнинг ўгли Тургун эканлигини айтди. Ҳозир у қишлоқда посбон бўлиб хизмат қилар экан.

— Эй, Шариф, — дея сотувчига юзланди Тургун. — Тунов кунги мақтаб берган шампунинг бошимнинг кепагини тўкишнинг ўрнига сочимни тўкиб ташлади-ку, жўра. Буни қара, эрта-индин кал бўп қолмасам гўрга эди.

Тургун шундай дея чап қўли билан сочини тароқлаганди, бармоқларига томири мўрт соч толалари ёпишиб тушди. У кўрдингми дегандай Шарифга қўлини кўрсатиб пуфлаганди, сариқ соч толалари ойнали пештахта устига учиб тушди.

— У бўлмаса, бошқасини — қимматроғини ол-да, — дея маслаҳат солди сотувчи.

Бу ҳолни кўздан қочирмай турган Комил Умар секин бориб, ойна тагига қўйилган молларни томоша қилган бўлиб, ҳалиги соч толаларини сездирмай йиғиштириб олди.

Бир маҳал дўконга қорачадан келган ўн тўрт ёшли бир ўспирин кирди-да:

— Ие, Тургун ака, шу ердамидингиз? — деди ҳансираб.

— Ҳа, тинчликми, нима дейсан? — дея ўспирин томон бурилди йигит.

— Бошқум бова сизни тез топиб кел деб юборди, — деди ўспирин. — Зарил ишлари бор эканми-ей.

— Духтирхонага бирров кириб чиқай, кейин бораман, — дея истамай жавоб қилди Тургун.

— У ерда нима қиласан, ошна? — дея сўради пивохўрлик қилиб ўтирган ҳамроҳи.

Тургун ўнг кафтини кўрсатиб:

— Манави ярамни эрталаб боғлатаман деб ҳеч қўлим тегмади, — деди. — Йиринг боғлаган шекилли, сал оғриб турибди.

У улфати билан дўкондан чиққани ҳамоно Комил Умар сотувчига сездирмай, Тургун бўшатган пиво шишасини сумкасига солиб олди-да, Самандарга кетдик ишорасини қилиб ташқарига йўналди.

VIII

Тургун Тоштемиров қишлоқ амбулаториясига кирган заҳоти икки дўст ортидан етиб бордилар.

Жарроҳ эртароқ кетгани учун беморларни унинг тажрибали ҳамшираси Манзура қабул қилиб, унча жиддий бўлмаган яраларни кўриб, қайта боғлаб юборар эди. Тургун беш дақиқаларда ярасини боғлатиб чиқиб кетди. Унинг ортидан чиққан Манзура Самандарни таниб — у журналистнинг синглицси билан бир синфда ўқиган эди — қувонганча кўришиб қолди. Бундай қулай фурсатдан фойдаланган Комил Умар лип этиб операция хонасига ўтди-да, сирланган те-

мир косачадаги ҳозиргина Тургуннинг ярасидан оққан қонни дори столида турган бўш шприцга тортиб, целлофан халтачага солиб ўраб, сумкасига жойлаштирди.

Манзура билан хайрлашиб, ташқарига чиқишса, Тургун отни миниб жўнаворган экан.

IX

Кечқурун домла Шодиевнинг девор-дармиён қўшниси Зоҳид ака меҳмонларга ош чиқартириб, улар билан гурунглашгани ўтди. Ош-сувдан кейин Комил Умар Зоҳид акага ишга алоқадор бир неча саволлар билан муурожаат қилди.

Изқувар: Кейинги пайтларда домланикига бирор-бир шубҳали одам келиб кетмаганмиди?

Зоҳид ака: Четдан бегона киши келганига ҳеч кўзим тушгани йўқ, тўғриси.

Изқувар: Танишлардан кимлар кўп келишарди? Домла кимлар билан гурунглашишни ёқтирардилар?


Зоҳид ака: Мен кунора зерикканимда ўтиб турардим. Қишлоғимизнинг посбони Тургунбой ҳам ҳар оқшом домланинг олдида келиб турарди.

Изқувар: Тургунбой денг, тушунарли. Хўш, яна кимлар?

Зоҳид ака: Тагинми, тагин ҳожи Адҳамбек. Домла бу кишини жуда хурмат қилар, икковлари анча иноқлашиб қолишганди.

Изқувар: Тургунбой ҳар кеч домланикига нима сабабдан келишини билмайсизми?

Зоҳид ака: Тургунбой ўқишга кириш ниятида тарихдан домланинг қўлида тайёрланиб юрувчи эди. Тарих фанига жудаям қизиқади-да, шу бола.



Изқувар: Айтинг-чи, кейинги пайтларда домла бир киши билан тортишиб, жанжаллашиб, сан-манга бориб қолмаганмидилар? Бирор одамнинг у кишида хусумати бормиди? Биласизми, бу жудаям муҳим. Яхшилаб ўйлаб кўринг, илтимос.

Зоҳид ака: Раҳматли мўмин-қобил одам эди. Кимнинг ҳам у кишида хусумати бўлиши мумкин, ҳеч тугунмайман. Жанжаллашиб, сан-манга боргани ҳам йўғ-у, аммо ўзининг ҳақлигини исботлайман деб тортишиб қоладиган одати бор эди.

Изқувар: Охирги марта ким билан қаттиқ тортишганди домла?

Зоҳид ака: Ҳожи Адҳамбек билан.

Изқувар: Шунақа бўлганмиди ҳали? Нима хусусида тортишишганди улар?

Зоҳид ака: Умар Хайёмнинг рубойлари устида тортишишганди.

Изқувар: Э, бу қизиқ-ку, қани батафсилроқ айтиб беринг-чи бизга.

Зоҳид ака: Эрали ака раҳматли, ҳожининг даъватларига қулоқ тутиб, ибодатга кириб, номозу ниёзни бошлаб юборган бўлсалар-да, кўнгиллари тусаганида, ҳожига сездирмай, оз-моз ичиб турардилар. Бир оқшом икковимиз пивоҳўрлик қилиб ўтирувдик, кутилмаганда ҳожи ака келиб қолсалар бўладими?! Ҳожи домладан ҳафсаласи пир бўлган бўлса-да, уни қаттиқ изза қилишни ўзига эп кўрмай: “Одам бир тавба қилгандан кейин аввалги гуноҳларини қайтармаслиги керак”, — дея насиҳат қилганди домла кайф устида ўйламай-нетмай: “Тақсир, ҳазрат Навоий ҳам, Умар Хайём ҳам май ичиб, унинг лаззатидан баҳраманд

бўлишганидан, май ич деб ёзишган-да. Май ичиш унчалик гуноҳ бўлмаса керакки, қадимгилар бекорга ичавер деб айтишмагандир”, деб юбордилар. Ҳожи домланинг гапидан аччиқланиб, қовоқларини уйиб: “Нима, сиз Хайём билан Навоийнинг май ичганларини кўрганмисиз?!” — дедилар. Домла ҳожидан бундай гапни кутмаганидан нафасини ичига ютиб индамай қолди. Ҳожи: “Ўшандоқ саодатманд, мусулмонобод замонларда комил мусулмон, авлиёсифат зоти киромлар май ичишнинг гуноҳи кабира эканлигини била туриб наҳотки ичишган бўлишса?!” — дея гапини давом этди. “Сиз тасаввуф ва тасаввуф адабиёти нелигини билурмисиз ўзи, биродари азиз? Ул зотлар май деганда илоҳий ишқни, майхона деганда суфийлар йиғиладиган маконни, майхўр дейилганда кўнглида илоҳий ишқ бўлган бандани билишган. Май ич дейилганда эса, кўнглингни ишқ билан тўлдириш тушунилган, билдингизми? Сиз бўлсангиз қаердаги гумроҳларнинг бўлмағур гапларини айтиб ўтирибсиз-а! Бундоқ сўзларни китоб кўрмаган оми одам айтганида ажабланмас эдим. Аммо сиздек дорилфунун таҳсилини олган муаллим айтганидан минг таассуфдаман!”

Эрали аканинг нотўғри бўлса-да, ўз фикрида туриб оладиган бемаза одати бор эди. У ҳожининг гапидан қоникмади шекилли, шартта ўрнидан туриб, жавондан Хайёмнинг китобини олиб, ишонмасангиз, ана ўзингиз кўринг, дегандай меҳмоннинг олдига қўйди. Унинг бу қилиғи ҳожининг нафсониятига тегиб кетгандай бўлди. Ҳожи шарт-шурт фотиҳа қилди-да, ҳайф сизга шунча тушунтирганларим дегандай домлага бир ўқрайиб қаради-да, хайр-хўшсиз индамай чи-

қиб кетди. Икковларининг ораларида бўлиб ўтган бор гап шу, ука.

Изқувар: Шундай қилиб, улар неча кун аразлашиб юришди?

Зоҳид ака: Аразлашиш қатта, эртасигаёқ домла мачитга бомдодга бориб, кечаги гаплари учун ҳожидан астойдил узр сўрабдилар. Ҳожи ошналарининг узрларини дарҳол қабул қилиб, меҳр билан домлани багирларига босибдилар.

Изқувар: Ўша кечда домланинг баланд жарга кетаётганларини кўрганмидингиз?

Зоҳид ака: Кўча эшиги шамолда очилиб кетган экан, ёпгани чиқаётувдим, домлага кўзим тушиб қолди. Кўлларида фанар, қайгадир шошаётган эканлар. “Ҳа, йўл бўлсин, кечда қайга отландингиз” девдим, у кишим: “Турғунбой ҳозиргина келиб, баланд жарнинг тагида ажина кўрдим девди, шуни бир текшириб келай, чинми ё ёлгонми бу гап”, — дегандилар.

Изқувар: Қанақа ажина?

Зоҳид ака: Одамлар оғзида бир замонлар баланд жарнинг атрофи жинлар макони бўлган деган гап-сўзлар юради. Ҳамма ишонса ҳам домла бу гапларга сира ишонмасдилар-у, бироқ нима сабабдан ўша кун жар томонга ошиққанларига ҳайронман!

Изқувар: Ўша кеч Турғун Тоштемиров домланикига келиб-кетганини кўрганмидингиз?

Зоҳид ака: Йўқ, кўрмаганман. Мен кўчага чиқмасдан бурун келиб-кетган бўлса, эҳтимол.

Изқувар: Домланинг кайфлари бормиди?

Зоҳид ака: Ҳа, пиво ичгандилар чамаси.

Изқувар: Ушандан кейин бошқа биров домлани сўраб келмадими?

Зоҳид ака: Ўн беш дақиқалар ўтиб, дарвоза тақиллади. Чиқиб қарасам, Адҳамбек ҳожи эшик олдида турибдилар. Ҳа, ҳожим, бундай кечда юрибсиз дегандим, у кишим: “Эрали домла оқшом ўтинг, сизда бир муҳим гапим бор деб эдилар, келсам, дарвозалари берк. Қайга кетдийкин?” — деб сўрадилар. Мен домланинг шошиб қайга кетганлигини айтгандим, ҳожи э, қизиқ-ку, деб бир зум ўйланиб олиб, кейин изига қайтди.

Изқувар: Демак, ҳожи ҳам домлани излаб келди денг. Яхшилаб эсланг-чи, ўша кеч ҳожининг қўлида ҳассаси бормиди?

Зоҳид ака: Ҳа, бор эди, кўча-кўйда қўлидан қўймайди-ку уни.

Изқувар: Билмайсизми, ҳожининг ўнг қўлига нима қилган? Яра-мара чиқмаганми?

Зоҳид ака: Э йўғ-э, ярангиз нимаси. Ҳожим маҳитда усталарга қарашаман деб теша билан қўлларини чопиб олибдилар, деб эшитдим.

Шу билан савол-жавоб тугади.

Зоҳид ака кетгач, Самандар:

— Хўш, бугунги кузатувлар-у, савол-жавоблардан кейин қандай хулосаларга келдингиз? — деб сўради. — Турғун Тоштемиров асосий гумондорингиз бўлиб чиқяпти шекилли. Қотил ўшамикин? Магазинда учратган ҳалиги йигит қўлида учи михли таёқ йўқлигини ҳисобга олмаганда, айтган ҳамма белгиларингиз унга тўғри келяпти. Сизнинг синчковлигингизга яна бир бор қойилман, дўстим!

— Қадримга етганингиздан миннатдорман, — дея кулумсиради мақтов ёқиб тушган изқувар. — Энди учи михли таёққа келсак, қотил уни ўша куниеқ йўқ қилган ҳам бўлиши мумкин.

— Шундай қилиб, асосий гумондор Тургун Тоштемиров, — дея такрорлади Самандар.

— Яна бошқа гумондор ҳам йўқ эмас, — дея мингирлади изқувар сигарет қолдигини кулдонга босаркан.

— Кимни назарда тутаяпсиз? — ажабланди Самандар.

— Бу ҳали унчалик аниқ эмас, шунчаки тахмин, — хотиржам жавоб қилди изқувар.

— Зоҳид акадан шубҳаланмаяпсизми ишқилиб?

— Э, йўғ-э, нималар деяпсиз? — дея кулди изқувар. — Одамни бир марта сўроқ қилган билан гумондор бўлиб қолавераркан-да. Одамни айблаш учун инкор қилиб бўлмайдиган далиллар бўлиши шарт. Агар ўшандай далиллар топилса, иккинчи гумондорнинг кимлигини сизга айтаман. Ҳозирча ким экан у деб ичингиз қизимай турсин, хўпми?

Х

Эртасига тушга довуру яқин-йироқдан фотиҳа келиб кетувчиларнинг қадамлари узилмади.

Комил Умар атрофни айланиб, яна ўша кунги воқеадан хабардор кишиларини топиб суҳбатлашмоқчи эди-ю, аммо қишлоқда бегона бўлгани учун Самандарсиз бирор жойга боролмай ўтирарди.

Пешиндан кейин Самандар: “Юринг, бизнинг ҳовлига ҳам бир бориб келамиз”, — дея сиқилиб ўтирган изқуварни домланикидан олиб чиқди.

Қишлоқ чеккасидаги деворлари нураб, харобалашаётган қадимий иморат ёнидан ўтишар экан:

— Шу уйда ҳам одам яшайдими, а? — дея сўради изқувар ажабланиб.

— Бу ҳовлида анчадан бери ҳеч ким турмайди, — дея жавоб қилди Самандар.

— Нима учун? Шундай обод қишлоқнинг чиройини бузиб турган бу ташландиқни обод қиладиган бирор кимса топилмаса-я?!

— Бир замонлар бу ҳовли бир бойники бўлган, у чет элга қочиб кетаётиб бу уйда меңдан кейин ҳеч ким яшамасин деб ёмон дуолар қилиб кетган дейишди. Бировлар бу уйда жинлар макон қўйган, ким бу ҳовлида яшаса, уни жинлар чалиб кетади дейишди, — дея мужмал жавоб қилди Самандар.

— Ҳеч ақлим етмайди: жин одамни қандай қилиб чаларкин-а? — дея қизиқсинди изқувар.

— Мана масалан, одамларнинг айтишларича, шу уйда яшаганларнинг бир нечтаси сал ўтиб одамнинг ақли бовар қилмайдиган галати-галати гапларни айтиб валдираб қолишаркан. Ўзларича бирдан бой бўлиб кетишармикинми-ей, кўрган кишисига қоп-қоп тилла ваъда қилишармикинми-ей? Хуллас, жин чалгандан кейин шунақа бўп қолишаркан-да.

— Ие, бу жуда қизиқ-ку, а?! — таажжуби ортди изқуварнинг.

Элик-олтмиш қадамлар юрилгач, Комил Умар ортига бурилиб қараб:



— Э, анави ким? Уша ҳовлидан чиқиб кетаётган Тургун эмасми? — дея Самандарнинг эътиборини тортди изқувар.

— Ҳа, ўшанга ўхшайди.

— Бу ташландиқда нима қилиб юрибдйкин?

— Посбон-ку, бирон нимани текшириб юргандир-да.

— Ё униям жин-пин чалдимикин?

— Ким билади, агар тилла бераман деса, жин чалгани аниқ, — дея кулиб қўйди Самандар.

Самандарларнинг ота ҳовлисида бир оз дам олишгач, изқувар топган ашёларини экспертизада текширтиргани шаҳарга жўнади. Уша ташландиқ уй ёнидан машинасини секин ҳайдаб ўтар экан, ҳовлига Ад-ҳамбек ҳожининг кириб кетаётганйга кўзи тушиб, бу одам бу ерда нима қилиб юрибдйкин, дея ажабланди.

XI

Самандар изқуварни шаҳарга кузатгач, ота-онасининг ёнида шомгача дам олди-да, кейин дадасидан рухсат сўраб, домласининг чироғини ўчирмаслик учун укаси билан таъзияхонага йўл олди.

Домла Шодиевнинг китобларга лиқ тўла хонасини маҳзунлик ила кўздан кечириб чиққач, устозининг ёзув столи яқинига бориб, эски курсига хўрсинганча ўтирди. Столнинг чап тарафида жўгрофияга оид бир неча дарслигу қўлланмалар тахланганди. Унг тарафда эса Умар Хайёмнинг турли йилларда нашр қилинган уч-тўртта китоби турарди. Самандар улардан бирини қўлига олиб, ҳафсала билан варақлашга тутинди. Қайта-қайта ўқилганидан китобнинг саҳифалари анча

уриниб қолганди. Домла эринмасдан ҳар бир рубоийдаги ўзига маъқул келган мисранинг тагига қалам билан чизиб қўйган, баъзи рубоийлар ҳақида фикрларини китоб ҳошиясига чиройли қилиб ёзганди. Қолган иккита шеърӣ китоблар ҳам шу аҳволда эди. Бешинчиси — юпқагина “Наврӯзнома” деган китобча экан. Бу Хайёмнинг наср йўлида ёзган рисоласи эди. Самандар ҳалигача Умар Хайёмнинг насрда ҳам ижод қилганидан беҳабар эди. Шу боис бу китобча унинг диққатини ўзига қаҳрабодек тортди-қўйди. Китобнинг “Дафналарнинг аломатлари” бобидан ажабтовур маълумотларни ўқиб ҳайрон қолаёзди.

“Агарда ерда хазина ёки дафна бўлса, ўша ерда қор турмай эриб кетади, — деб битилган эди китобда. — Дафнанинг аломатларидан бири шуки, уруғ сепилмаган ерда ██████████ ўсиб чиқади, бу ўша ерда дафна борлигидан далолат беради. Агар тоғ ёнбагрида, аҳоли турадиган ердан узоқда кунжут ёки бақлажон ўсганини кўрсалар, дафна борлигини аниқлайдилар”.

Шунга ўхшаш ғаройиб маълумотларнинг тагига домла қора қалам билан қалин қилиб чизиб қўйган эканлар. Самандар фақат бир нарсага: “...уруғ сепилмаган ерда ██████████ ўсиб чиқади”, гапи олдидаги сўзни домла нега ўқиб бўлмайдиган қилиб ўчириб ташлаганига ажабланди. Уруғ сепилмаган ерда нима ўсиб чиқиши мумкин, дея роса боши қотди унинг. Бу жойда қандай сўз бўлиши мумкин? Домла биров бун билмасин дея атайлаб ўчириб ташладимикин?! Мана бу ҳам бош қотирадиган бир жумбоқ энди! Балки ўчирилган худди шу сўзнинг ишга муҳим алоқаси бўлса-чи?!

Комил Умар эртасига тушдан кейин қишлоққа қайтди.

— Экспертиза натижалари ижобийми ишқилиб? — дея қизиқсинди Самандар.

— О, бўлмасам-чи, дўстим! Бизники доимо кўн-гилдагидек ижобий-да! — дея жилмайди изқувар.

— Қани, бўлмасам эшитайлик.

— Дастрўмолчадаги қон юқи ярадан оққан қон билан бир хил чиқди. Пиво шишаларидаги бармоқ излари ҳам соч толалари ҳам бир шахсга — Турғун Тоштемировга тегишли эканлиги тасдиқланди.

— Мен ҳам шундай бўлса керак деб ўйлагандим, — деди Самандар. — Демак, қотил ўша экан-да?!

Комил Умар секин бош чайқаб:

— Бундай деб хулоса чиқаришга ҳали эрта, — деди. — Қон ва соч толаларининг бир-бирига ўхшаш келиши Тоштемировнинг қотил эканлигига далил бўлмайди. Қотил бўлиб чиққанда ҳам, унинг жиноят қилаётганини ҳеч ким ўз кўзи билан кўрмаган. Буни исбот қилиш мушкул. Ҳаммадан шубҳа қилса ҳам милиция ундан шубҳа қилолмайди, чунки органга тегишли одам. Бу биринчидан, иккинчидан ўша оқшом баланд жарга Тоштемировдан ташқари яна бир киши борган. Жар лабидаги учинчи изни эслайсизми? Ўша шахснинг қўлида ҳам учи михли таёқ бўлган. Иккинчи шахсни ҳозирча бундан мустасно қилиб туриб, Тоштемировни қаттиқ шубҳа остига олганимизда ҳам, бу ҳали ҳаммаси эмас, дўстим. Энг муҳими: унинг нима мақсадда бу ишга қўл урганлигини аниқлашдир.

— Иккинчи шубҳаланган шахсингиз ким? — диққати ошиб сўради Самандар.

— Адҳамбек ҳожи.

— Нима дедингиз? Ҳожидан шубҳаланишми ҳали? — ҳайроналиги ошди Самандарнинг. — Бундай дейишга қандай асосингиз бор, ахир?!

— Биринчидан, жар лабидаги учинчи из ҳожига тегишли. Иккинчидан, ҳожининг ҳам ўнг қўли жароҳатланган. Учунчидан эса энг муҳими — ҳассасининг учида ўткир учли темир қоплама бор, — дея жавоб қилди изқувар далилларим етарлидир дегандай қошларини кўтариб қўйиб.

Самандар бу нарсани сира хаёлига келтирмагани учун наҳотки дея ўйланиб қолди.

— Адҳамбек ўша оқшом нима сабабдан баланд жарга борди экан? Агар мана шуни ҳам аниқласак эди, калаванинг бир учини топган бўлармидик? — деб хўрсинди изқувар. — У кишидан шубҳаланишимнинг яна бир сабаби: Тургун кузатиб юрган ҳалиги ташландиқ уйга мен шаҳарга кетаётганимда, ҳожи ҳам кириб кетди. Бу ҳовлида қандай сир бўлиши мумкин?

Бир оздан сўнг Самандар кеча Умар Хайёмнинг “Наврўзнома” сидан ўқиганларини изқуварга сўзлаб, китобни унинг олдига қўйди. Комил Умар ҳалиги маълумотларни диққат билан ўқиб чиққач, у ердаги ўчирилган сўз нима бўлиши мумкин дея боши қотиб қолди. Китобни ҳам экспертизага олиб бориш керак экан, дея дўстига юзланди.

— Сизга яна бир муҳим маълумотни айтмабман-ку, — деди Комил Умар китобни ёпиб. — Домла Шодиевнинг тирноқлари орасидан олинган тупроқ намуна-сидан тилла кукуни чиқди!

— Нима-нима? Тилла кукуни дейсизми?! — баттар ҳайроналиги ошди Самандарнинг.

— Домлангизнинг ўлими оддий тасодифий ўлимга ўхшамаяпти назаримда. Бу ерда олтин билан боғлиқ бир жиддий нарса борми дейман. Олтин — ёмон нарса. У не-не одамларни васвасага солмаган дейсиз!

— У киши археологияга ҳам жуда қизиқардилар, — дея эслай кетди Самандар. — Қишлоқдаги қадимий тепалиқда археологлар қазिश олиб борган пайтларда уларнинг ёнларига бориб, кўп суҳбатлашардилар. Баъзида дарсдан кейин бизларни ҳам қазिशга олиб борардилар. Домла эски танга ва пулларни йиғишни яхши кўрардилар. Тарих кабинетида кичкина музей ташкил қилиб, ҳар хил пул ва тангалардан экспонат тайёрлагандилар. Уйларида ҳам қадимий тангалар коллекцияси бўларди. Беш-олти йил бурун бир келганимда “ҳазина”ларини кўрсатиб мақтаниб қўйгандилар.

— Уша коллекциялари қаерда экан? Бир излаб кўрмаймизми? — деди изқувар калаванинг учи шунга тақалармикин деган илинжда.

“Хазина”ни топишда унча қийналишмади. У китоб шкафининг пастида эски малларанг дипломатда экан. Комил Умар эринмай, элликтача қадимий тангани лупаси билан бирма-бир текширишга киришиб кетди.

— Ичида тўрт дона тилласи ҳам бор экан. XVI асрда Бухорода зарб қилинибди, — деди у ниҳоят бошини кўтариб.

— Қани, қани мен ҳам бир кўрай-чи, — дея ҳайрат билан тангани қўлига олди Самандар.

— Булар яқинда топилган тангалар, — деди ишонч билан изқувар. — Қаранг, тупроқдан яхшилаб тозалашга улгурилмабди ҳам.

— Қизиқ, домла буларни қаердан топдидийкин?

— Шодиев буларни бирор ердан ўз қўли билан қазиб олган кўринади. Бўлмаса тирногининг орасидан тилла кукуни аралашган тупроқ чиқмасди.

Олтинларнинг бири кичкинагина сопол синигига ёпишиб қолган экан.

— Демак, тиллалар сопол кўзанинг ичида бўлган, — деди изқувар қатъий ишонч билан.

— Нима, сиз домла бир хумча олтин топганлар де-моқчимисиз? — дея таажжубланди Самандар.

— Ҳа, тахминимча шундай, — дея енгил хўрсинди изқувар. — Энди ўша хумчани излашимиз керак. Агар уни топсак, катта бир жумбоқни ечган бўлардик-да.

— Қаердан ахтарамиз уни?

— Қаердан деганингиз нимаси, шу уйдан-да, — дея кулди изқувар. — Қани айтинг-чи, дўстим, ҳозирги замонда бир хумча тилла топган одам уни қаерга беркитиши мумкин, а?

— Бўлса сейфда, бўлмаса сандиқда-да!

— Айтган жойларингиздан хазинани ўмариб кетишлари ҳеч гапмас.

— Хўш, ўгирлаб кетмасликлари учун қаерга яширишлари мумкин?

— Бу жуда оддий, дўстим, — дея жилмайди изқувар. — Ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, ўша хазина топилган жой — ернинг остига-да!

— Тиллалар қайта кўмиб қўйилган демоқчисиз-да, шундайми?

— Ақлингизга балли!

— Унда бизга тилла излайдиган махсус аппарат керак бўлади-ку.

— Эътибор билан яхшилаб ахтарсак, ўшасиз ҳам топамиз.

XIV

Самандарнинг фикрини билиш учун изқувар:

— Хазина қаерда яширилиши мумкин? — деб сўради.

— Қаерда бўларди, ўзингиз ер остига дедингиз-ку, — жавоб қайтарди Самандар.

— Қайси хонада демоқчи эдим.

— Бирон-бир кўзга ташланмайдиган четроқ жойда-дир-да, — тагин билмасам дегандай елка қисиб қўйди Самандар. — Ертўладамикин?

— Бу уйнинг ертўласи йўқ экан.

— Балки молхона ёки сомонхонадамикин?

— Айтган жойларингизни келган кунимиз кўздан кечирганман. Икки-уч йилдан бери бу уйда мол-пол ҳам боқилмаган, сомон-помон ҳам йиғилмаган, дўстим.

— Бундай қилсак, аввал шу тўрт хонани яхшилаб текшириб чиқсак-чи.

Хоналарнинг ҳаммасига тахта пол қоқилган бўлиб, бирор-бир жойда тахта қўпорилмаган эди. Шунинг учун бу ердаги текширув бесамар кетди.

— Энди фақат битта жой қолди, — деди изқувар айвонга чиқиб уйланганча.

— Ошхонани назарда тутаяпсизми? — эринибгина сўради Самандар.

Комил Умар сигаретини чекиб бўлгач, шундоқ дея бош ирғаб ошхона томон юрди. Беш дақиқалар ўтмай у ичкаридан:

— Бу ёққа келинг-чи, — дея чақирди.

Изқувар идиш-товоқ столи устидаги кир клёнкани кўтарганча энкайиб турар эди. Стол остига иккита ўн литрли бидонлар ёнма-ён қўйилганди.

— Эътибор беринг-а, идишлар пишиқ гишт устига қўйилган, — дея кўрсатди изқувар.

— Бунинг нимаси ажабланарли?

— Сиз гиштга эмас, унинг атрофидаги тупроққа қаранг-да, дўстим, — дея таъкидлади изқувар.

— Хўш, нима бўпти шунга? — деди ҳафсаласизлик билан Самандар. — Каламушми, сичқонми ковлаб ташлагандир-да.

— Агар сиз айтганча емирувчилар ковлагандами, тупроқ бир жойга уйилиб қолиши керак эди. Бу ерда аввал тупроқ текисланиб, сўнг устига гишт бостирилиб қўйилган. Бидонлар сал оғир бўлгани учун гишт янги тупроққа ботиб ҳам қолган.

Стolni четга олишиб, бидонларнинг огзини очиб кўришганди, бирида беш килоча эски асал, иккинчисида шунча зигир мойи борлигини кўрдилар. Идишларни четроққа олишиб, тупроққа сал ботган тўртта



пишиқ гиштни ўрнидан силжитишди. Самандар қазиш учун ташқаридан теша топиб келди. Икки қаричча қазишгач, тешанинг учи тақ этиб тошгами, гиштгами теккандай бўлди.

Самандар юраги гупиллаганча қолган тупроқни кўли билан тез-тез олиб ташлаганди, қандайдир эски кўзачанинг оғзи кўринди. Кўзачани тупроқдан тозалаб, уни ичкарига олиб киришди. Ичидан олтмиш олтита тилла тангалар чиқди. Комил Умар тангаларни лупа билан синчиклаб текшириб кўриб, булар домланинг коллекциясидан топилган ўша тўртта олтиннинг ҳамроҳлари эканлигини айтди.

Эндиликда бу кўзачанинг қаердан, қандай қилиб топилгани улар учун катта жумбоқ бўлиб турар эди.

XV

Майор Рустам Қосимов янги келган газетадан “Тўрга тушган фирибгарлар” сарлавҳали мақолани диққат билан ўқиб чиқиб, матн остидаги муаллифнинг исм-шарифига кўзи тушгач, бир зум ўйланиб қолди. Яқин кунларда қаерда учратган эди-я шу исмни? Эсига тушди: анави қўргонтепалик марҳум домла Эрали Шодиевнинг иши юзасидан келиб кетган йигит-ку бу. Домланинг ўлими тасодифий эмас, дея майордан пича ранжиб чиқиб кетганини эслади. “Қалами ўтқир журналист экан. Мақолаиям бошлаб ёзибди”, — дея хаёлга толди майор. “Журналист айтганидек, Шодиевнинг ўлими тасодифий бўлмай, қотиллик бўлиб чиқса-чи? Биз ишни бундай осонлик билан ёпиб юборган чоғимизда, у Республика прокуратурасига устимиздан арз қилиб, пойтахтдан катта терговчиларни эргашти-

риб келиб, тасодифий деб топилган ҳолатни қайта текшириб, ҳақиқатан ҳам қотиллик юз берганлигини аниқлатса-чи?! Унда ишимиз чатоқ бўлиши тайин”.

Эҳ, ўша кунлари таътилда бўлганлиги унга панд берди-да. Бўлмаса воқеа жойига ўзи бориб, ҳамма нарсани ипидан-игнасигача текшириб, нима бўлганлигини дарров аниқлардику-я! Аксига олиб, ўша куни прокурор Саидов ҳам пойтахтга чақирилганига нима дейсиз энди? У кишининг ўрниларига ёрдамчиси маҳмадона Солиев борган экан. Иш бошлаганига атиги икки йил ҳам бўлмаган бу бола ҳали ниманиям биларди. Саидов бўлгандами, бу ўлим ҳодисаси тасодифийми ё қотилликми дарҳол ечимини топиб берарди. Ўзига бино қўйган Солиев эса воқеа жойини тузукроқ текширтирмай, судмедэкспертизанинг “пивога арақ аралаштириб ичган”, деган шунчаки юзаки хулосасига кўра бу ўлимни тасодифий деб топган.

Журналистнинг гапига қараганда мархум баланд жарга қоронғи тушган маҳал борган. Кекса одам кечда у ерда нима қилади? Яна бир ўзи эмас, ёнида қандайдир ҳамроҳи ҳам бўлган дейишяпти. Ким экан ўша ҳамроҳи? Ростданам сирли ва ғалати ҳолатда бу. Эринмасдан, яна қайтадан кўрган-билганлардан яхшилаб суриштириш керак. Чувалаган калаванинг учи чиқиб қолса ажабмас. Кўргонтепага ўзи бориб келишига тўғри келади.

Анави журналист жим турмаслиги аниқ. Пойтахтдан терговчилар келиб, тасодифий ҳолатни бекор қилишиб, қотилликни аниқлашса борми, бу уларга катта “минус” бўлиши турган гап. Унгача тезроқ бориб, қотилни ўзи топиши керак!

Шу куни кечки “развод” дан сўнг Қўрғонтепа қишлоғи худуди нозир капитан Мансур Мейлиевни хузурига чорлаб, ўша иш бўйича яна қайтадан суриштирув олиб боришни тайинлади.

Орадан бир кун ўтиб, майор Рустам Қосимов тумандан Қўрғонтепа қишлоғига тушиб борди. Катта лейтенант Мейлиевнинг хонасида ўша иш юзасидан фикрлаб олишгач, нозир уч кундан бери қишлоқда икки бегона шахс ўралашиб юрганлиги ҳақида посбон Тоштемировдан маълумот олганлигини билдирди. Улар ҳозирда марҳум домланикида туришганмиш. Туннов куни икковлари ўша баланд жар томонга қараб кетишганмиш. Бу хабарни эшитгач, майорнинг хаёлидан: “Журналист пойтахтдан махсус мутахассисни эргаштириб келдимикин?!” — деган гумонли ўй ўтди.

— Ким экан улар? Шахсини аниқладингизми ўзи? — сўради майор.

— Биттаси журналистмушми-ей. Тошкандда катта газетада ишлармиш.

Бу хабарни эшитгач, майорнинг кўз олдида дарҳол Самандар келди.

— Иккинчиси унинг дўсти эмишми-ей. Посбоннинг айтишича, қовоқдор, сир бой бермайдиган жиддий шахс эмиш.

“Ким бўлиши мумкин бу қовоқдор ўта жиддий шахс? Журналист ҳеч кимга билдирмай, пойтахтдан олиб келган тажрибали, қилни қирқ ёрадиган изқувар ёки криминалистмикин?”

— Қани, юринг-чи, ўша сирли шахслар билан бир танишиб келамиз, — дея ўрнидан қўзғалди майор.

XVI

Комил Умар марҳум домланинг деворга осиглиқ турган катта дурбинига кўзи тушиб, болалик даврларини эслади. Бешинчи синфдалигида отаси унга дурбин совга қилган эди. У ҳовлиларидаги ёнғоқнинг баланд шохига қўрқмай чиқиб, тепадан дурбинда атрофни томоша қилишни яхши кўрарди. У дурбинни михдан олиб, ташқарига чиқди-да, дарвоза ёнидаги катта ёнғоққа чиқиб худди болалик чоғларида қилганидек, қишлоқни дурбиндан томоша қила кетди. Дурбин оддий эмас, ҳарбийларники бўлгани учун бир-икки чақирим наридаги нарсаларни ҳам аниқ-тиниқ яқинлаштириб кўрсатар эди. Бир маҳал унинг нигоҳи шу томонга қараб келаётган бири фуқаролик, бири милиция кийимидаги икки кишига тушди. У фуқаролик кийимидаги кишига узоқ тикилиб, уни кимгадир ўхшатгандай, кўзидан дурбинни олиб, ним табассум қилганча шохдан пастга сакраб тушди.

Дарвоза қия очиқ ҳолда турарди. Катта лейтенант бир-икки тақиллатди-да, жавоб бўлмагач, майорни ичкарига бошлаб кирди. Дарвозадан уйга қадар йиғирма қадамлар чамаси келарди. Улар ошхона олдидан ўтаётганларида, участка нозирининг орқасидан кимдир келиб, унинг чап қўлидаги чарм папкасини тортиб юборди. Мейлиев ерга тушган папкасини оламан деб эгилганида, ҳалиги орқадан келган одам эпчиллик билан унинг тўппончаси гилофини очди-да, кўз очиб-юмгунча ичидан ўқланган қуролни олиб қўйди. Мейлиев папка билан овора бўлиб буни сезмай қолди ҳатто.



Кутилмаганда орқадан жарангдор қатъий буйруқ янгради:

— Қўлингизни кўтаринг! Орқага бурилманг! Агар бурилсангиз ёки бир қадам ташласангиз отиб ташлайман!

Ҳаётларида сира содир бўлмаган бу ҳодисадан, милиция ходими бўлишса-да, икковлари ҳам ҳаяжонланишиб жойларида тўхтаб қолишди. Мейлиев секин қараса, тўппонча соладиган гилоф очиқ, қуроли олиб қўйилган.

— Биз билан ўйнашманг! Кимсиз? Биздан нима истайсиз? — дея сўради майор.

— Рустам Қосимов, энди секинлик билан менга қараб бурилинг-чи, кимлигимни балки биларсиз, — дея ҳалиги қатъий овоз бир оз юмшади.

Майор ортга аста бурилди-да, қурол тутган кишига анграйганча тикилиб қолди. Қаршисида тўппонча ўқталиб турган шахс — курсдош дўсти Комил Умаров боладимми дегандай жилмайиб турар эди!

— Комилмисиз?! — дея югуриб келиб уни қучоқлаб олди Қосимов.

— Қадрдоним, қалайсиз, соғ-саломат бормисиз?! Кўришмаганимизга ҳам минг йил бўлди-ёв. Ўххў, анча семириб қопсиз-ку, а, — дея майорни қучогидан бўшатди изқувар.

— Қилингангиз қурсин, одамнинг капалагини учуриб юбордингиз-ку, — деди Қосимов дўстини учратганидан хурсанд бўлиб. — Ўзингиз омонмисиз? Уй ичилар тинчми ишқилиб? Бу ерларга қандай шамоллар учирди, дўстим?

— Узр, бир ҳазиллашдик-да, — дея қуролни эгасига қайтарди изқувар.

Мейлиевга бу қалтис ҳазил ёқмагани учун оғринган кўйи тўппончасини гилофига солиб қўйди.

Самандар ичкарида диванга ётиб олиб, бир оз китоб мутолаа қилиб кўзлари толиқиб, пинакка кетганди. Ташқаридаги қақиллаган кулги ва гангур-гунгир овоздан уйғониб кетди. Урнидан илкис туриб, айвонга чиқиб, майор Қосимовга кўзи тушиши билан ҳафсаласи пир бўлди унинг.

Комил Умар меҳмонларни уйга олиб кириб, иш юзасидан олиб бораётган текширув ва кузатувлари ҳақида йигирма дақиқалар хабар бергач, майор ва участка нозирини баланд жар томонга бошлаб кетди. Кун тиккага кўтарилган, бу пайтда Самандарнинг баланд жарга боргиси келмади. Улар кетишгач, ёлғиз ўзи зерикди. Уйдагиларидан бир хабар олиб келиш мақсадида кўчага чиқди. Кетаётиб йўлда Адҳамбек ҳожига учраб қолди. Адҳамбек Қутбиддин ҳожиникидан чиқиб, мачит томон бораётган эканлар. Ҳожининг дилтортар суҳбатларидан баҳраманд бўлиш учун уйга боришни кечиктириб, у билан мачитга бирга борди.

Самандар Адҳамбекка тасаввуфга доир бир неча саволлар берганди, ҳожи жилмайиб туриб унинг саволларига шундай тушунарли, аниқ ва чиройли жавоблар қайтариб уни қаноатлантирди. Самандар ҳожининг арабу форс, туркий тилларни мукамал билишига қойил қолиб, унга бирам ҳаваси келдики.

Майор Қосимов Комил Умарнинг кекса тут ва жар атрофидаги текширув хулосаларини тинглаб, қаноат ҳосил қилди. Катта лейтенант Мейлиев эса бу қовоқ-

дор кишининг қилни қирқ ёрадиган синчков изқувар-
лигига қойил қолиб турарди.

— Шундай қилиб, ўша тахминингиздаги шубҳали
одамни учратдингизми ўзи? — сўради майор.

— Ҳа, учратдим.

— Қотилликда гумон қилиб, тезда уни қўлга олиш
керак бўлмаса!

— Мен бир кишидан эмас, икки кишидан шубҳа
қилиб турибман.

— Ким экан улар?

— Биласизми, уларнинг биттаси қотилликни содир
қилган. Менга яна икки кун муҳлат керак: қай би-
ри аниқ қотил эканлигини аниқлаб олишимга. Унгача
уларнинг кимлигини сизларга айтолмайман, уэр.

— Шунақами? Хўп, майли сизга ишонаман, дўс-
тим. Уни қўлга олганингизда менга хабар бериш эсин-
гиздан чиқмасин-а?!

— Қотилни ўша куни мен эмас, сиз икковингиз
қўлга оласиз! — дея уларни ишонтирганча жилмайди
изқувар.

Майор Қосимов пойтахтдан келган изқувар Комил
Умар журналистнинг ошнаси бўлиб чиққанидан, энди
бу чигал иш ишончли қўлда эканидан хотиржам бўлиб
туманга қайтди.

XVII

Самандар раҳматли домласининг ёзув столида-
ги дафтарларни тартибга солаётиб, яшил муқовали
қалингина янги дафтарни қўлига олди. Ички саҳифа-
нинг биринчи бетида катта ҳарфлар билан “КУНДА-

ЛИК 1” деб ёзилганди. Самандар иккинчи саҳифадаги ёзувларга тез кўз югуртира кетди.

“Бугун пешин ва аср намозларини ҳали битмаган янги мачитда, Адҳамбек ҳожи билан бирга ўқидик. Ҳожининг тунов куни қўшнимиз Зоҳидвой билан улфатчилик қилиб ўтирганимизда дабдурустдан келиб қолиб, энди аввалги гуноҳларни қайтарманг-да дея танбеҳ берганида кайф устида ўзимни тутолмай, у киши билан озгина тортишиб қолганимдан афсусда эдим, тўғриси. Кеча у муҳтарам зотнинг олдиларига бориб астойдил узр сўрадим. Ҳожим дарҳол мен гумроҳни афв этиб, бағриларига босдилар. Намоздан кейин анча гурунглашиб ўтирдик. Ҳожим шу кунгидек ҳеч очилиб сўзлашмагандилар. У ёқда тўрт фарзандлари бор экан. Икки ўғил, икки қиз. Ўғилларининг каттаси Америкада яшармиш. Кичиги Мадинада турармиш. Қизларини ҳам турмушга узатиб, ташвишдан қутулган эканлар ҳазратим. Бундан уч йил бурун хотинлари қазо қилиб, менга ўхшаб сўққабош бўлиб қолибдилар. Ёлғизланиб қолгач, жуда зерикибдилар.

Оталари вафот этаётганларида: “Юртимизга бориб бир сиқим она тупроқдан келтириб, қабрим устига сочинг”, — дея васият қилган эканлар. Қариган чоғларида шу юмушни ўйлаб юрганларида, бир куни Мадинадаги дўконларига ўзбек ҳожилари кириб қолишибди. Уларнинг ичида қишлоқдошимиз Қутбиддин ака ҳам бор эканлар. Ҳожим улар билан танишиб, бир куни оқшом маҳали юртдошларни меҳмон қилгани уйларига чақирибдилар. Сухбат орасида Қутбиддин ака у кишининг ота-боболари юртидан эканлиги маълум бўлгач, Адҳамбек жудаям хурсанд бўлиб кетибдилар.



Шундай қилиб, орадан икки йил ўтгач, Қутбиддин акани қора тортиб, дилларида юрт соғинчи билан бу ёқларга келиб қолибдилар. Ҳожим ҳозир Қутбиддин аканикида меҳмон бўлиб турибдилар.

Кеча топилган, ҳожининг бобосидан қолган хатни унга бериш учун олиб боргандим. Ўзиям бир бошқача қоғозга ёзилган экан. Шунча йиллар ичида чириб кетмаганига ҳайрон қоласан киши! Гурунгдан сўнг хатни қўлига бериб ҳайрон қолдирмоқчи бўлдим. Кейин бу фикримдан қайтдим. Ҳожим таҳоратни янгилагани кетганларида хатни устунга илиб қўйилган костюмларининг ички чўнтагига солиб қўйдим. Бир сюрприз қилай, ҳожим боболарининг хатини кўриб бир ҳайрон бўлсинлар-да энди!

Қайтишда кечда бир бизникига ўтинг, бобонгиз тўғриларида айтадиган жудаям муҳим бир гап бор деб ажаблантириб келдим. Ҳали замон ҳожим ҳовлиқиб келиб қолсалар ажабмас.

Одам ўрганган нарсасидан бирданига воз кечиши қийин бўлар экан. Ўзи кечирсин, ҳожига сездирмай, хумори тутганида бир-икки пиёла пиво ичиб турибман. Тургунбой барака топгур, свежийларидан келтириб турибди”.

Самандар “КУНДАЛИК”ни дарҳол изқуварга кўрсатди.

“Бу қанақа хат бўлиши мумкин? Адҳамбекнинг бобосининг хати. Унда нималар ёзилган экан, а? Эрали домла хатни қаердан топиб олдийкин?” — дея ўйга толди изқувар. Мана, сенга яна битта бошни қотирадиган жумбоқ!

— Иккинчи дафтарни топишимиз зарур, — дея китоб қилди изқувар. — Бу ердаги гаплар воқеанинг давоми, дўстим. Воқеанинг боши ўша дафтарда қайд этилган бўлса, иш анча ойдинлашган бўлар эди.

Иккинчи дафтарни топишда унча қийналишмади. “КУНДАЛИК” китоб жавонининг учинчи қаватида “Жаҳон тарихи” дарслигининг шундоқ ёнгинасида турган экан. Улар дарҳол “КУНДАЛИК”нинг сўнги саҳифаларини ўқишди-ю, ҳамма ҳақиқат аён бўлганидек, э, гап бу ёқда экан-да, дегандек бир-бирларига тикилиб қолишди.

Комил Умар чуқур хўрсинганча китоб жавонига яқин келди. Мактабда тарих фанига жуда ҳам қизиққанини, туман ва вилоят олимпиадаларида қатнашганларини эслаб, бояги “Жаҳон тарихи” дарслигини аста қўлига олди. Китобни варақлаб туриб, муқованинг ичида катта-катта қилиб “Т.Тоштемировнинг шахсий кутубхонаси” деган ёзувни кўриб, бошда шубҳаланган шахсни кўз олдига келтирди.

— Самандар, ҳалиги посбон Тургунга айтсангиз: келиб мана бу китобни олиб кетса, — деди изқувар нималарнидир ўйлаб.

— Бу жуда муҳимми? Ҳовлига борганча йўл-йўлаккай ўзим ташлаб кетсам-чи?

— Йўқ, китобни унинг ўзи олиб кетиши керак. Бу иш учун жуда ҳам муҳим! У келганида сиз ҳам ёнимда бўлишингиз шарт, уқдингизми?!

— Тушунарли.

Турғун Тоштемировни изқувар билан Самандар айвонда кутиб олишиб, хушфеъллик билан ичкарига таклиф қилишди.

— Мана, раҳматли устозимизнинг чироқларини ўчирмайлик деб ўтирибмиз, — деб гап бошлади Самандар андак маҳзунлик билан.

— Ҳа-а, домла Шодиев бировнинг кўнглини огритмайдиган яхши одам эдилар, — дея хўрсиниб қўйди Турғун.

— Сўнги пайтларда домлани ёлғизлатмай, ҳолларидан хабар олиб турган экансиз, раҳмат сизга, — деди Самандар миннатдор оҳангда.

— Домла кундаликларида ҳам сиз ҳақингизда яхши гапларни ёзиб кетган эканлар, — деди изқувар домланинг “КУНДАЛИК”ларини очиб Турғуннинг олдига қўяр экан. — Ўқиб кўп таъсирландик.

Турғун юраги гупиллаганча қани, домла мен ҳақимда нималарни ёзиб кетган экан, дея саҳифаларга тез-тез кўз югуртира кетди.

Комил Умар сония сайин унинг юз ифодасидаги ўзгаришларни синчковлик ила кузатиб турарди. Турғун кундаликдаги ўзига тегишли гапларни ўқиб бўлгач, ички ҳаяжонни сездирмаслик учун муштини оғзига қўйиб секин ютиниб олди.

— Эртага оқшом участкавой Мансур Мейлиев билан бир келсангиз, сизларга тегишли муҳим бир гап бор, хўпми, — деди изқувар.

— Шундан кейин биз шаҳарга қайтиб кетамиз, сафаримиз қариди, ука, — дея гапга аралашди Саман-

дар. — Бундан буёғига домланинг чироқларини ўчир-маслик сиз каби оқил шогирдларнинг қўлида энди.

— Домланинг руҳлари чирқилламасин десангизлар, у кишининг хонадонларини обод қилиб туринглар. Тагин бу уй ҳам тез орада ҳов ўша ташландиқ ҳов-лининг ҳолига тушиб қолмасин-а?! — дея таъкидлади изқувар.

— Қўлдан келганича ҳаракат қиламиз қараб туришга, — дея ваъда берган бўлди Турғун.

Комил Умар Турғуннинг этиги қўнжидаги қизғиш дастали қамчинга назар ташлаб олиб:

— Қамчинингизнинг дастаси заранг дарахти новдасидан эмасми? — дея сўради қизиқсиниб. — Қани, бир кўрсам майлими?

Турғун қамчинни изқуварга узатар экан:


— Тоғ дарахтларининг хилини биларкансиз-а, ака, — дея илжайди.

Изқувар чиройли қамчинни яхшилаб кўздан кечирар экан, дастанинг бош тарафидан чиқиб турган беш сантиметрча келадиган учли михга ишора қилиб:

— Бу нима учун қўйилган? — дея сўради.

— Қамчиннинг кетида аввал, янгилик пайтида илмоғи бўлар эди. Бир куни укам тушмагур қамчинни нимагадир қаттиқ уриб, ўша илмоғини тушириб қўйибди. Кейин бир михни яримини кесиб, илмоқ қиламан деб ўша жойга қоқибди. Хуллас, мих чуқурроқ кириб кетиб, мана шу ҳолга келиб қолибди, — дея жавоб қилди Турғун бамайлихотир.

Комил Умар қамчинни қайириб, чап кафтига секин-секин урар экан, марҳум домланинг жар лабидан пастга учиб кетаётганини ўзича тасаввур қилиб,



қовоқларини уйғанча ҳаммаси тушунарли деб қўйди паст овозда.

Тургун кетгач, Комил Умар диванда бир оз чўзилиб ётди. Кўзларини юмганча эртага оқшом бўлиши мумкин бўлган воқеаларни бирма-бир кўз олдидан ўтказар эди.

— Хўш, дўстим, энди нима қиламиз? — дея унинг хаёлини бўлди Самандар.

— Адҳамбек ҳожининг суҳбатларини роса мақтовдингиз, — дея ўрnidан турди изқувар. — Мен ҳам у киши билан бир учрашишим керак.

— Бўлмаса бирга борамиз ҳожининг олдиларига, — дея жилмайди Самандар дўстининг гапи унга ёқиб тушиб.

— Узр, дўстим, у киши билан муҳим бир нарса тўғрисида ёлғиз гаплашишим керак, — дея эътироз билдирди изқувар.

Самандарнинг бирданига қовоғи уйилганини пайқанган изқувар:

— Эртага кечда ўша муҳим нарсадан сиз ҳам огоҳ бўласиз, албатта, — дея кулиб қўйди.

XIX

Келишилганидек эртаси оқшом маҳали домла Шодиевникида майор Қосимов, нозир Мейлиев, посбон Тоштемиров, Адҳамбек ҳожи, Самандар ва Комил Умар йигилдилар.

Тургун юраги аввалдан қандайдир хавотирни сезгандек, безовта бўлганча олазарак у ёқ-бу ёққа қараб ўтирарди. Адҳамбек ҳожи эса чиройли ҳассасини

икки қўллаб ушлаганча гўё айбдордек бошини эгиб, сукут сақларди.

— Биз бу ерга марҳум домла Шодиевнинг ўлими билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиб, қотилни аниқлаш мақсадида тўпландик, — дея гап бошлади Комил Умар ҳаммага бир кўз югуртириб олиб. — Менимча, бу ҳамма учун қизиқ бўлса керак. Ўша қотиллик юз берган машъум оқшом посбон Турғун Тоштемиров домла Эрали Шодиевникига биринчи бўлиб келади. Улар тўрт шиша пивони ичишиб гурунглашишади. Турғун суҳбат орасида баланд жарнинг тубида ажиналар гулхан ёқишиб ўйин қилишаётганини кеча одамлар кўрганмиш, деган мишмиш гапни қистириб ўтади. Шу гаплар тўғрими, Турғунбой?

Турғун изқуварнинг гапини тасдиқлаб, худди айбдордек бош ирғаб қўйди.

Аввалдан ҳам бунақа гапларга унча ишонмаган домла: “Бу бўлмаган уйдирма, мен неча марта баланд жарга борганман. Бўлса менга кўринар эди-да, ўша жин-пинларинг!” — деб аччиқланади. Домла кайф устида Турғунга: “Кечаси юришга қўрқмасанг, юр ҳозироқ бориб, ажина бор ё йўқлигини текшириб келамиз”, — дея йўлга отланади. Улар ўша ёққа шошиб кетаётганларини меҳмонхонанинг кўча тарафдаги очик деразасидан қўшнилари Зоҳид ака кўриб қолади.

Самандар кўзлари бежоланганча саросималаниб ўтирган посбондан кўз узмай, Комил Умар ҳозир унинг барча қилмишларини ипидан-игнасигача иботлаб, айбини бўйнига қўйдириб, шу ердан қўлларига кишан солдириб юборади деб ўзича хаёл қилиб ўтирарди.



— Адирга энди кўтарилаётганларида участка нозир Мейлиев Турғуннинг қўл телефонига қўнғироқ қилиб, тезда ҳузурига етиб келишини сўрайди. Шундоқми, Мансуржон?

Нозир ҳа, тўғри деб тасдиқлаб қўйди.

— Турғун ўша маҳал домлага мени участкавой чақиряпти, ҳозироқ боришим керак экан, юринг қайтайлик, ажинани кўргани бошқа сафар келармиз дейди. Аммо домла кайф устида бунга кўнмай, бор кетсанг кетавер, ўзим бориб яхшилаб текшириб кўрмаганимча кўнглим тўлмайди деб ортга қайтишга унамайди. Иложсиз Турғун ўзингиз биласиз, тагин кечда қоқилиб, сурилиб юрманг ишқилиб, дея қайтиб кетади.

Орадан ўн-ўн беш дақиқалар ўтиб, ёлғиз кетаётган домлага Адҳамбек ҳожи ҳансираганча етиб оладилар. Адҳамбек домлани излаб уйларига борган эдилар, ўша оқшом. Домла билан муҳим бир масала тўғрисида гаплашиб олишлари керак эди. Аниқроғи, домланинг ўзлари ҳожини уйларига таклиф қилган эканлар. Ҳожи келсалар домла уйда йўқ. Кейин қўшнилари Зоҳид акадан у кишининг қаерга кетганликларини сўрайдилар. Зоҳид ака домла боягина посбон билан баланд жарга кетганини айтади. Шундай қилиб, ҳожи фурсатни бой бермай, уларнинг ортларидан югурадилар.

Мана бу “КУНДАЛИК” да ёзилишича ўша кунни аср номозидан кейин домла Адҳамбекка бир хат берган эканлар. Қўлларига бермайдилар-у, ҳожининг мачит устунига илиб қўйилган костюми чўнтагига солиб кетадилар. Домланинг таъкидлашича, бу хат Ад-

хамбекнинг боболари Азимбойга тегишли экан. Энди бу хатда ёзилган гаплар бизга қоронги.

Ҳожи ака, ўша куни Эрали домла билан учрашганларингизда ораларингизда қандай гап-сўзлар бўлганини бизга айтиб берсангиз? — дея сўради изқувар.

Адҳамбек оғир хўрсинганча ҳаммадан кўзларини олиб қочиб:

— Мен у кишимдан раҳматли бобомиздан қолган эски мактубни қаердан олганларини сўрадим, — дея гап бошлади. — Эрали домла қишлоқдаги ташландиқ ҳовлидан бир хумча хазина топдим, хат ўшанинг ичидан чиқди деб айтдилар. Эски мактубда ёзилишича, ўша хазина бизнинг авлодларимизга тегишли бўлиб, уни ким топса, тўртдан уч қисмини бизга беришлиги айтилган экан. Табиийки, мен ўз улушимни талаб қилдим. Эрали домла бунга сира кўнмадилар. Биз тут остида анча тортишиб қолдик. Бу тиллолар халққа тегишли. Ота-боболарингиз камбағал меҳнаткашларнинг қонларини текин сўриб йиққан бу тиллоларни дея қаттиқ гапириб юбордилар. Эртагаёқ бу хазинани давлатга топшираман деб кўнглимни оғритдилар. Тақсиримдан қаттиқ ранжиб, э билганингизни қилинг, дея қишлоққа қайтиб кетдим.

— Ҳм, шунақа денг, аммо сиз ўша кеч дарров қишлоққа қайтиб кетмагансиз, — дея қатъийлик билан ҳожининг гапини рад этди изқувар. — Домладан қандай қилиб бўлмасин қутулиш йўлини пойлагансиз. Икки киши билган сир сир эмас. Топилган хазинанинг ёлғиз меросхўри якка ўзингиз. Уни қандай бўлмасин қўлга киритишингиз керак эди. Пайт пойлаб турганингизда, домла баланд жарнинг лабига бориб,

пастда ажина-пажина бор йўқлигини кузата бошлайди. Шунда сиз фурсатни бой бермай, орқадан секин келиб, ҳассангиз билан домлани пастга итариб юборгансиз.

Адҳамбек ўзига қўйилаётган айбдан ҳайратга тушиб, тили калимага айланмай қолган эди. Комил Умар унинг қўлидаги ҳассасини олиб, ҳаммага кўрсатиб:

— Мана бу қотиллик воситасига диққат қилинг, — деди. — Унинг учидаги ўткир темир домланинг орқасига қаттиқ ботирилган!

— Сиз... сиз... биродар адашмоқдасиз, мен бундай ишни асло қилмаганман! — деди ҳожи ҳаяжонланганча.

— Домла пастга қулаб тушгач, у кишининг уйлари-га шошиб келиб, ташландиқ ҳовлидан топилган хумчани излагансиз. Аммо қидиришларингиз бесамар кетган. Домла хазинани ҳеч кимнинг хаёлига келмаган жойга — ошхонадаги стол остидаги ерни ковлаб, кўмиб қўйган эканлар. Биз уни топдик.

Комил Умар шундай дея китоб шкафи пастида турган эски кўзачани олди-да, оғзига боғланган латтани олиб ташлаб, олтинларни жаранглатиб стол устига тўкиб ташлади. Чироқ нурида ажабтовур ялтираб турган олтинларга йиғилганлар анграйганча тикилиб қолишди. Ҳаммадан ҳам кўра олтиннинг сирли жозибасидан Турғуннинг юраги ўйнаб кетди.

— Бобонгизнинг сизга насиб қилмаган тиллаларига сўнгги бор яхшилаб қараб олинг, — дея ҳожига пичинг қилди изқувар.

Майор Қосимов қотилнинг аниқланганлигидан ичида хурсанд бўлиб турса-да, аммо Самандарнинг

шу заҳотиёқ аччиқланиб: “Ана, домламнинг ўлимлари тасодифий эмас экан-ку!” — дея ўзига таъна қилишдан бир оз чўчиб ўтирарди. Ҳайтовур, Самандар ундай андишасизликка бормади.

Комил Умар мен тугатдим дегандай майорга юзланганди, шу ондаёқ Адҳамбекнинг қўлларига кишан солиб ташқарига олиб чиқишди.

Самандар уларнинг орқаларидан бораётган изқуварнинг енгидан тортиб тўхтатди-да:

— Қаллангиз борми, ўзи? — деди аччиқланиб. — Шундай фариштадек одам қотиллик қиладими ҳеч бир замонда, а?! Нималар қилиб қўйганингизни англаяпсизми, дўстим?! Эҳ, изқувар ёлламай, ҳар нарса бўлай мен!


— Ҳамма далиллар ҳожига қарши бўлиб турган бўлса мен нима қилай, ахир?! — дея ўзини оқламоқчи бўлди изқувар.

— Э, қўйинг-э! — дея асабий қўл силтади Самандар.

Комил Умар шу тобда дўстини хотиржам қилмаса бўлмаслигини тушуниб, орқадан қулоқларига аста пичирлади. Самандар унинг гапларига ишониш-ишонмаслигини билмай, чўзиб “нима-а?” дея қошларини чимирди.

— Энди бизнинг ҳам сафаримиз қариди, ука, шаҳарга қайтмасак бўлмайди, — деди Самандар Тургунга домланинг уйларининг калитларини тутқазиб. — Уйнинг чирогини ёқиб туриш энди сизнинг зиммангизда, укажон.

Улар кетишгач, Тургун бир оз серрайиб турди-да, кейин ҳовлига кирди.



Домланинг ёзув столларида турган янги бир китобча унинг диққатини тортди. Бу Умар Хайёмнинг “Наврўзнама” номли китобчаси эди. Уни тунов куни Комил Умар шаҳардан топиб келганди. Домланинг худди шундай китобчасида одам ўқий олмайдиган қилиб ўчириб ташланган бир сўз борлигини муҳтарам китобхонга аввалги бобларда зикр қилган эдик. Комил Умар эринмасдан шу сўзнинг нима эканлигини аниқлаган эди. Турғун ҳам домланинг ўша китобчасига бир кўз югуртирганда, нима учун шу сўз ўчириб ташлаганига ҳайрон бўлган, у қандай сўз экан деб кўпдан бери ўйлаб юрарди. Мана, у ҳаяжонланганча ўша ўчирилган сирли сўзни топиб, кўнгли хотиржам топганча курсига суяниб қолди. Кейин шоша-пиша домланинг “КУНДАЛИК”ларини варақлаб, кечагина бир қур кўз югуртирган ўша саҳифани диққат билан қайта ўқиди ва хазина ниманинг тагида кўмилгани унга аён бўлди-қолди.

XX

Баланд кўтарилган тўлин ой қишлоқ четидаги ташландиқ ҳовлига ҳам яхшигина ёғду сочиб турар эди.

Турғун Эрали домла қазиб кўмган жойни қийнамай қазиб, излаганларини топгач, юраги ўйнаб, чуқурдан чиқаётганди, тўсатдан ярқираган фонарь нурлари кўзларини қамаштириб юборди. У кафти билан фонардан кўзларини тўсиб, юраги шув этганча орқага тисарилди.

— Ҳорманг энди, йигит?! — деди Комил Умар фонарни ўчириб. — Мен домланикида атай қолдирган “Наврўзнама”ни ўқиганингиздан кейин шу ерга кели-

шингизни билардим. Иккита кўза сизга кўплик қилмасмикин, а? Аввалги кўзани деб домлани жардан итариб, ўлдирдингиз!

— Эрали домлани мен ўлдирганим йўқ! — дея дарҳол рад этди Турғун. — Ўзингиз Адҳамбекнинг қотиллигини исбот қилиб бердингиз-ку, ахир!

— Йўқ, у киши қотил эмас, — дея бош чайқади изқувар. — Мен сизни тагин бир жиноят тузоғига тушишингиз учун шундай ўйин қилдим.

— Ах, аблаҳ! — дея Турғун энгашиб, чуқурдан белкуракни олди-да, икки кўллаб дастасини маҳкам қисиб изқувар томон юрди. — Орқамдан кузатганингни ўша куниеқ сезган эдим-а! Қани, жонингдан умидинг бўлса яқинлашиб кўр-чи, ўлдираман!

— Эҳ, номард, шу сариқ тангаларни деб домланинг жонларига қасд қилганмидинг, ҳали?! — дея Самандар уларга яқин борди.

Шошиб қолган Турғун белкурак билан унинг кўлига уриб юборди. Белкуракнинг учи фонарга тегиб, уни Самандарнинг кўлидан учириб юборди. Дарвоза ёнида турган майор Қосимов чошиб келиб, Самандарни четга итариб, Турғун билан юзма-юз бўлиб қолди. Турғун қоронғида уни танимай, бошини кўзлаб бор кучи билан белкуракни серпаган эди, майор чаққонлик қилиб эгилиб, белкуракни ўтказиб юбориб, то рақибни ўнгангунга қадар унинг ўнг тирсагига қаттиқ тепди. Ток ургандек зарбдан белкурак Турғуннинг кўлидан икки метр нарига учиб кетди. У белкурак томон интилган эди, шу асно иягига тушган Комил Умарнинг кучли муштидан гурсиллаб ерга қулади.

Йигирма дақиқалардан сўнг Турғун Тоштемиров лат еган ўнг тирсагини сийпалаганча туман жиноят қидирув бўлими бошлиғи майор Қосимовнинг хонасида бошини эгиб ўтирар эди.

— Хуш, қилган жиноятингни бўйнингга оласанми?
— дея сўради майор.

— Мен ҳеч қандай жиноят қилмаганман! — қайсарлик ила жавоб қайтарди Турғун. — Ана, одам ўлдирган Адҳамбек, уни жазоланглар!

— Афсуски, Адҳамбек қотил эмас-да, — дея сўроққа аралашди Комил Умар. — Ўша куни баланд жарга Адҳамбек ортларингдан дарров бормаган. Мейлиев сотканга қўнғироқ ҳам қилмаган. Бу нотўғри-ми, а? Биз қани нима дер экансан, деб шундай гап тўқиган эдик. Кеча нега домланикида бу гапингиз ёлгон, Мейлиев телефон қилгани йўқ эди демадинг? Сен 43-размерли этик киясан-ку, ахир. Этигинг излари баланд жар яқинидаги тут остида ва жар лабида қолган. Домлани жарга итариб юборганингдан кейин орқага қайтаётганингда лойга сирпаниб оёгинг қайрилиб кетган. Йиқилмаслик учун тут танасини кучоқлагансан. Шунда тутнинг қуриб қолган новдачаси ўнг қўлинг кафтини кесиб юборган. Рўмолчанг билан қўлингни боғлагансан. Кейин рўмолчани ўша ерда тушириб қолдиргансан. Қўлингни тутга қаттиқ урганингда, костюмингнинг енгидаги тугмачаси синиб, ярми тушиб қолган. Сен “Мальборо” сигаретини хуш кўрасан-ку. Тут остидан ўша севимли сигаретнинг қолдиқларини ҳам топдим. Кейин ўша ерда

сен ўзинг билан ичишга олиб кетган “Қибрай” пивоси шишасини қолдирибсан. Шишада сенинг бармоқ изларинг қолган. Рўмолчадаги қон юқини сен шифохонада қўлингни боғлатган бинтдаги қон юқи билан солиштириш учун экспертиза қилдиргандим. Бахтга қарши иккови ҳам сенга тегишли чиқди. Ҳа, яна, ўша рўмолчангда уч-тўртта соч толалари ҳам ёпишиб қолган экан. Эсингдами, дўконга кирган кунимиз сочим тўкиляпти деб сотувчидан янги шампунь сўраганинг? Ўшанда пешойна устига сочларинг толалари тушиб қолган эди. Буни қара, ўша иккала соч толалари ҳам айнан сенга тегишли бўлиб чиқди. Энг асосийси — мана бу қотиллик воситасининг сенга тегишли эканлиги.

Комил Умар шундай дея малла чарм сумкасидан қизғиш дастали қамчинни чиқарди.

— Мана шу билан домланинг орқасидан жарга итариб юборгансан! Қамчинни кетидаги мана бу мих домланинг орқасига қаттиқ санчилган! — деди.

Турғун гап қайтаролмай, дамини ичига ютиб қолган эди.

— Энди Адҳамбекнинг ўша томонга борганига келсак, — дея гапида давом этди изкувар. — Ҳожи банд жарга сен домлани гумдон қилгандан кейин борганлар. Сен у кишининг келаётганлари кўриб қолиб, дарҳол ўтлар орасига ётиб беркиниб олгансан.

Сенда тиллага қизиқиш аввалдан бўлган.

Комил Умар домланинг “КУНДАЛИК”ларини сумкасидан олиб очиб ўқишга киришди:

“Кеча Турғунбой иккита эски танга олиб келди. Момосининг сандигидан топиб олганмиш. Шу бола

мактабда яхши ўқимаган бўлса-да, археологияга жуда қизиқади-да. Армиядан келганига уч йил бўлса ҳам ўқишга киролмай келяпти. Кечқурунлари тарихдан сал сабоқ берсангиз, бу йил ўқишга кириб кетармидим деяпти.

Ёлғизлик ёмон нарса экан. Гоҳида китоб варақлаб ҳам ёлғизликни енголмас экансан киши. Қўни-қўшнилари, шу Турғунбой омон бўлсин-да ишқилиб. Ҳар кун бўлмаса-да, кунора йўқлаб турибди барака топгур. Ўтган куни тўрт бутилка пиво кўтариб келибди тушмагур. Томоқни ҳўлаб, анча гаплашиб ўтирдик у билан. Нима дейди денг, қишлоқ четидаги ташландиқ уйда жин борлигига ишонасизми, эмиш. У уйда жин нима қилсин. Бир замонлар қари-қартангларнинг айтишларича, у ҳовлида инқилобдан аввал Азимхўжа бой деганлари яшаган экан. “Бўлмаса нега одамлар орасида ўша ҳовли ҳақида ҳар хил мишмишлар юради”, — дейди Турғунбой. “Қанақа мишмишлар?” — дедим. “Мана, масалан, ўша уйда тўртта оила яшаб, тўртови ҳам бир йилга қолмай, баъзан болалари, баъзан эрлари касал бўлишиб, кўчиб кетишган экан”, — деди у. “Қанақа касал бўлишаркан?” — дея қизиқсиндим гўё эшитмагандик. “Кўрган одамига бойлик, олтин-кумуш ваъда қиладиган васвос касалига дучор бўлишаркан-да”, — деди у. Бу галати гапларга унчалик ишонмасам-да, менга негадир бунга қизиқиш уйғонгандай бўлди.

Эртасига вақтлироқ туриб, ўша ҳовлини бир кўздан кечиргани бордим. Одам турмагандан кейин ҳар қандай сарой ҳам харобага айланади деганлари ростла ўзи. Дарахтлар қуриб қолган, ҳамма ёқни хас-ха-

шак босган. Аммо бир нарсадан жуда ҳам таажжубга тушдим. Мана, неча замоналардан бери бу ҳовлида бир зот яшамаган, экин-тикин қилиб суғормаган бўлса ҳам, ҳовлининг ҳар-ҳар жойида гўё кўкламда экилиб, доимо суғорилиб тургандек райҳон гуркираб ўсиб ётар эди! Тавба дея ҳеч нарсага ақлим етмай, изимга қайтдим. Уйга келиб бу ҳақда роса икки ҳафта бош қотирсам бўладими?!

Бир куни Умар Хайёмнинг “Наврўзнома” сини варақлаб туриб, ярқ этиб кўзим очилиб кетди! Беназир, улуг шоир бу жумбоқнинг жавобини минг йилча бурун ёзиб қолдирган эканлар.

Эртасига чўкич ва белкурак олиб, эрта тонгда ташландиқ ҳовлига йўл олдим. Райҳон ўсган жойларнинг бирини танлаб, аввал чўкич билан қазिशга киришдим. Тўрт қаричча ер сал қаттиқ чиқди. Кейин майин тупроқ чиққани-чун, иш анча енгил кечди. Белимгача қазиганимдан кейин белкуракнинг учи бир нимага тақ этиб тегди. Оёгим остида уч хумча кўмилган экан. Барининг ичи тўла тилла! Бирини олиб, қолганини яна кўмиб қўйдим. Уйга бориб, булар қайси даврнинг тангалари эканлигини яхшилаб аниқлагач, қолган иккитасини ҳам олиб келмоқчи бўлдим. Уйга қайтгач, тўртта тиллани олиб, кўзани б.нинг остига кўмиб қўйдим. Олтинлар XVI асрда Бухорода зарб қилинган бўлиб чиқди”.

— Тунов куни тарих китобингни олиб кетиш учун келганингда, сенга бежизга “КУНДАЛИК” дан бу гапларни ўқитмаган эдим. Ўша кундан кейин ҳаловатинг йўқолди. Бизнинг бу ерда эканлигимиздан чўчибми, кузатувда эканлигингни пайқабми, ўша ик-



ки кўзани қазиб олишга боришга журъатинг етмади, шундайми?

Тургун Тоштемиров изқуварнинг усталик билан қўйган қопқонига тушганини, энди ундан чиқиб кетолмаслигини теран ҳис қилиб ўтирар эди.

— Домлада олтин борлигини қаердан билдинг? — юмшоқлик билан сўради Қосимов.

— Бир оқшом ўзлари иккита сариқ тангани кўрсатгандилар, — деб жавоб қилди Тургун.

— Қанча тилла топганларини сенга дарҳол айтдиларми?

— Ўзларига қолса, айтмасдилар-у, анча-мунча бор эканми деб сўрайверганимдан кейин: “Бир хумча опкелиб беркитиб қўйдим”, — дедилар. Ёлғиз одамсиз, мунча тиллани нима қиласиз, ярмини менга беринг, уни топишда менинг ҳам ҳиссам бор-ку, десам ҳам домла кўнмадилар. Олтинларни текширтириб, давлатга топшираман деб туриб олдилар.

— Адҳамбек жар атрофидан Шодиевни тополмай кетгандан кейин шошганча домланикига келиб, тиллаларни топиш мақсадида тинтув ўтказдинг. Бироқ у ердан хумчани тополмадинг, шундайми?

Тургун ҳа шундай дегандай бош ирғаб айбига иқрор бўлди.

— Энди ўша куни бўлган воқеани батафсил ёзиб берасан, — дея майор Қосимов Турғуннинг олдига ўнтача оқ қоғоз ва ручка қўйди.

XXII

— Кўрдингизми, ҳазрат Умар Хайёмнинг башоратларида чиндан ҳам жон бор экан-а?! — деди Саман-

дар. — Ташландиқ ерда ўсган райҳон остида хазина бўлишлиги исботланди!


— Мен ўша куни моргда домланинг жасадларини текшираётганимда кафтларидан райҳон иси келганига дафтарчамга “Д. райҳонни хуш кўрар экан”, деб ёзиб қўйгандим, — деди изқувар. Эртасига уйларига келсак, ҳовлиларида райҳон экилмаганига бир оз ҳайрон бўлгандим. Демак, райҳоннинг ўткир ҳиди домланинг кўлларига ўша ташландиқ ҳовлида хазина ахтараётганларида юққан экан-да.

— Сиз нима дейсиз, Самандар, чиндан ҳам хазина одамни гапиртирармикин?

— Нуширавони одилнинг сартароши ҳақидаги “Наврўзнома” да келтирилган ҳикоят дарров ёдингиздан чиқибди-да, дўстим, — дея кулди Самандар.

— Хаёлим анови ишда бўлиб мен бунга бир чўпчак-да, деб унча эътибор бермагандим, — дея тан олди изқувар. — Сиздан нима кетди, ўша ҳикояни бир такрорланг-чи.

— Кунларнинг бирида Нуширавони одил соч-соқолини олдириш учун боққа сартарошни чақиртирибди. Сартарош қўлини унинг бошига қўйгач: “Агар сиз, олий ҳазратим, хушрўй қизингизни менга хотинликка берсангиз, мен сизни Қайсар зулмидан фориғ этаман”, — дебди. Нуширавон ўзича: “Бу одам ўзи нима деяпти?” — деб ўйлаб унинг сўзларига ҳайрон бўлибди. Аммо, сартарошнинг қўлидаги устарасидан кўрқиб, бирор қарши сўз айтишга юраги дов бермай: “Жоним билан, фақат сочимни олиб қўйганингдан кейин”, — дебди. Сартарош сочини олиб бўлиб кетгандан кейин вазири Бузургмеҳрни чақиртириб, унга бўлган воқеа-



ни айтиб берибди. Вазир сартарошни олиб келишни буюрди ва ундан: “Сен олий ҳазратнинг сочларини олаётганингда нималар дединг?” — деб сўрабди. Сартарош ҳайрон бўлганча: “Ҳеч нима демадим”, — деб жавоб берибди. Шунда вазир сартарош турган ерни ковлаб кўришни буюрибди. У ердан беҳисоб бойлик топишибди. Шунда вазир: “Олий ҳазратим, сартарош айтган сўзларни сартарошнинг ўзи айтмаган. У гапни ушбу хазина айтган, чунки унинг қўли сизнинг бошингиз тепасида, оёғи ганжина устида бўлган”, — дебди. Арабларда: “Кимки ўз оёғи остида хазина кўрса, у ўз ҳаддидан ортиқроқ нарсани сўрайди, деган мақол бор, ҳазратим”, — дебди.

— Бундан чиқди ўша қишлоғингиздаги ташландиқ ҳовлида яшаб, номи жин текканга чиққан одамлар ҳалиги хазинанинг устида туриб, ғалати-ғалати гапларни айтишган экан-да?! — деди Комил Умар буни қаранг-а, дегандай бошини чайқаб.

— Ким билади, эҳтимол шундай бўлгандир, — дея энгил хўрсиниб қўйди Самандар.

— У ерда райҳон кўп ўсган жойлар учтами, тўрттами эди шекилли, — деди ўйланиб изқувар. — Биз фақат битта жойдаги хазинани топдик, холос.

— Энди у топилажак олтинлар Адҳамбек ҳожига тегишли, дўстим, — дея кулумсиради Самандар. — Ҳожим ота-боболарининг қадимий ҳовлиларини энди умримнинг охиригача шу ерда яшайман, деб қайтариб олишга муваффақ бўлибдилар.

— Э, кетдик, Адҳамбекни бир табриклаб келайлик бўлмаса, — дея дўстининг кифтига меҳр ила қўл ташлади Комил Умар.

Ҳожи уларни аввалгидан ҳам хушнудроқ қарши олди.

Ҳигитларнинг ҳазил аралаш айтган ҳалиги гапларига чиройли ним табассум билан:

— Жаннатмакон бобомиз бизга қолдирган мактубларида эски ҳовлимизда кўмилган тиллоларни хайрли юмушларга — мактаб ва мадраса қуришликка, домлалар, толиби илмлар ва бева-бечораларнинг аҳволларини тузуклашга сарфлашни тайин қилган эканлар, — деди. — Бобомизнинг амрлари биз учун вожибдур!

Ҳожининг пурмаъно сўзларидан таъсирланган икки дўст бир-бирларига мамнун боқишди.

2006–2008 йиллар

МУНДАРИЖА

ҲИКОЯЛАР

Антиқа қотиллик.....	3
Қора мушук.....	21
Чипор илон.....	41
Алмашган пойабзал.....	58

ҚИССАЛАР

Бриллиант узук сирин.....	70
Райҳон остидаги хазина.....	112

5500с

УЎК 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)7
М96

М96 **Муҳаммад, Иброҳим.**
Бриллиант узук сири / И. Муҳаммад;
– Т.: "DAVR PRESS" НМУ, 2016. – 176 б.

ISBN 978-9943-4611-0-9

УЎК 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)7

Адабий-бадиий нашр

Иброҳим МУҲАММАД

БРИЛЛИАНТ УЗУК СИРИ

Ҳикоя ва қиссалар

Бош муҳаррир Асрор Мўмин
Бадиий муҳаррир Жаҳонгир Абдужалилов
Муҳаррир Адолат Файзиева

Нашриёт лицензия рақами А1 № 213
2015 йил 10 сентябрда нашриётга топширилди.
2016 йил 28 мартда босишга рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32. "Academy TAD" гарнитураси.
Шартли босма табағи 9,24.
Нашриёт ҳисоб табағи 7,22. Адади 1000 нусха.
1157-сонли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Оригинал макет "DAVR PRESS"
нашриёт-матбаа уйида тайёрланди.
"DAVR PRESS" НМУ МЧЖнинг матбаа бўлимида
офсет усулида чоп этилди.
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100156,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-А даҳа, 42-уй.
Нашриёт бўлими тел.: +99871 120-1299;
Маркетинг бўлими тел.: +99871 120-1233; 120-1202.

Тел.: +99871 120-1299;
E-mail: davr@dapress.uz

10260



Иброҳим Муҳаммад (Иброҳим Жалилов) 1960 йил 6-августда Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида хизматчи оиласида туғилган. У 1985 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетини тугатган. У талабалик даврларидан балиий ижод билан шуғулланиб келади. Ҳикоя ва қиссалари “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналларида, “Даракчи” ва “Хордиқ” газеталарида босилган. “Хаттот” (2008) ва “Шарҳисабз ҳаёли” (2011) китоблари чоп этилган.

У Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



ISBN 978-9943-4611-0-9



9 789943 461109